

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎУТҚ МАДАНИЯТИ

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент - 2016

Маърузалар матни услубий кўлланмаси ТАТУ илмий-услубий кенгашида (№ 110 сонли баённома 28 июнь 20016 йил) тасдиқланган.

Тузувчи:

Ахмедова М.Х. Ўзбек ва рус тиллари кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:

Абдуллаева С.Х. Ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири

Такризчи:

Келдиёрова Г. Тошкент кимё технологиялари институти доценти,
филология фанлари номзоди

Мазкур курс нутқ маданиятининг назарий асосларини ёритиб беришга йўналтирилган бўлиб, тилшунослик масалаларини таҳлил қилиш ва адабий тил меъёрларини пухта эгаллаш, мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари малакасини шакллантириш, нутқ маданиятини ўстириш, яъни оғзаки ва ёзма нутқни аниқ, тўғри (адабий талаффуз меъёрларига риоя қилган ҳолда), мақсадга мувофиқ раван баён қилиш, мутахассислик тилининг хусусиятларини ўргатиш юзасидан тушунча беради.

Кириш

Ҳозирги даврда бизнинг миллий маданиятимиз ҳар томонлама ўсмоқда. Бу, айниқса моариф, санъат, адабиёт ва шу билан бир қаторда фаннинг техника соҳасида ҳам яққол сезиляпти. Шулар натижасида ўзбек адабий тилнинг меъёрлари ҳам ишланиб, такомиллашиб, қатъийлашиб қолди. Нафақат илмий адабиётлар, балки газета ва журналларимизнинг тили, услуби аввалги меъёрга қараганда анча пухта ва силлиқлашди, радио ва телевиденияда сўзлаган нотиқларнинг ажойиб нуқталари нутқ меъёрларини анча қатъийлашганидан, стилистик равлонлик ўсганлиги, нутқ маданиятига эътибор ортганидан далолат беради.

Нутқ маданиятини «мустақил фан» деб аташ ва уни махсус ўқитиш лозимлиги ғояси ўзбек тилшунослигида ҳам пайдо бўлди.

Г. А. Абдурахмонов шундай ёзади: “«нутқ маданияти» масалалари олий мактабларда мустақил фан сифатида ўқитилса яхши бўлади. Фақат олий мактаблардагина эмас, ўрта мактабларнинг юқори синфида ҳам нутқ маданияти номалари махсус ўқитилиши зарур”.

Нутқ маданиятини фан, ёки махсус мустақил соҳа деб таърифлаш, асосида объектив ҳақиқатга кўра анча илгарилаб кетган.

Нутқ маданияти алоҳида фан ёки тилшунослик фанининг махсус бўлими, деган масала ҳозирча мунозаралидир.

Тилшуносликда нутқ маданияти, тил маданияти тушунчалари тез-тез тилга олинадиган бўлди. Нутқ маданияти тушунчасини лисоний, илмий, илмий – амалий мундарижаси ҳозирда ҳам изчил белгиланган эмас.

Нутқ маданиятининг истиқболи граматика, фонетика лексикология орфография ва пунктуация қонуни - қоидаларининг илмий томондан пухта ишланишига ҳамда уларга тўғри амал қилинишига боғлиқ.

Нутқ маданияти тушунчаси нимани ифодалайди? Бу тушунчани номидан кўриниб турибдики, «Стилистика» фани каби нутқни ўрганади. Лекин «Стилистика»да нутқ бошқа нуқтаи назардан ўрганилади: нутқ стиллари қайсилар? Улар бир биридан қандай фарқланади? Ҳар бир стилнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат?

«Нутқ маданияти» эса нутққа бошқа томондан ёндашади. Биргина стиль доирасида одамларнинг нутқи турли хусусиятларга эга бўлади. Масалан: сўзлашув услуби, публицистик услуб ёки бадиий услуб. Мана шу услубда гапирадиган одамларнинг нутқи баъзан равлон, таъсирчан, баъзилари ўртача таъсирчан, учинчи хил одамлар нутқи ҳеч эътиборни тортмайди. Мана шу хусусиятлар нутқ маданиятининг ўрганиш объектидир. Демак, бу фан шундай масалалар билан шуғулланади: одамлар мулоқатдаги нутқи сифатлими ёки сифатсиз? Нутқни қандай такомиллаштириш керак.

Нутқ маданиятининг 2 босқичи мавжуд:

1. Дастлабки (пастки) босқич. Бунда нутқ сифатларидан бири нутқ тўғрилиги эгалланади. Бу сифат адабий меъёрнинг барча кўринишларини

камраб олади. Улар фонетик (орфоэпик), лексик, грамматик, сўз яшаш кабилар. Лексик меъёр луғатларда ўз ифодасини топади.

2. Нутқ маданиятининг юқори босқичи. Бу маданиятли шахснинг ажралмас белгисидир. Нутқни такомиллаштириб бориш ҳар бир шахснинг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун доимо ўз нутқини кузатиб бориш, талаффузда, сўз шакллари қўллашда, гап тузишда хатоликларга йўл қўймаслик, доимо ўз луғат бойлигини ошириб бориш, суҳбатини диққат билан тинглашга ўрганиш, ҳар бир нутқ вазиятига мос сўз ва ибораларни топиб ишлатиш кабилар қиради.

«Техник соҳа ходимларининг нутқ маданияти» фанининг объекти нима?

Техник соҳа ходимларининг тилдан фойдаланиш жараёни жуда мураккаб. Улар бир неча тил доирасида нафақат илмий, балки оммабоп услубда мулоқатга киришишлари керак бўлади. Демак, улар ўз она тиллари билан бирга ўрганаётган соҳа терминларини луғат бойлигини ҳам тўла эгаллашлари, улардан эркин ва саводли фойдалана билишлари талаб қилинади.

Мулоқатда одамлар бир-бирига у ёки бу хабарни етказди, у ёки бу фикрни билдиради, у ёки бу нарсга ҳақида сўрайди. Демак, нутқий фаолият амалга оширилади. Бу фаолиятга киришишдан олдин нутқий муносабатга – алоқага киришиш керак. Бу унча сезилмайди, чунки ҳамма учун кўникмага айланиб кетган. Масалан: бир-биримизни кўришишимиз билан баъзи бир мулозаматларни бажарамиз.

«Тил маданияти» ва «нутқ маданияти» тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. «Нутқ маданияти» аниқ маънода тил бирликларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри мақсадга мувофиқлигини англатса ҳам, умумий маънода маълум миллатнинг маданияти доирасига қаралади. Тўғри нутқ лисоний ва нолисоний омилларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён бўлиб, у мантиқшунослик, руҳшунослик, педагогика, этика, эстетика масалалари билан боғлиқ. Аммо, нутқ учун тилнинг биринчи ўринда туришини ҳеч ким инкор этмайди.

Нутқ маданияти тушунчасини илмий жиҳатдан тўғри тасаввур этиш нутқ маданияти деб юритилаётган соҳанинг тилшунослик фани, шунингдек бошқа фанлар доирасида тутган ўрнини белгилаш билан боғлиқ. Филологик фан сифатида тан олиниш билан бир қаторда уни тилшуносликнинг бир бўлими деб ҳам қаралади.

Филологик фан деб аташ билан баъзи бир мулохазаларга таянган ҳолда нутқ маданиятини фаннинг илмий сифатида тилшунослик билан бир қаторда эстетика, одобшунослик, ижтимоий фанлар билан ҳам ҳисоблашиш кераклигини таъкидлаб бориш лозим. П. Петушков «Культура писателя» мақоласида «бошқа фанлар билан яқинда алоқада бўлгандагина нутқ маданияти ўзининг мукамал таълимотини ярата олади ва жамият учун кутилган салмоқли таъсирини ўтказа олади» деб кўрсатиб ўтган эди.

1-МАВЗУ: НУТҚ МАДАНИЯТИ. КУРСНИНГ ПРЕДМЕТ ВА ВАЗИФАЛАРИ. НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

Режа:

1. Нутқ маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми сифатида.
2. Нутқ маданияти босқичлари.
3. Нутқ маданияти аспектлари.

Яхлит диалектик бирликни ташкил этувчи ва жамиятда асосан коммуникатив мақсадларга хизмат қилувчи *тил*, унинг динамик ҳолати бўлмиш *нутқ* ўта мураккаб ва серқирра лисоний ҳамда фалсафий категориялар жумласига киради. Ўзига хос ижтимоий ҳодисалар сифатида уларнинг ҳар бири жамият тараққиётининг негизини ташкил қилувчи маданият соҳасининг бетакрор ва беназир маҳсули ҳамдир.

Энг универсал лисоний (вербал) мулоқот воситаларидан бўлмиш тил ва нутқ бирликларидан тўғри ва ўринли фойдаланишга интилиш маданийлашган *тил* ва *нутқ* ҳақидаги тушунчалар, илмий қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Илмий адабиётларда маданийлик, маданият тушунчаларининг 200дан ортиқ таърифи қайд этилган. “Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида муайян одамлар жамоаси томонидан тўпланган ва тўпланиб келинаётган моддий-маънавий қадриятлар мажмуи, жамоа ижтимоий фаоллиги маҳсули: у тарихий генезисга эга ва алоҳида шахснинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди”. Ҳар қандай жамоа, у хоҳ оила, хоҳ дўстлар, хоҳ қўшнилари, хоҳ мактабдош ёки курсдошлар бўлсин, ўзига хос ва мос бирор-бир моддий ёки маънавий қадриятни яратади. Бундай жамоаларга хос маданият турини фанда *субмаданият* деб аташ одат бўлган. Миллий маданият билан унга мансуб шахс орасида ўзаро кучли боғлиқлик мавжуд. Уларнинг ҳеч бири бошқасисиз мавжуд бўла олмайди. Маданият шахсни муайян жамият ҳаётига мослашишга ўргатади. У бу доирадан чиқиб кета олмайди ва унинг меъёрлари билан яшайди. Шу боис ҳам ҳар бир миллат тили ўша миллат маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Маданиятнинг ўзи эса нутқ маданияти ва жамиятнинг тилга муносабати билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

«Тил маданияти» ва «нутқ маданияти» тушунчаларини бир – биридан ажратиш бўлмайди. «Нутқ маданияти» аниқ маънода тил бирликларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ҳам умумий маънода маълум миллатнинг маданияти доирасига қаралади. Тўғри нутқ лисоний ва нолисоний омилларни ўз ичига оладиган мураккаб жараёни бўлиб, у мантиқшунослик, руҳшунослик, педагогика, этика, эстетика масалалари билан боғлиқ. Аммо, нутқ учун тилнинг биринчи ўринда туришни ҳеч ким инкор этмайди.

“Тил маданиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. У ижтимоий мерос қилиб олинган ҳаёт тарзимизни белгиловчи амалий кўриниш ва ғоялар

тўплами”дан иборат эканлиги Ф.В. Гумбольдт томонидан қайта-қайта таъкидлаб ўтилган.

Энди *тил* ва *нутқ* тушунчаларининг ўзаро муносабатларини кўриб чиқамиз. Айтиш керакки, “тил–нутқ” тушунчаларининг ўзаро муносабатига олимлар алоҳида аҳамият бериб келган. Фердинанд де Соссюрнинг издоши Э. Бенвенист ушбу тушунчаларни шундай баён этади: “Тил бу – бутун жамиятга тегишли бирлик, ушбу бирликни нутқ шахсий ва интересубъектив мақсадда ишлатади ҳамда шу йўл билан унга янгича ва ўзига хос кўриниш беради. Тил бу – ҳамма учун умумий бўлган система, нутқ эса, бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот етказувчи, ҳам ҳаракат воситасидир. Шу маънода нутқ шакллари, гарчи улар тилнинг ичида ва унинг ёрдамида шакллансалар-да ҳар сафар ноёбдир”. Кўринадикки, тил ўзининг аксини муйян даражада ўз маданиятига эга бўлган жамият ва мулоқотда бўлаётган ижтимоий гуруҳ нутқи ва коммуникациясида топади.

Нутқ – мустақил *фаолият*, у орқали тил ўзлигини тўлиқ намоён этади. *Нутқ* – *мулоқот* ва унда жамиятнинг муйян қатламга тегишли *маданияти* ҳам қандайдир даражада ўз аксини топади.

Тил ва нутқ ўзаро таққосланганда қуйидагилар яққол кўзга ташланади:

Тил мулоқот учун хизмат қилади ва инсоннинг дунё ҳақидаги бор тасаввурини дискрет белгилар орқали ифодалашга қодир;

Нутқ тилнинг амалиётда татбиқ этилишидир; у *ҳаракатдаги тил* бўлиб, мулоқот воситаларининг қўлланиш пайтидаги кетма-кетлиги сифатида намоён бўлади.

Онгли мулоқот бирор фикр ва ҳиссиётни етказиш учун амалга оширилса, бу шунга мувофиқ воситалардан фойдаланишни тақазо этади ва доимо меҳнат жараёнидаги мулоқотга эҳтиёждан пайдо бўлган *инсон нутқи* бўлиб қолади.

У ўзаро боғлиқ ҳолда кўрсатилган нутқнинг икки вазифаси: муомала (мулоқот) ва умумлаштириш ёки коммуникатив ва интеллектуал вазифалар ҳақида тўхталади. Биринчи вазифада нутқ ўзини “жамоа муомала воситаси, ифодалаш ва тушуниш воситаси сифатида” кўрсатади; иккинчисида эса, “ўзатилаётган маънони ҳодисаларнинг маълум бир синфи ёки гуруҳига олиб бораётган восита” сифатида кўрсатади. Натижада нутқнинг вазифаси икки барабар ошади. У инсонни новербал мулоқотдан маҳрум этмайди, балки борликни умумлаштириш ва унинг элементларини муайян тоифаларга ажратиш йўли билан инсонлар диққатини унинг турли томонларига (дунёга, бошқа одамлар ёки ўз ўзига) қаратишга ёрдам беради;

– тил барқарорликка интилади, у мутаассибдир, янгиликларни дарҳол эмас, балки унинг эгалари ва фойдаланувчиларнинг талаблари остида қабул қилади. Нутқнинг таркибида (узусида) янги сўзлар, фонетик ва ҳатто грамматик четга чиқишлар содир бўлади, улар шу ҳолда тасодифий бўлиб сўнг тезда йўқолиб ё эсдан чиқиб кетади ёки мустаҳкам ўрнашиб, аста-секинлик билан тил системасининг фактларига айланиб боради;

– тил шарт-шароитларни барқарорлаштиради, халқ, миллатни, давлатни жипслаштиради, сақловчи вазифасини бажаради, “хизмат кўрсатади”. Бироқ,

ушбу маънода, у алоҳида шахсларга нисбатан бефарқдир. Нутқ ҳамиша ўзига хосдир, у шахс томонидан яратилади ва намоён этилади, “субъект учун тил априор тузилиш сифатида берилган, субъект унга хўжайинчилик қилиши мумкин, лекин уни бекор қила олмайди”.

Шундай қилиб, тил белгилар системаси сифатида муайян ижтимоий жамоага тегишли бўлиб, нутқ фаолиятининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади, лекин унга мос келмайди. “Нутқ” тушунчаси учун нутқ фаолиятининг таърифи катта аҳамиятга эга, чунки ушбу фаолият жараёнида тил системаси шаклланиб, ҳаракатга келади. Нутқ, сўзловчи ақл-заковати ва иродасининг шахсий ҳаракати сифатида, бир томондан, ўз фикрини билдириш мақсадида, сўзловчи томонидан тил кодининг ишлатилиши билан амалга ошириладиган усулларни, иккинчи томондан эса, уларни объективлаштиришга ёрдам қиладиган психофизик жараёнларни тақозо этади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан кўринадики, тил бир пайтнинг ўзида барқарорлик ва ўзгарувчанликни ўзида мужассам этган яхлит диалектик бирликдан иборат мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Тил бирор-бир ижтимоий жамоага тегишли белгилар системаси ва нутқ фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлса-да, бироқ у *нутқ билан тенг бўла олмайди*. Нутқ жараёнида тил структуралари ишга тушади. Нутқ – индивидуал онг ва хоҳиш-истак акти. У бир томондан, сўзловчи *тил кодлари* орқали ўз фикрини ифодалашда комбинацияларни тақозо этса, иккинчи томондан, у психофизиологик механизм сифатида ушбу комбинациялар мустақиллигини таъминлайди.

Тил воситаларидан нутқ фаолиятида фойдаланишда жамият томонидан ўрнатилган муайян *ижтимоий*, аниқроғи, маърифий ва маданий *меъёрларга* риоя қилиш талаб этилади. Улардан чекиниш тил эгалари томонидан ҳар доим ҳам маъқулланавермаган.

Меъёр бор жойда доимо *маданият* бўлган. Тил ва нутқдаги меъёрийлик тил назарияси ва амалиётида *лисоний маданият*, тўғрироғи, *тил* ва *нутқ маданияти* деб аталган. Булар тилшуносликдагина эмас, лингводидактикада ҳам долзарб ва ҳануз тўлиқ ўрганилмаган соҳалардан бўлиб қолмоқда.

Тил маданияти тилнинг лексик, синтактик, семантик сатҳларининг ифодалилиги, турфа ўзгарувчанлиги қай даражада ривожланган ва бой эканлигини кўрсатса, *нутқ маданияти* нутқий мулоқот асосида борлиқ ва шахс ҳақидаги ахборотни юзага келтириш, уни тил системаси белгилари орқали ифодалаш ва етказишда қўлланувчи усул сифатида намоён бўлади. Нутқ маданияти ахборотни узатиш мақсадида амалга ошириладиган коммуникация усулида ҳам ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, ушбу ахборот узатиш, шахснинг табиий фазилати ва унинг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда, тилнинг тарихий жиҳатдан ташкил топган системаси асосида амалга оширилади. Тил маданияти социумнинг умумий маданияти, аҳоли ҳукмронлик қиладиган қатламнинг бойликлари устун келадиган тарихий даври, тилнинг ўзини ўзи ривожлантириш принципи каби омиллар билан таърифланади. У социумнинг умумий маданияти кўрсаткичи ва ҳукмрон

аҳоли қатлами кадриятларининг тарихий даврийлиги ҳамда тилнинг ўз-ўзини ривожлантириш принципи ҳам ҳисобланади.

Шахснинг нутқ маданияти қандай таърифланади ва тавсифланади? Бу саволга жавоб топиш учун, энг аввало, “нутқ маданияти” тушунчасини аниқлаштириб олишимиз керак.

Нутқ маданияти адабий тилнинг ҳар икки формаси ёзма (матбуот) ва оғзаки форма (радио, телевидение, лекция) учун зарурдир. Нутқ маданиятининг маанбалари бўлган адабий талаффуз (орфоэпик), имло, грамматик қоидалардан, сўзларни ўринли ишлатиш, стилистик имконият ва бошқа воситалардан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Шуни такидлаш жоизки, нутқ шароитида суҳбатдошга, суҳбат темасига мос тушадиган нутқ элементларини танлов, уларни мавжуд адабий нормалар асосий бир мутаносиб ҳолга келтириб қўллаш зарур.

Нутқ маданияти нутқнинг тўғрилиги демакдир ва у услубий жиҳатдан силлиқ бўлиши керак, яхши нутқ ноаниқлик, узундан – узоқ жумлаларга қарши бўлиши, қисқалик, аниқлик ва соддалик унинг ўлчови бўлиши лозим. Кенг маънода эса нутқ маданияти нутқий таъсирчанликни, ижодий ёрқинликни ўткирлик ва ифодаликни билдиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нутқ маданияти тилда маълум нормага келтирилган тил бирликларининг нутқда қўлланиш шарт-шароитларини, қонуниятларини назарий жиҳатдан асослаш билан бир қаторда бу меъёрга амал қилишни маълум маънода назорат қилиб боради ва нутқдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилади.

Нутқ маданияти тушунчасини илмий жиҳатдан тўғри тасаввур этиш нутқ маданияти деб юритилаётган соҳанинг тилшунослик фани, шунингдек бошқа фанлар доирасида тутган ўрнини белгилаш билан боғлиқ. филологик фан сифатида тан олинмиш билан бир қаторда уни тилшуносликни бир бўлими деб ҳам қаралади.

Фан соҳаси сифатида *тил ва нутқ маданияти* XX асрнинг 20- йилларида рус тилшунослиги негизида шакллана бошлади. Унча ушбу тушунчалар риторика – нотиклик санъати билан боғлаб ўрганилган. Бунда, айниқса, рус олимларидан М. В. Ломоносов, Г. В. Кошанскийнинг ҳиссаси катта бўлган. Хусусан, нутқ маданияти таълимоти унинг рус тилидаги услублар – стиллар, тилнинг юқори, ўрта ва қуйи ижтимоий табақаларга тегишли қатламлари ҳақидаги назариясининг ишлаб чиқилиши ва тараққий эттирилиши натижасида юзага келган.

Азалдан нутқ маданияти инсоннинг умумий маданияти тарбиясида асосий омил бўлиб хизмат қилиб келган. Антик даврдан буён тўғри ва соф нутқ – тўғри ижтимоий хулқ-атвор белгиси, юқори даражадаги фуқаро онглилиги намунаси сифатида қадрлаб келинган. “Тўғри нутқ маданияти мазмунини талқин этишни барча эзгуликлар даражасида ўрнатқ бўла оладиган тўғри гапиришни ҳам ўз ичига олган улкан мазмунни ўзлаштириш билан бирга ўрганамиз”.

Фанга илк бор *нутқ маданияти* сўзловчининг маданияти унинг *лисоний диди* билан белгиланади. Тил воситаларининг вазиятга қараб турлича қўллаш муқаррар равишда лисоний меъёр тушунчаси билан боғланган. Умуман, меъёр маданият ва тил сингари тарихий бўлиб, ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан у ҳам ўзгаради. Нутқ маданияти шунинг учун ҳам фақат нутқнинг *тўғрилиги, меъёрийлигини* эмас, балки яна *коммуникативлик, ахлоқийлик ва маҳоратлилик* принципларни ҳам ўз ичига олади.

В. Головин мазкур таълимотни ривожлантириб *нутқ маданиятининг* уч хил, яъни *субъектли, объектли ва гносеологик* маъноларини кашф этди. *Субъектли маъно*, бу – нутқ муаллифига мулоқотни оптимал даражада қуриш учун жумлаларни қийналмай тузишга ёрдам берувчи *билим, малака ва кўникмалар йиғиндисиди* бўлса, *объектли маъно* эса *нутқ хусусиятлари ва сифатлари* мажмуини ташкил қилади. *Гносеология* билан боғлиқлик *нутқнинг коммуникатив сифатлари системаси ҳақидаги фан соҳаси* кўринишида намоён бўлади.

Лингвистик маънода нутқ маданияти икки даражага эга: нутқ *тўғрилиги*, яъни сўзловчи томонидан замонавий адабий тилнинг меъёрларига риоя этилиши ва нутқ маҳорати – нутқнинг ўринли бўлиши, аниқлиги, қисқалиги, тозаллиги ва маънодорлиги. Шахс маданий-нутқий танловининг асосида лексик, фразеологик, грамматик синонимика туради. Бир фикр сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва гапларнинг ҳар хил танланиши ва жойлашиши орқали ифодаланиши мумкин.

А. И. Ефимов қуйидагиларни таъкидлайди: “нутқ маданияти бу – сўзлаш маҳорати соҳаси, яхши гапириш, нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ ва унумли фойдаланиш санъатиди”.

В.А. Артёмов нутқ маданияти тушунчасига талаффуз маданиятини, луғат маданияти, грамматик шакллар ва нутқ синтаксиси маданияти ҳамда нутқнинг стилистик маданиятини киритади. Нутқ маданиятига олим нутқ ҳақидаги классик таълимотлар – риторика ва стилистика томонидан қарайди.

Умуман, ҳозиргача мавжуд бўлган нутқ маданияти (хусусан, нутқ билими, кўникма ва малака хусусиятлари) ҳақидаги адабиётларни ўрганиш натижасида нутқ маданияти тушунчаси тўғрисидаги қуйидаги таърифни асосли дейиш мумкин: “Нутқ маданияти бу – тил воситаларининг шундай танлаш ва ташкил этишки, бу мулоқот вазиятида замонавий тил меъёрларига ва мулоқот одобига риоя қилиш, шахсга ўз олдига қўйган коммуникатив масалаларни ҳал қилишда юқори самарага эришиш имконини беради”. Ушбу таърифда нутқ маданиятининг яна бир муҳим жиҳати – ахлоқийлик принципи ҳам очиқ берилган. Коммуникация вазиятида нутқ фаолиятига нисбатан меъёрийлик ва коммуникативлик конкретлаштирилади. Аслида бу нутқ одоби тарзида намоён бўлади.

Нутқ маданияти ёхуд маданий нутқ, айниқса, ҳозирги оммавий мулоқот авж олган даврда, эгалланиши қийин, бироқ зарур бўлган мураккаб билим, малака ва кўникмалар мажмуи эканлиги барчага, ҳатто филологик билимлардан йироқ бўлган тил эгаларига ҳам маълум. Бунинг сабаби битта, у ҳам бўлса, нутқ маданияти таълимоти яратилган антик даврданок сўз

усталари – нотиқлар, ёзувчилар нутқнинг мазмун-моҳиятига эмас, кўпроқ шакл-шамойилига эътибор қаратгани, бошқача қилиб айтганда, нутқ маданиятини *фан* эмас, балки *санъат тури* сифатида ўрганиш ва эгаллашга интиланликларидир.

Қадимда нутқ маданияти фақат ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ижтимоий табақа вакилларига тегишли фаолият бўлгани учун нотиқлик санъати даражасига олиб чиқилган ва такомиллаштирилган. Шарқда ҳар қандай соҳадаги фаолият ва унинг маҳсулини санъат даражасига олиб чиқиш анъана бўлгани сабабли нутқ маданияти ҳам (худди Ғарбдагидек) санъат сифатида ривожлантирилди. Шунинг учун Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам нотиқлик нодир қобилият, илоҳий неъмат сифатида жуда қадрланган. Моҳир сўз устаси оғзидан отилиб чиққан ҳар қандай сўз қадимги юнон нотиқларидан бири Горгий айтганидек, *«жуда кичкина ва мутлақо сезилмайдиган танага эга бўлса-да, мўъжизавий ишларни содир эта олади»*ган қудратли курулға айланади. *«Зеро, у қўрқувни ҳайдаши, гам-гуссани йўқ қилиб юбориши, қувонч бахш эта олиши, ҳамдардликни уйғота олиши мумкин»*.

Бироқ ҳозирги даврга келиб *нутқ маданияти* ва *нотиқлик* айнан бир хил тушунчалар эмаслиги тан олинди. Уларнинг қуйида келтирилган фарқланувчи белгилари В. Г. Винокур, В. Г. Костомаров, В. Д. Кудрявцева, Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев, Х. С. Жалолов ва б. етакчи тилшунослар асарларида санаб ўтилган:

–нотиқлик – *оғзаки нутқ* шакли, санъат тури; нутқ маданияти эса, *ёзма* кўринишга ҳам эга;

–нотиқликда тингловчига таъсир этиш асосий мақсад қилиб олинади. У нутқнинг гўзаллигини тақозо этади; нутқ маданиятида эса асосий мақсад – она тилида тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш қобилиятини тарбиялашдир;

–нотиқликда асосан нутқнинг мазмуни, мантиқийлиги, таъсирчанлигига катта аҳамият берилади; нутқ маданиятида эса, нутқнинг лисоний тузилиши, тил бирликларининг қўлланиш хусусиятлари, меъёрлари доирасига эътибор қаратилади;

–нотиқлик қадимий санъат тури, нутқ маданияти эса янги фан соҳаси; нутқ маданияти ҳар қандай сўз устаси учунгина эмас, барча жамият аъзолари учун зарур бўлган она тили бойликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш кўникмаларини тарбиялайди.

Нутқ маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Билимдон, тарбияли, маърифатли киши мулоқот жараёнида нутқдан юқори даражада фойдалана олишини кўрсата олади. Инсоннинг умумий маданий савияси қанчалик паст бўлса, унинг нутқ маданияти ҳам шу даражада бўлади. О. Б. Сиротинина *нутқ маданиятини* инсоннинг, жамиятнинг *нутқ маданиятига муносабати* сифатида қарашни таклиф қилади.

Азалдан оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятдан иборат бўлган *нутқ маданиятига* бундай *муносабат* бадиий адабиёт туфайли юзага келган *адабий тил* негизида шаклланган. Бадиий адабиётнинг ўзини ҳам жамият

аъзоларининг адабий-эстетик мулоқот эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган дастлабки оммавий коммуникация тури дейиш мумкин. Адабий тил нутқ фаолиятида ҳар жиҳатдан қулай, зарур, фойдали, аҳамиятли ва қудратли алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Адабий тилдан мунтазам фойдаланиш ушбу фаолиятнинг самарали бўлишини таъминловчи махсус қонун-қоидалар, муайян меъёрларнинг ишлаб чиқирилишига туртки бўлди. Бу эса, ўз навбатида, замонавий нутқ маданияти таълимотининг яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллий тилнинг бир қанча лингвистик ва экстралингвистик меъёрлари асосида тартибга солиниши натижасида адабий тилнинг юзага келиши ҳам тасодиф эмас, балки қонуниятдир. Бунда кўпгина интралингвистик ва экстралингвистик омиллар (масалан, меҳнатнинг бўлиниши, инсоннинг дунёни қабул қилиши ва турли дунё манзараларини хилма-хил қарашлар асосида яратиши ва б.) муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Тилни бошқа маданий бойликлар сингари қадрлаш, унинг бетакрор ва гўзал намуналарини келгуси авлодларга етказиш, уни янгича ҳаётий мазмун ва маъно билан бойитиш, халқ тилини адабий тил шаклида доимо сақлаш ва шунга интилиш ҳам қулай, ҳам фойдали, ҳам маънавий – маданий аҳамиятга эга эканлиги ҳақиқат. Бу фақат халқнинг тилинигина эмас, балки тил эгаларининг асл ижтимоий қиёфаси, мавқеини сақлаб қолиш, *адабий тилнинг* ўзини ҳам қотиб қолган ҳолда эмас, кенг камровли мулоқотлар, динамик кўринишда – *адабий нутқ* сифатида намоён бўлиш имконини беради. Халқ ўз она тили ва унинг олий намунаси бўлмиш адабий шакли орқали *миллий ўзлигини намоёни этишига* ҳамда инсон табиатига хос ва ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган *мукамалликка* интилиши унинг лисоний фаолияти миқёсида *нутқ маданияти* тарзида намоён бўлади.

Кўпгина тадқиқотларда *адабий тил* ўзига хос бир қанча хусусиятларга эгаллиги, у барча тил эгалари томонидан тан олинган, улар билган *миллий тилнинг олий шакли* эканлиги ва у муайян лисоний меъёрларга солинган, грамматик қоидаларга бўйсиндирилган, ёзма ва оғзаки шаклларда намоён бўлувчи ва айнан шу туфайли барча учун мажбурий эканлиги каби мулоҳазалар эътироф этилган.

Адабий тилнинг услубий тармоқларга ажралиб кетганлиги унинг яна бошқа бир муҳим хусусияти – *поливалентлигини, полифункционаллигини* ҳам белгилайди. Бу унинг хизмат доираси ва соҳаларининг диалект, жаргон, арго ва бошқа умумтил турларига қараганда анча кенг эканлигидан далолат беради. Масалан, «*ўзбек тилининг поливалентлиги ушбу тилнинг, ўзбек миллатининг бутун соҳаларига хизмат қилишини англатади*» (Бегматов Э).

“Нотиқлик санъати муайян шахснинг маҳорати белгиси. Унинг сўзи эса қудратли куч. Қадимги юнон файласуфи Плутарх таъкидлаганидек, “нутқнинг кучи – оз сўз билан кўп маънони англата билишда”.

Бироқ ҳозирги ахборот даври ўзининг ўқимишли, маърифатли вакилларида, омма олдида сўзга чиқишда ўз нутқиға нисбатан ўта маъсулиятли бўлишни талаб этмоқда. Бундай лисоний маъсулият,

талабчанлик нутқий маданият асосини ташкил қилувчи оддий, энг зарур малака ва кўникмаларни эгаллашни тақазо этади.

Нутқ маданияти ҳар қандай коммуникатив вазиятда, энг аввало, *хатосиз гапиришни* англатади. Тўғри фикрлаш, тўғри сўзлаш маданият белгиси сифатида тан олинмоқда. Хатосиз ёза олиш, яъни “имло, бу – саводхонлик демак. Саводхонлик эса маданийлик белгисидир”.

1991 йилга келиб жаҳон тилшунослигида *нутқ маданияти турлари ҳақида янги назария* яратилди. У янгича ёндашув ва қарашлар билан бойитилди. Ундаги таснифлашнинг асосий қоидаларига кўра, миллий тилнинг ҳар бир ижтимоий-функционал турига нутқ маданиятининг муайян тури мувофиқ келади.

Тадқиқотчилар томонидан замонавий нутқ маданиятининг тўртта тури аниқланган: 1) *элитар маданият (ёки соф адабий тил)*; 2) *анъанавий-профессионал (арго)*; 3) *учинчи маданият (оддий сўзлашув)* ва 4) *халқ маданияти (шева, лаҳжалар)*.

Кейинчалик ушбу тасниф В. Е. Гольдин ва О. Б. Сиротинина томонидан кенгайтирилди. Улар адабий тилдан ҳамма ҳам ҳаёти давомида тўлиқ фойдалана олмагани боис, адабий тил соҳасида, яъни элитар нутқ маданияти миқёсида яна *ўртача адабий, адабий-сўзлашув ва оддий сўзлашув нутқ маданияти* турларини ажратди.

Нутқ маданиятининг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга, улар нутқ эгаларининг сўзлашув лаёқати, маҳорати билан белгиланади. Жумладан, элитар нутқ маданияти – саводли нутқ намунаси. Бундай нутқ эгалари мулоқот қоидаларини бузмасликлари керак: қўпол, ман этилган сўз ва иборалардан ўзларини олиб қочиши, жойи келганда эса, эвфемизмлардан ва сизлашлардан фойдаланиши зарур. Бироқ уларнинг ошкора нутқи сўзлашувга ўхшаб кетади, содда, жонли жумлалардан тузилган бўлади. Элитар нутқ маданияти эгаларига суҳбатдошнинг “ҳар қандай савол ёки эътирозига беўхшов жавоб қайтариш хос эмас. Улар ўзининг нутқи билан тингловчига нисбатан ўз ҳурматини намойиш этади”. Улар ўз нуткига нисбатан доимо яхши муносабатда бўлади. Бунинг учун турли бадиий тасвир воситаларидан ҳам моҳирона фойдаланади. Бироқ бундай зиёилилар йилдан йилга камайиб кетаётир. Ҳатто олий мактаб ва ОАВ ходимлари ҳам *ўртаҳол адабий нутқ маданияти* ташувчилари қаторидан юқорига чиқа олмаётирлар.

Нутқ маданиятининг элитар тури истилоҳини “яхши нутқ” тушунчасидан фарқлаш лозим. *Яхши нутқ* фақат элитар нутқ маданиятида эмас, ундан қуйроқ, масалан, *ўртача адабий нутқ ёки оддий сўзлашув, адабий тилда сўзлашув* сатҳларида ҳам кузатилиши мумкин.

Ўртача адабий нутқ маданиятининг белгилари қуйидагича:

– бундай типдаги тил эгасининг умумий маданий савияси элитар нутқ маданияти эгасидан анча паст туради:

– бундай нутқ эгалари икки-уч функционал услубдан фойдаланади, қолганларини яхши билмайди;

– матнга нисбатан олиб қараганда, улар учун кўнгилочар адабиётлар ва бошқа ОАВ матнлари намуна бўлиб ҳисобланади;

– бундай типдаги коммуникантлар ўз адресатига нисбатан нуткий-этик, (яъни ахлокий) меъёрларни ҳам бузиши мумкин (қўпол иборалардан сўқиниш ўрнида фойдаланади), оғзаки ва ёзма нутқ меъёрларини қориштириб юборадилар, орфоэпик, орфографик, грамматик меъёрлардан чекиниш, ёт сўзларни кўплаб микдорда (баъзан маъносига тушуниб етмаган ҳолда ҳам) қўллаши мумкин.

Мазкур турдаги маданиятга хос мулоқот амалиётидаги хатолар частотасининг юқорилиги, тадқиқотчиларнинг фикрича, тилнинг янгича меъёрлар асосида шаклланиши натижасидир. Ўқимишли кишилар орасида ўртача адабий нутқ маданиятининг кенг тарқалгани мутахассисларни ташвишга солмоқда. Чунки бу жамиятдаги умумий нутқ маданияти даражасининг пасайиб кетаётганлигидан далолат берувчи белгилардан биридир.

Адабий тил доирасида ўртача адабий маданиятдан ташқари яна *адабий сўзлашув* ва *оддий сўзлашув* маданияти ҳам бор. Улар ўртасидаги фарқ қўлланиш чегаралари билан белгиланади. Элитар нутқ маданиятига нисбатан олиб қараганда, улар ўз қўлланиш соҳаси ва мулоқот тизимини ҳосил қилади: адабий сўзлашув – норасмий мулоқотда, оддий сўзлашув эса, яна ҳам тор – бир хил ёшдаги ёки бир оиладаги қариндошлараро мулоқот пайтида қўлланилади. Ушбу нутқ эгалари фақат сўзлашув нутқидан фойдаланишни билади ва ҳар қандай “хатони” мулоқот вазияти, функционал стиль хусусияти ва адресатни ҳисобга олмаган ҳолда ўзини назорат қилмайди ва нутқини олдиндан тайёрламайди.

Рус тили миқёсида турли нутқ маданиятига мансуб кишилар нутқини кўп йиллар давомида кузатиш тадқиқотчиларни мавжуд таснифга айрим ўзгартишлар киритишга мажбур қилди. Масалан, “элитар тип” тушунчаси “тўлиқ функционал” сўзи билан алмаштирилди. О. Б. Сиротинининг фикрича, бу сўз элитар нутқ маданиятига тенг эмас. Элитар нутқ маданияти ўз суҳбатдошини ҳурмат қиладиган ва ҳар қандай мулоқот вазиятида тушунарли бўлишга интиладиган киши нутқида намоён бўлади. Элитар нутқ фақат элитар – “олий табақа” вакилларигагина тушунарлидир.

Ўртача адабий нутқ маданиятини О.Б. Сиротинина яна уч қатлам: тўлиқ функционал, нотўлиқ функционал ва адабий жаргонлашган тоифаларга ажратади. Бундай нутқ маданиятида функционал стиллар ва жанрларга хос тил воситаларидан тўлиқ фойдаланилмайди.

Тил ва нутқни маданийлаштириш ёки уларнинг маданийлашганлик даражасини ошириш мулоқот учун зарур бўлган тил ва нутқ воситаларининг қанчалик ишлангани, сайқаллангани, меъерийлашганлигига боғлиқ. Умуман олганда, “маданийлик – кўп нарсалардан фойдаланишни билиш, ўзида ва ўзи орқали ҳозирда яратилган ва долзарб бўлган нарсани намоён эта олишдир. Маданийликнинг энг паст даражаси – борлиққа сусткашлик билан мослашишдир. Маданий изланишларнинг чўққисида – ўз оламини яратиш, ташқаридан ўзлаштириб олинган, лекин унга ноёб ва камёблиги билан қарши

тура олувчи нарсалар туради”. Тил фаолиятида маданийлик, энг аввало, *меъёрга қатъий риоя қилиш*дан бошланади. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти, энг аввало, «тил бирликларини нутқ жараёнида меъёрий, мақсадга мувофиқ равишда қўллашни англатади». Бошқача қилиб айтганда, *нутқ маданияти*, энг аввало, *меъёрдан, меъёр эса адабий тилдан* бошланади.

Меъёрлар адабий тилга ўз яхлитлиги ва тушунарлилигини сақлаб қолиш имконини беради, уни адабий тилга хос бўлмаган унсурлар оқимидан сақлайди. А. М. Пешковский айтганидек, сўзловчи учун лисоний идеал (мукаммаллик тимсоли) ҳисобланмиш адабий тилнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шакллари бир хил меъёрга эга. Булар лексик, грамматик ва стилистик меъёрлардир.

Нутқ маданияти кўпмаъноли тушунча эканлигини тилшунослар тан олмоқда. Улар нутқ маданиятининг асосий вазифаси бу – адабий тил муҳофазаси, дея эътироф этмоқда.

“Адабий тил умумхалқ тилининг юқори, олий шакли сифатида ҳар доим меъёрийликка интилади. Адабий тил ундан фойдаланувчи жамият аъзоларининг муштарак қуроли сифатида барча учун бир хилда тушунарли, фойдаланишга қулай бўлиши, кўпчиликка мақбул тушиши лозим”.

Э. Бегматов нутқ маданиятини инсон маданиятининг бир қисми сифатида эътироф этади: “Киши ўз нутқи орқали фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган ўз муносабатини намоён қилади”.


Адабий тил шундай ҳодисаки, унинг ёрдамида, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар билан бир қаторда, миллат бирлиги юзага келади. М. В. Панов адабий тилнинг асосий белгилари деб, маданият тилини, халқ ўқимишли қисмининг тилини, онгли равишда кодификация қилинган тилни айтади. Тилни онгли равишда кодификациялаш эса, нутқ маданиятининг бевосита вазифасидир: адабий тил пайдо бўлиши билан “нутқ маданияти” ҳам пайдо бўлади. Адабий тилнинг энг муҳим специфик хусусиятларидан бири унда меъёрнинг борлиги эмас, балки ана шу меъёрнинг кодификацияланганидир.

А. Гуломов “меъёр” тушунчасига нутқ маданияти нуқтаи назаридан ёндашиб шундай фикр билдирган эди: “Тўғри нутқ – сўз формаларини тўғри ишлатиш, ёзув, талаффуз, сўз ишлатиш, сўз яшаш, сўз тартиблаш, гап қуриш каби ҳодисаларда нутқнинг тўғри бўлишига эришиш, нормативликка, нормалар белгиловчи қонун-қоидаларга асосланади”.

Ҳозирда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ҳақида кўп фикр билдирилмоқда. “Культура русской речи” дарслигида нутқ маданиятининг уч аспекти - меъёрий, этик, коммуникативлик ҳақида тўхталиб ўтилган. Баъзи тадқиқотларда уларнинг тўрт аспекти (меъёрий, этик, коммуникатив, риторик) кўрсатилган.

Нутқ маданиятининг етакчи аспектларини жадвалда қуйидагича бериш мумкин:

Жадвал



Нутқ маданиятининг меъёрий аспекти адабий тилнинг меъёрларини билиш ҳамда лексик жиҳатдан (сўзнинг аниқ танланиши); сўзлашиш даражасида (фонетика, орфоэпия, мазмун ва ҳиссиётларга оид интонация, нутқ тезлиги, товуш оҳанги соҳасида); грамматик (морфология ва

синтаксисда); морфемали ва сўз яшаш жиҳатдан уларни мулоқот амалиётида ишлатишни тақазо этади.

Нутқ маданиятининг этик жиҳати, мулоқот жараёнида нутқий хулқ-атвор қоида ва меъёрларига риоя қилишни, мулоқотнинг сўзлаш формулалари тизимини билишни талаб этади.

Нутқ маданиятининг кейинги – коммуникатив жиҳати эшитувчи томонидан тўла англаб олиниши учун мулоқот амалиётида нутқнинг коммуникатив мувофиқлик шартларига амал қилишини тақазо этади. Бу эса, ўз навбатида, тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилиқ, тозалиқ, бойлиқ, таъсирчанлиқ, ўринлилиқ, тушунарлилиқ каби сифатлар билан ўлчанади.

Айтиш мумкинки, “нутқ маданияти” – сермазмун тушунча.

1. “Нутқ маданияти” бу – лингвистик билимларнинг алоҳида соҳаси, тилшуносликнинг шу соҳасига оид муайян бўлим ва қоидалардан ташкил топган илмий туркумдир. Тилшуносликнинг алоҳида туркуми сифатида кўринадиган нутқ маданиятининг спецификасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

а) адабий меъёр муаммоси, унинг назарий ва культурологик жиҳатдан талқин қилиниши;

б) ўринсиз ва бузғунчи таъсирлардан тилни қўриқлаш ҳамда унга кўмаклашишни назарда тутувчи регулятив жиҳат.

2. “Нутқ маданияти” инсон билими, кўникмаси ва нутқ қобилиятининг жамулжами сифатидаги кўринишидир. Ушбу таъриф инсоннинг умумий маданияти нуқтаи назаридан берилган. Уни “нутқий хулқ-атвори”да, тилнинг ижодий бойликларини билишда, улардан фойдалана олишда қайси кўринишга эга бўлишида кўрамиз. Маданият бу нутққа нисбатан биринчи талабдир. Бунинг ифодаси энциклопедик адабиётларда яхши берилган: “Юксак даражали нутқ маданияти, лозим даражада юқори бўлган инсоннинг умумий маданиятини, тилга онгли равишда бўлган муҳаббатни, фикрлаш маданиятини тақазо этади. Адабий тил нутқ маданиятининг чўққиси, нормативли деб тушуниладиган ҳодисаларнинг мезони ва “ҳисоблаш нуқтаси” сифатида тан олинади, унда хазинада йиғилганидек халқнинг маданий урф-одатлари, ёзувчилар ва сўз усталарининг ютуқлари йиғилади ва мустаҳкамланади”.

Нутқ маданиятини замонавий шароитда шакллантириш кишини тарбиялаётган институтлардан ҳам, кишининг ўзидан ҳам алоҳида ҳаракатни талаб қилади.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нутқ қандай жараён?
2. Тил ва нутқ тушунчаларининг ўзаро муносабатлари қандай?
3. Нутқ маданиятининг қандай турлари мавжуд?
4. Нутқ маданияти фани қайси соҳалар билан ўзаро боғлиқ?
5. Нутқ маданиятининг қандай аспектларини биласиз?
6. Нутқ маданиятининг меъёрий аспектларига қайсилар киради?
7. Нутқ маданиятининг коммуникатив аспектлари қайсилар?
8. Нутқ маданиятининг этик аспектлари нималардан иборат?

2-МАВЗУ: НУТҚ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ.

Режа:

1. **Нутқ мулоқотнинг бир кўриниши сифатида.**
2. **Ички ва ташқи нутқ.**
3. **Монологик ва диалогик нутқ.**
4. **Нутқ, нотиклик ва воизлик.**

Ҳар қандай халқларнинг онгида нутқ биринчи ўринда туради. Инсон турмуш тарзини тилсиз тасаввур этилмайди, агар нутқ муваффақиятли бўлмаса, бажарилаётган иш ҳам самара бермайди.

Нутқ маданият, ўринли сўзлаш, тил қонуниятларини эгаллаш сиз ўйлаганчалик осон эмас. Тил инсонлараро алоқа воситаси бўлса, сўз (қуруқ гап эмас) эса ишнинг асоси. Меҳнат жамоасида кечар экан, муносабатлар яхши сўз ва муомала орқали шаклланади. Мулоимлилик асосидагина оила мустаҳкамлигига эришилади.

Ривожланган жамият ҳам ёмон сўз ва муносабатсиз мавжуд бўла олмайди. Шундай экан, Дунё сўз билан бошқарилади, лекин сўз замирида фикр асосидаги меҳнат ётади.

Маъноли гапириш, ақлли суҳбатдош суҳбатида баҳраманд бўлиши, ўз фикрини аниқ баён этишини ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Ҳукумат ишларида фаолият юритаётган сиёсатчи ўз фуқароларини сўз орқали ғоясига сингдиради. Инсонлар кўнгли ва онгини забт этмоқчи бўлган журналист аввало сўзлар мажмуини излайди. Хатто дипломат, ҳуқуқшунос, ўқитувчи ва дин вакиллари ҳам шу вазифа билан овора. Деярли ҳар бир касб нутқий фаолиятсиз мавжуд бўла олмайди.

Сўз меҳрибон, ёвуз, камситувчи ва даволовчи бўлади. Л.Н.Толстойнинг айтишича, шундай сўз излангки, у инсонларни бирлаштирсин. Ана шундай сўзни кўплаб олимлар излагани тарихдан маълум.

Ижтимоий тажрибада бирон-бир моҳиятни англатадиган сўзлар **оғзаки коммуникация воситаси** ҳисобланади.

Нутқнинг бошқаларга таъсир қилиш кучи ҳақида Навоийнинг қуйидаги сўзларини ҳам эслатиб ўтиш мумкин: «Дунё сарф қилиб эришилмаган натижаларга вақтида ишлатилган бир яхши сўз билан эришиш мумкин»

Нутқ *фаолияти* — одам томонидан ижтимоий — тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш ўз ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Нутқ фаолияти алоқа жараёнининг ўзидир.

Нутқ фаолиятининг қуйидаги турлари фарқланади: фаол ва пассив нутқ. Сўзловчининг нутқи **фаол нутқ**.

Тингловчининг нутқи **пассив нутқ** ҳисобланади.

Нутқ *ички, ташқи нутққа* бўлинади.

Ташқи нутқ — ёзма ва оғзаки нутққа, оғзаки нутқ эса монолог ва диалогик нутққа бўлинади. Монолог — бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқдир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир. Монологик нутқ маълум қийинчиликларга эга. Монологда гапираётган киши фикрларнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, логика ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериш керак.

Диалогик нутққа нисбатан монологик нутқ кечроқ шаклланади. Мактабда ўқувчиларда монологик нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги нутқ диалог дейилади. Диалогик нутқда баён қилинаётган фикр кўп жиҳатдан ундан олдинги фикрга боғлиқ бўлади. Диалогик нутқда суҳбатдошларга маълум бўлган айрим сўзлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун ёзиб олинган диалог бошқаларга унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин. Диалогик нутқда ҳар хил турдаги шаблонлар, яъни одатланиб қолган сўз бирикмаси кўп учрайди (қойил, марҳамат қилиб айтингчи).

Нутқнинг *ички нутқ* деб аталган тури нутқ фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади. Ички нутқ амалий ва назарий фаолиятни режалаштириш фазаси сифатида намоён бўлади. Биз сўзни чала — ярим айтишимиз биланок тушунаверамиз. Ички нутқ айрим оғзаки нутқ актларидан юксакроқ, хусусан ихтиёрийлик даражаси анча юксакроқ бўлган оғзаки нутқдан юксакроқ содир бўлиши мумкин.

Ёзма нутқ монологик нутқнинг турларидан бири бўлиб, ёзма нутқ монологик нутққа нисбатан батафсилроқдир. Ёзма нутқ туфайли кишилар тўплаган тажрибани авлоддан авлодга энг яхши тарзда етказиш имконияти

бор. Ёзма нутқ пиктографиядан минглаб сўзлар бир неча ўнлаб ҳарфлар ёрдамида ифода этилаётган ҳозирги замон ёзувига қадар ривожланди. Кўпинча бир нарсани ёзиб қўйиш — бу уни англаб олиш ва эслаб қолиш демакдир.

Ҳар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг, айниқса одамлар билан доимо мулоқотда бўладиганларнинг бурчидир.

Мулоқот жараёнининг мураккаб психологик табиатини билиш, турли шароитларда самарали муносабатлар ўрнатиш малакасини ошириш учун унинг таркибига кирувчи ҳар бир элемент ёки бўлақлар билан алоҳида танишиб чиқамиз. Инсоннинг уни ўраб турган оламга ўзаро таъсири объектив муносабатлар тизимида намоён бўлади, объектив муносабат ва алоқалар сўзсиз ҳар қандай реал гуруҳларда пайдо бўлади. Гуруҳ аъзоларининг бу объектив ўзаро муносабатлари субъектив шахслараро муносабатларда акс этади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш одамларнинг ўзаро бирлашишини талаб қилади. Ҳеч бир кишилик жамияти агар унда одамлар билан муносабат ўрнатилмаса, улар бир-бирини тўғри тушунмасдан тўлақонли биргаликдаги фаолиятни ташкил эта олмайди. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга бирор нарсани ўргатиш учун улар билан муносабатга киришиши керак.

Мулоқот кишиларнинг ҳамқорликдаги фаолияти эҳтиёжлари асосида туғиладиган улар ўртасидаги алоқа ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот ҳамқорликдаги фаолият қатнашчилари ўртасида ахборот алмашилишни ўз ичига олади, бу мулоқотнинг коммуникатив томонида ифодаланади. Одамлар бир-бири билан муносабатга киришишда тилдан муомала воситаси сифатида фойдаланадилар. Мулоқотнинг иккинчи томони муомалага киришувчиларнинг ўзаро таъсиридир. Бунда фақат сўзлар эмас, балки ҳаракат ва ҳолатлар ҳам алмашинади. Масалан, сотувчи билан харидор ўртасида бирор сўз айтмасдан муомалага киришиш мумкин.

Мулоқотнинг учинчи томони муомалага киришувчиларнинг бир-бирини идрок қилишидир. Муомалага киришувчиларнинг бир-бирини тўғри тушуниши муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, мулоқотнинг шартли уч томонини ажратиш мумкин: коммуникатив (ахборот бериш), интерактив (ўзаро таъсир) ва перцептив (ўзаро идрок қилиш).

Мулоқотнинг бу уч томонининг бирлиги муомалага киришувчи кишиларнинг ўзаро муносабати ва ҳамқорликдаги фаолиятининг ташкил этиш усули сифатида намоён бўлади.

Мулоқотнинг мазмуни- ахборот алмашиш, ўқитувчи томонидан турли коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчилар билан ўзаро тушуниш ва ўзаро муносабатларни ташкил этишдир.

Ҳозирги даврга келиб *нутқ маданияти* ва *нотиқлик* айнан бир хил тушунчалар эмаслиги тан олинди. Уларнинг қуйида келтирилган фарқланувчи белгилари В.Г.Винокур, В.Г.Костомаров, В. Д. Кудрявцева, Р.

Қўнғуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев, Х. С. Жалолов ва б. етакчи тилшунослар асарларида санаб ўтилган:

–нотиқлик – *оғзаки нутқ* шакли, санъат тури; нутқ маданияти эса, *ёзма* кўринишга ҳам эга;

–нотиқликда тингловчига таъсир этиш асосий мақсад қилиб олинади. У нутқнинг гўзаллигини тақазо этади; нутқ маданиятида эса асосий мақсад – она тилида тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш қобилиятини тарбиялашдир;

–нотиқликда асосан нутқнинг мазмуни, мантиқийлиги, таъсирчан-лигига катта аҳамият берилади; нутқ маданиятида эса, нутқнинг лисоний тузилиши, тил бирликларининг қўлланиш хусусиятлари, меъёрлари доирасига эътибор қаратилади;

–нотиқлик қадимий санъат тури, нутқ маданияти эса янги фан соҳаси; нутқ маданияти ҳар қандай сўз устаси учунгина эмас, барча жамият аъзолари учун зарур бўлган она тили бойликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш кўникмаларини тарбиялайди.

Нутқ маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Билимдон, тарбияли, маърифатли киши мулоқот жараёнида нутқдан юқори даражада фойдалана олишини кўрсата олади. Инсоннинг умумий маданий савияси қанчалик паст бўлса, унинг нутқ маданияти ҳам шу даражада бўлади. О.Б.Сиротинина *нутқ маданиятини* инсоннинг, жамиятнинг *нутқ маданиятига муносабати* сифатида қарашни таклиф қилади.

Азалдан оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятидан иборат бўлган *нутқ маданиятига* бундай *муносабат* бадиий адабиёт туфайли юзага келган *адабий тил* негизида шаклланган. Бадиий адабиётнинг ўзини ҳам жамият аъзоларининг адабий-эстетик мулоқот эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган дастлабки оммавий коммуникация тури дейиш мумкин. Адабий тил нутқ фаолиятида ҳар жиҳатдан қулай, зарур, фойдали, аҳамиятли ва қудратли алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Адабий тилдан мунтазам фойдаланиш ушбу фаолиятнинг самарали бўлишини таъминловчи махсус қонун-қоидалар, муайян меъёрларнинг ишлаб чиқилишига туртки бўлди. Бу эса, ўз навбатида, замонавий нутқ маданияти таълимотининг яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллий тилнинг бир қанча лингвистик ва экстралингвистик меъёрлари асосида тартибга солиниши натижасида адабий тилнинг юзага келиши ҳам тасодиф эмас, балки қонуниятдир. Бунда кўпгина интралингвистик ва экстралингвистик омиллар(масалан, меҳнатнинг бўлиниши, инсоннинг дунёни қабул қилиши ва турли дунё манзараларини хилма-хил қарашлар асосида яратиши ва б.) муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Тилни бошқа маданий бойликлар сингари қадрлаш, унинг бетакрор ва гўзал намуналарини келгуси авлодларга етказиш, уни янгича ҳаётий мазмун ва маъно билан бойитиш, халқ тилини адабий тил шаклида доимо сақлаш ва шунга интилиш ҳам қулай, ҳам фойдали, ҳам маънавий – маданий аҳамиятга эга эканлиги ҳақиқат. Бу фақат халқнинг тилинигина эмас, балки тил эгаларининг асл ижтимоий қиёфаси, мавқеини сақлаб қолиш, *адабий тилнинг*

Ўзини ҳам қотиб қолган ҳолда эмас, кенг камровли мулоқотлар, динамик кўринишда— *адабий нутқ* сифатида намоён бўлиш имконини беради. Халқ ўз она тили ва унинг олий намунаси бўлмиш адабий шакли орқали *миллий ўзлигини намойиш этишига* ҳамда инсон табиатига хос ва ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган *мукаммалликка* интилиши унинг лисоний фаолияти миқёсида *нутқ маданияти* тарзида намоён бўлади.

Кўпгина тадқиқотларда *адабий тил* ўзига хос бир қанча хусусиятларга эгаллиги, у барча тил эгалари томонидан тан олинган, улар билган *миллий тилнинг олий шакли* эканлиги ва у муайян лисоний меъёрларга солинган, грамматик қоидаларга бўйсиндирилган, ёзма ва оғзаки шаклларда намоён бўлувчи ва айнан шу туфайли барча учун мажбурий эканлиги каби мулоҳазалар эътироф этилган.

Адабий тилнинг услубий тармоқларга ажралиб кетганлиги унинг яна бошқа бир муҳим хусусияти — *поливалентлигини, полифункционаллигини* ҳам белгилайди. Бу унинг хизмат доираси ва соҳаларининг диалект, жаргон, арго ва бошқа умумтил турларига қараганда анча кенг эканлигидан далолат беради, Масалан, «*ўзбек тилининг поливалентлиги ушбу тилнинг, ўзбек миллатининг бутун соҳаларига хизмат қилишини англатади*» (Бегматов Э).

“Нотиклик санъати муайян шахснинг маҳорати белгиси. Унинг сўзи эса қудратли куч. Қадимги юнон файласуфи Плутарх таъкидлаганидек, “нутқнинг кучи — оз сўз билан кўп маънони англата билишда”.

Бироқ ҳозирги ахборот даври ўзининг ўқимишли, маърифатли вакилларида, омма олдида сўзга чиқишда ўз нутқига нисбатан ўта маъсулиятли бўлишни талаб этмоқда. Бундай лисоний маъсулият, талабчанлик нутқий маданият асосини ташкил қилувчи оддий, энг зарур малака ва кўникмаларни эгаллашни тақазо этади.

Нутқ маданияти ҳар қандай коммуникатив вазиятда, энг аввало, *хатосиз гапиришни* англатади. Тўғри фикрлаш, тўғри сўзлаш маданият белгиси сифатида тан олинмоқда. Хатосиз ёза олиш, яъни “имло, бу — саводхонлик демак. Саводхонлик эса маданийлик белгисидир”.

1991 йилга келиб жаҳон тилшунослигида *нутқ маданияти турлари ҳақида янги назария* яратилди. У янгича ёндашув ва қарашлар билан бойитилди. Ундаги таснифлашнинг асосий қоидаларига кўра, миллий тилнинг ҳар бир ижтимоий-функционал турига нутқ маданиятининг муайян тури мувофиқ келади.

Тадқиқотчилар томонидан замонавий нутқ маданиятининг тўртта тури аниқланган: 1) *элитар маданият (ёки соф адабий тил)*; 2) *анъанавий-профессионал (арго)*; 3) *учинчи маданият (оддий сўзлашув)* ва 4) *халқ маданияти (шева, лаҳжалар)*.

Кейинчалик ушбу тасниф В.Е.Гольдин ва О.Б.Сиротинина томонидан кенгайтирилди. Улар адабий тилдан ҳамма ҳам ҳаёти давомида тўлиқ фойдалана олмагани боис, адабий тил соҳасида, яъни элитар нутқ маданияти миқёсида яна *ўртача адабий, адабий-сўзлашув ва оддийсўзлашув нутқ маданияти* турларини ажратди.

Нутқ маданиятининг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга, улар нутқ эгаларининг сўзлашув лаёқати, маҳорати билан белгиланади. Жумладан, элитар нутқ маданияти – саводли нутқ намунаси. Бундай нутқ эгалари мулоқот қоидаларини бузмасликлари керак: қўпол, ман этилган сўз ва иборалардан ўзларини олиб қочиши, жойи келганда эса, эвфемизмлардан ва сизлашлардан фойдаланиши зарур. Бироқ уларнинг ошкора нутқи сўзлашувга ўхшаб кетади, содда, жонли жумлалардан тузилган бўлади. Элитар нутқ маданияти эгаларига суҳбатдошнинг “ҳар қандай савол ёки эътирозига беўхшов жавоб қайтариш хос эмас. Улар ўзининг нутқи билан тингловчига нисбатан ўз ҳурматини намоёниш этади”. Улар ўз нутқига нисбатан доимо яхши муносабатда бўлади. Бунинг учун турли бадиий тасвир воситаларидан ҳам моҳирона фойдаланади. Бироқ бундай зиёлилар йилдан йилга камайиб кетаётир. Ҳатто олий мактаб ва ОАВ ходимлари ҳам *ўртаҳол адабий нутқ маданияти* ташувчилари қаторидан юқорига чиқа олмаётирлар.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нутқий фаолият қандай жараён ҳисобланади?
2. Нутқ фаолиятининг қандай турлари мавжуд?
3. Қандай нутқ фаол нутқ дейилади?
4. Пассив нутқ қандай нутқ ҳисобланади?
5. Ташқи нутққа қандай нутқ турлари киради?
6. Диалогик нутқ нима?
7. Монологик нутқ қандай шаклланади?
8. Нутқ фаолиятининг қандай тури ички нутқ деб юритилади?
9. Ёзма нутқ қайси нутқ шаклига мансуб?

3-МАВЗУ: АДАБИЙ НОРМА ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ. НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ МЕЪЁРИЙЛИК АСПЕКТИ

Режа:

1. Тил маданияти ва нутқий маданият.
2. Адабий тил меъёрлари.
3. Хусусий меъёрлар.
4. Меъёрий аспектлар.

Меъёрийлик, умуман олганда, универсал фалсафий категориялардан ҳисобланади. У дунёнинг асосини ташкил қилади ва «тартибсизликлар тартиби» ёки «тартиблар тартибсизлиги» сифатида намоён бўлади. Борлиқдаги бундай *меъёрийлик* муайян даражада *онгимизда*, онгимиздаги

эса *тилимизда*, тилимиздаги эса *нутқимизда*, коммуникатив фаолиятимизда ўз аксини топади.

Умуман олганда, *меъёр, меъёрийлик* инсонларнинг барча турдаги фаолиятига хос. Ҳар қандай лисоний ҳодиса меъёрийдир. Унинг тилда ҳам намоён бўлиши тил ва нутқни тартибга солиш, бунинг натижасида *маданиятли тил ва нутқнинг* шаклланишида етакчи омил бўлиб хизмат қилган.

Мулоқот чоғидаги меъёрийлик *нутқ маданияти* қонун–қоидаларига амал қилиш орқали намоён бўлади. *Нутқ* фаолиятидаги *меъёрийлик* адабий тил ва нутқ воситаларидан белгиланган лисоний қонун–қоидалар асосида ўринли фойдаланишни тақазо этади. Мулоқотнинг самарали бўлишига эришишда меъёрийликнинг ўзи етарли эмас. Бу ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ маданиятининг асосий белгиларидан бўлмиш *коммуникативликнинг* мақсадига ҳам боғлиқ.

Нутқни маданий кўринишда баён этиш учун зарур тил воситаларини *танлаш ва қўллаш кўникмаларини* ишлаб чиқиш, уларга нисбатан *онгли муносабатни шакллантириш*, бошқача қилиб айтганда, белгиланган ўлчов меъёрига риоя этиш талаб қилинади.

Лисоний меъёр, бир томондан, тилнинг ички қонуниятлари ва, иккинчи томондан, жамиятнинг маданий анъаналари билан белгиланади. В. Н. Чернишёв ёзганидек: “Ҳар бир давр тилида унинг маданияти учун ноаниқ бўлган (шаклланаётган, лекин шаклланиб улгурмаган, сўниб бораётган, бироқ ҳали сўнмаган, янги кириб келаётган, лекин ҳали қабул қилинмаган) кўп нарсалар топилади. Адабий тилнинг муайян босқичида турли ижтимоий сабабларга кўра эски меъёр янгиси билан алмашинади”.

Нутқ маданиятининг асосий хусусиятларидан бўлмиш *меъёрийлик*, аввало, адабий тил миқёсида намоён бўлади. Адабий тил ўзига хос меъёрий мезонлари билан миллий тилнинг бошқа кўринишларидан ажралиб туради, бироқ *меъёр ҳодисаси*, В. А. Ицкович таъбири билан айтганда, «*тилнинг барча яшаш шакли учун хосдир*». Меъёр адабий тилдагина эмас, ҳар қандай жаргон ва шевага ҳам хослигини илк бор Прага тилшунослик тўғараги олимлари таъкидлаб ўтган эди. “Тилда меъёрийлаштирилган, қонунийлашган мажмуанинг борлиги, – деб ёзади Б. Гавранек, – ундан четлашилганда аниқ намоён бўлади, зеро, бундай ҳолатлар меъёрдан чекиниш, номеъёрийлик сифатида қабул қилинади”. Шундай бўлса-да, меъёр, у хоҳ лексик, хоҳ стилистик, хоҳ грамматик бўлсин, адабий тилда кучли намоён бўлади. Унинг бузилиши хатоликни келтириб чиқаради. Бироқ айрим ҳолларда нутқда адабий сўзлар билан биргаликда адабий тилга хос

бўлмаган бирликларнинг қўлланилиши унинг сифатига ҳеч қандай путур етказмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, адабий тилдаги *ойи* сўзи шеваларда *эна, она, она, ая, бийи, бува* сингари вариантларига эга. Ёки *дўппи* лексемаси ҳам самарқандликлар учун *қалпоқ*, Хоразмда – *тайха*, Бухорода – *каллапўш* дейилиши меъёрга айланган. Ҳозирда *пулнисоққа*, милиция ходимини – *лигавий*, лақма, аҳмоқни *ҳарип, лох*, ўғирлаб кетишни – *ухлатиб кетиш* дейиш кўпинча ёшларга тушунарли ва уларнинг тилига хос сўзлардан бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, луғатларда ушбу сўзларнинг адабий вариантларини қўллаш талаб қилади.

“Меъёр” сўзи арабчадан ўзлашган бўлиб, “қоида, даража, ўлчовли миқдор, андоза” каби маъноларни англатади соф ўзбекчаси *ўлчов* дейилади. Меъёр ҳозирги замон тилшунослигининг мураккаб тушунчаларидан ҳисобланади.

Тил ва нутқ меъёрларига бағишланган илмий адабиётларни ўрганиш давомида уларнинг моҳияти хусусида уч хил қараш шаклланган:

- 1) *лисоний*;
- 2) *ижтимоий*;
- 3) *динамик*.

Мазкур қарашлар шартли бўлиб, бири кейингисининг пайдо бўлишига сабаб бўлган ва улар бир-бирини тўлдиради.

Худди шундай қараш Ф. де Соссюр назариясида ҳам ўз аксини топган. Унинг таъкидлашича, меъёр мустақил мавжуд бўла олмайди; у турғун (статик)лик хусусиятига эга бўлиб, тил системасининг ўзида намоён бўлади. Ф. де Соссюр тилнинг ўзини борица меъёр деб ҳисоблаб, бошқа ҳар қандай нутқ фаолияти учун асос сифатида тан олиш керак, дея таъкидлайди.

Тил ва нутқ меъёрийлиги илмий жиҳатдан илк бор Л. Ельмслев томонидан ўрганилган. У соф тилни (яъни соф шаклни) меъёр, узус ва индивидуал нутқ актига қарама-қарши қўйиш орқали меъёр моҳиятини очишга ҳаракат қилади. Л. Ельмслевнинг фикрича, меъёр узус ва нутқ актидан келиб чиқади. Узус нутқ акти ва тилнинг соф шакли – схема билан бирликда борлиқни акс эттиради. Тил ва меъёр унинг таълимотида бир-бирига тенглаштирилган.

Тил *мажбуриймеъёрий амалиётдан иборат ва унда танлаш имконияти йўқ бўлган система кўринишига* эга дея юқорида қайд этилган *лисоний нуқтаи назарнинг* асосини ташкил қилувчи фикрга олиб келади.

Косериу Л. Ельмслевдан кейин схема ҳақидаги қарашларини ривожлантириб, тил системасини функционал қарама-қаршилиқлар, муайян жамоа ва унинг маданияти орқали қабул қилинган меъёрни эса, мажбурий

амалиётлар системаси дея таърифлайди. Меъёр, унингча, айтиш мумкин бўлган нарсага эмас, балки анъанага кўра айтиб юрилган нарсаларга мувофик бўлади ва шундай усулларда, шундай мезонлар орқали амалга оширилади. Меъёр тилнинг анъанавий шаклларида қайд этилишига мос келади. Косериунинг ушбу қарашларини лўнда қилиб «система – меъёр – нутқ» шаклида акс эттириш мумкин.

Меъёрийлик тил ёки нутққагина эмас, балки жамият ва ундаги барча нарсаларга хос эканлиги, унга нисбатан янгича бир ёндашувнинг, унинг *ижтимоий ҳодиса* эканлиги ҳақидаги нуқтаи назарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай мулоҳазалар уларга қарама- қарши бўлган меъёрнинг *динамиклигини*– ўзгарувчанлигини эътироф этувчи янгича *нуқтаи назарнинг* пайдо бўлишига олиб келди. Бу дастлаб Л. В. Шчербанинг “система–меъёр–узус” мутаносиблиги муаммоларига бағишланган назарий тадқиқотларида ўзгача ёндашув асосида ёритилади.

Ушбу тушунчалар моҳияти уларнинг қарашларида ўзгача, *ўзгарувчанликка мойил* деган мазмунда талқин этилади. *Меъёрнамунали, тўғри нутқдир* ва унинг негизида тил системаси яратилади. Ижтимоий ҳаётнинг бир кўриниши бўлмиш нутқ фаолияти туфайли тил ва меъёр ҳам тинимсиз ўзгариб боради. Айни пайтда система ва меъёрни ҳам сўзловчиларнинг нутқфаолияти бошқаради. Л.В. Шчербанинг таъкидлашича, меъёр ва тўғрилиқ бир-бири билан боғлиқ тушунчалар, шулардан бирортаси, масалан, онгли меъёрийлик йўқ жойда нотўғри лисоний матн юзага келади. Адабий меъёрлар тушунчасининг таҳлили давомида Л.В.Шчерба уларнинг бар-қарорлигини, шу билан бирга, *тил воситалариаро вариантлиликини* ҳам истисно этмайди. Чунки айнан *вариантlilik*, унингча, *меъёрий* ва лисоний системага хос *ўзгаришларнинг гасосий сабабчиси* ҳисобланади.

А. Маматов “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” номли диссертациясида адабий меъёр тушунчасини атрофлича тадқиқ этган. Унинг фикрича, меъёр мавжудлигининг асосий шарти тил воситаларининг муайян қоидаларга солинганлигидир. Меъёрнинг биринчи маъноси норматив грамматика ва луғатларга асос бўлиб хизмат қилса, иккинчи маъноси тил система сифатида нутққа зид қўйилиб, у кенгрок маънода тушунилади.

А. Маматов ҳозирги замон тилшунослигида меъёр тушунчасини аниқлаш борасида бир-бирини тўлдириб, мустаҳкамлаб боровчи икки назария мавжудлигини кўрсатиб ўтади:

- биринчи назария тил воситаларининг қўлланилишини тартибга солиб турадиган қонуниятлар деб қаралса,

- иккинчи назария меъёрни умумхалқ (умумжамоа) томонидан мустаҳкамланган, барқарор ва тил воситаларини анъанавий амалда тадбиқ қилишнинг йиғиндисидир.

Тилнинг ҳаёти ўзгарувчан. Унинг меъёрлари секинлик билан бўлса ҳам, лекин доимо узлуксиз ўзгариб боради (лексик меъёрлар талаффуз ёки грамматика меъёрларига қараганда тез-тез ўзгариб туради). Баъзан шундай вазиятлар ҳам юзага келадики, меъёр ўзгарадию, бироқ бу керакли манбаларда қайд этилмай қолади. Меъёр стихияли равишда объектив сабабларга кўра ўзгариши мумкин, аммо уни қайд этиш онгли равишда амалга оширилади. Меъёр, одатда юқори даражадаги нутқ маданиятига эга бўлган кишилар – ёзувчи, олим ва журналистларнинг тилдан фойдаланиши давомида ўз-ўзидан, секин-аста шаклланади. Фақат тилшунослар хоҳлагани учун эмас, балки *телЕвИдениЕ, телЕФон, ФалОкат* деб талаффуз қилиш зиёлиларга анъанавий, меъёрий бўлиб қолгани учун шундай дейишимиз шарт ҳисобланади. Бошқача талаффуз вариантлари (масалан, *теЛВидениЯ, тИлПон, ПалАкат, кОтта, вОХт, жичча* ва б.) нутқий анъаналарга зид ҳисобланади. Луғат ва грамматикаларда эса тилшуносликка боғлиқ бўлмаган ҳолда адабий тилда юзага келган ҳолатлар ўз аксини топади. Чунки А. С. Пушкин ёзганидек, “Грамматика тилга қонунларини рўқач қилмайди, балки ўз анъаналарини изоҳлайди ва ўрнатади”. Ҳар қандай луғат ёки сўровнома нашридан аввал жуда катта ва кўп эътиборни талаб қилувчи ишлар олиб борилади. Олимлар ўз тадқиқотларида илмий кишилар қандай сўзлашишини аниқлайди: сўзларни қайси маънода, қандай талаффуз қилади, нутқ вазиятга қараб сўзларни гапда қандай қўллайди ва шу кабиларни аниқлайди. Одатда дўстлар билан суҳбатда айтиш мумкин бўлган сўз, жумла ёки ибораларни, илмий маърузаларда қўллаш ўринсиз.

Шундай объектив ҳолатлар тилшунослар томонидан луғат грамматикаларда қоида ва тавсиялар кўринишида мустаҳкамланади, барча адабий тилда сўзлашувчилар учун мажбурий қилиб қўйилади. Объектив равишда мавжуд бўлган адабий меъёрларни бундай тарзда қайд этиш фанда **кодификация** деб ном олган.

Кодификация ва меъёр тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлиги ҳақидаги фикрлар илк бор Прага тилшунослик тўғараги олимларининг асарларида ўз аксини топган эди.

Кодификациялаш орқали *адабий меъёрлар сақланади*. Адабий тилнинг меъёрийлаштирилгани ҳақида сўз юритилганда, ана шу адабий меъёрларнинг қайд этилиши назарда тутилади. Кодификациялаш тил эгаларига нисбатан қаратилган бўлади. У нутқамалиётга, фаолиятига ўз таъсирини ўтказа олади. Шунинг учун ҳар қандай шевага ёки жаргонларга оид сўзларнинг қайд

этилиши ёки изоҳланишини кодификация, деб бўлмайди. Масалан, сиз *телвидения* ёки *палакат* деб айтмоқчисиз, бироқ кодификация қоидалари уларни шева сўзлар деб тавсифлайди ва уларнинг бошқа – адабий вариантларини тавсия этади: *телЕвИдениЕ*, *ФалОкат*. Сиз онгли равишда кодификация туфайли адабий бўлмаган шакллардан воз кечасиз ва тўғри деб топилган усулда талаффуз қилишга интиласиз.

Адабий тил меъёрлари стихияли равишда шаклланади, кодификация эса, олимлар томонидан амалга оширилади. Масалан, ўзбеклар орасида *шам* сўзининг *шаъм* ёки *шағам*, *Аъзам* сўзининг *Ағзам*, *Нўъмон* сўзининг *Нигмон* тарзида талаффуз этилиш ҳоллари кузатилади. Луғатларда ушбу сўзларнинг адабий меъёрий кўринишлари қайд этилса-да, тил эгалари уларнинг адабий тилга хос бўлмаган вариантларини қўллаётганлиги бу хусусда ҳануз ягона фикрнинг юзага келмаганини кўрсатади. Тилшунослар доимо эски меъёрни сақлаб қолишга интилади. Чунки бунини кодификация тақозо этади. Жамиятнинг ўзи ҳам тилнинг аста-секинлик билан ўзгаришидан манфаатдор, акс ҳолда, улар халқ анъаналарининг узилиб қолишига олиб келиши мумкин. Тил барқарор бўлиши керак, у ёзувчи учун ҳам, оддий амалдор учун ҳам тушунарли бўлмоғи лозим. “Тил қандай шаклга кирмасин, у доимо миллат индивидуал ҳаётининг руҳий ифодаси”, “унинг нафаси, руҳи” бўлиб қолади.

Ҳар қандай тил сиёсати тилнинг яшаши ва ривожланишига жамиятнинг онгли, мақсадли аралашувини англатади.

Нутқ маданияти ҳақида гап борар экан, табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўллаган тил бирлигини тўхри ёки нотўғри дейилганда, маълум бир ўлчов (мезон)га асосланишимиз тайин. Мана шу ўлчов (мезон) тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар бир лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга. Хусусий меъёрлар қуйидагича кўрсатилади:

1. Диалектал меъёр.
2. Сўзлашув нутқи меъёри.
3. Арголар, жаргонлар меъёри.
4. Адабий тил меъёри (адабий меъёр).

Адабий меъёр. Маълум бир ҳудудда тарқалган узус имкониятлари ўша ҳудудда яшовчи аҳоли учун истисносиз тушунарли бўлади, яъни алоқани енгил амалга оширишга имкон беради. Бу - тилнинг ўзи меъёрдан иборатлигини кўрсатади. Меъёр - тилнинг яшаш шаклидир.

Адабий меъёр узусга асосланади, ундан олинади. Адабий меъёр адабий тил билан бирга туғилади, бадий адабиётнинг, халқ маданиятининг тараққиёти билан ривожланиб, ўз қонун- қоидаларини мустаҳкамлаб боради.

Адабий меъёр узусдан олинганлиги сабабли ҳамма учун тушунарли бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Жамият аъзоларини уюштиришда, катта вазифаларга отлантиришда адабий тил, унинг меъёрлари жамият учун ниҳоятда зарурдир.

Тил меъёрларининг ўзгариши кўпгина тил бирликларининг унутилишига, қўлланиш доирасидан чиқиб кетишига олиб келади. Буларни қайд этишга шошилиш ҳар доим ижобий натижа беравермайди. Шунинг учун ҳам тил сиёсатида **анъанавийлик** устувор принциплардан ҳисобланади. Кодификация эса, адабий тилнинг барқарор туриши ва турли замон кишиларини бир-бири билан боғлашга ёрдам беради. Кодификациялаш осон иш эмас, уни тезлик билан ҳал қилиб бўлмайди. Икки ёки ундан ортиқча вариантга эга тил бирликларидан кераклисини, зарурини қайд этиш учун ушбу масалани ҳар томонлама, синчиклаб ўрганиб чиқиш талаб қилинади. Бундай тил бирликларининг бир кўриниши, одатда, охиригиси янги меъёрий деб тан олинади ва махсус манбаларда – луғатларда қайд этилади.

В. Хартунг меъёрни баҳолашнинг уч аспектини фарқлайди:

- 1) сўзловчи ўз фикрини тўғри, аниқ ва лўнда қилиб ифодалай олиши;
- 2) тингловчининг муайян даражада таъсирланиши;
- 3) муайян тилнинг структураси ва унинг анъаналари.

Ушбу аспектларда натижага эришиш учун адабий тил меъёрларига тўла амал қилиш лозимлигини таъкидлаган ҳолда, Э. Бегматов ва бошқа муаллифларнинг “Адабий норма ва нутқ маданияти” рисоласида берилган тил меъёрларига мурожаат қиламиз:

- лексик-семантик меъёр;
- талаффуз (орфоэпик) меъёри;
- ёзув (графика) меъёри;
- акцентологик меъёр (сўз ва формаларда урғунинг тўғрилиги);
- фонетик меъёр;
- грамматик меъёр (морфологик ва синтактик нормалар);
- сўз ясалиш меъёрлари;
- орфографик (имловий) меъёрлар;
- пунктуацион меъёрлар;
- стилистик меъёрлар.

Адабий тилнинг барча меъёрларига амал қилиш тўғри нутқни юзага келтиради.

Юқорида қайд этилган меъёрларнинг бузилиши турли хилдаги (орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, грамматик, стилистик, синтактик) хатоларни келтириб чиқаради.

“Адабий меъёрларнинг турли бузилишларини чуқур ва объектив таҳлил этмасдан туриб юксак нутқ маданияти учун курашни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди”.

Нутқ маданияти бу – адабий тил муҳофазасидир.

Хато – сўз, сўз бирикмаси ва гапларни қўллашда умумий тавсия этилган адабий нутқ меъёрларидан чекинишдир.

Мазкур қоидалар тил қонуниятлари ва баъзи шартли келишувлар таъсирида тарихан шаклланиб, алоҳида шакл, сўз ва жами ифодаларнинг тузилиши, талаффузига тегишли бўлади. Шартли келишувлар келиб чиқишига кўра системали қонуниятга бўйсунди, экстралингвистик, тарихий-маданий, сиёсий, ғоявий фикрлардан иборат тилнинг системали таркибига киритилган тузатишлар билан тўлдирилади.

Орфоэпик меъёр талаффуз меъёри, акцентологик ҳамда урғу меъёрини ҳам қамраб олади, чунки ҳар қандай тил бирликлари муайян талаффуз ва урғу қоидаларига риоя қилади. Талаффуз ва урғу нормалари муайян тилда сўзловчилар учун уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, турар жойи, касби, ёшидан қатъи назар, мажбурий меъёрлар ҳисобланади¹. Шу сабабли кишиларнинг нутқ маданияти даражаси уларнинг адабий талаффуз ва урғу меъёрига қай даражада амал қилганлигига қараб белгиланади.

Адабий меъёрнинг ***орфоэпик бузилиши*** кўп ҳолларда, талаффуз жараёнида, оғзаки нутқда юз беради. Лекин ҳозирги пайтда радио ва телевидение нутқида ҳам талаффуз меъёрларининг бузилиш ҳолларини кузатиш мумкин.

Жонли нутқ бир-бирига зид кучлар таъсирида бўлади. Бир томондан, сўзловчи ўз фикрини аниқ ифодалашга интилса, иккинчи томондан, қисқа вақт ичида у мақбул тил воситаларини танлаши керак. Эфир вақти чегараланганлиги боис, қисқа вариант афзал ҳисобланади. Бунда қисқалик ва меъёр бир-бирига зид бўлиб қолади.

Нутқ маданияти соҳасининг адабий тил меъёрига ёндашуви қуйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатда фарқ қилади:

а) нутқ маданияти адабий тил меъёридаги ўзгариб, бузилиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

¹ Ю.А. Сидорова, «Орфоэпические нормы русского литературного языка», М., 1990.

б) нутқ маданияти адабий тил меъёрини доимий ривожланиб, ўзгариб турувчи ходиса сифатида текшириши ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, ўзгараётган, ўзгарган ҳолатларни, шунингдек, “ўлган”, истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

в) нутқ маданияти адабий тил меъёри системасидаги қарама-қарши ҳолатларни белгилаши ҳамда тилнинг барча яруслари бўйича текшириши лозим.

Нутқ маданияти адабий меъёрни маълум мақсад билан, аниғи маданий нутқнинг чегараси ва воситаларини аниқлаш мақсадида ўрганади. Шу сабабли, нутқ маданияти соҳаси адабий тил ва унинг меъёрий системасини баҳолайди ва назорат қилади. Нутқ маданияти соҳаси адабий тилга ёндашади, яъни адабий тил ривожига онгли аралашади.

Маълумки, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан узвий боғлиқдир. У жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келадиган, фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий ҳодисадир. Жамият ривожланган сари тил ҳам шаклланиб боради. Демакки, шу тилда сўзлашувчи миллатнинг маънавияти юксалиб, нутқий малакаси ортиб боради. Акс ҳолда тил таназзулга юз тутаяди. Бу эса нутқий малаканинг сўнишига, маънавиятнинг қашшоқланишига олиб келади.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нутқий қурол шу жамиятнинг ягона тили ҳисобланади.

Инсон нутқ фаолиятида адабий тил маданияти қоидаларини мукаммал билгани ҳолда, айниқса, бадиий адабиётларни, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевиденияни кузатиб бориши орқали ҳамда тинимсиз мустақил шуғулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади.

Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсонгина нутқ маданиятига эга бўлади. Тил маданиятини эгаллашда тилга бўлган эътибор, унга чинакам муҳаббат ва ҳурмат муҳим роль ўйнайди. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шуғулланиш орқали эгаллаб бўлмайди.

Инсоннинг нутқ фаолияти уч кўринишда намоён бўлади.

Булар - сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум бўлган нарсалар ҳақида сўраши тушунилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоқи, одоби юзага чиқади. Сўзлашнинг монологик ва диалогик кўринишлари мавжуд.

Мутолаа қилиш ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқатидир. Мутолаа тўфайли ёзма нутқда акс этган воқеа-ҳодисадан хабардор бўлади.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Тил маданияти билан нутқ маданияти қайси жиҳатларига кўра ўзаро фарк қилади?
2. Меъёр тушунчаси нимани билдиради?
3. Хусусий меъёрлар қайсилар?
4. Адабий меъёр нима? У нимага асосланади?
5. Адабий тил меъёрларига нималар киради?
6. Нутқий малакага қандай эришиш мумкин?
7. Инсон нутқ фаолиятининг қандай кўринишлари мавжуд?

4-МАВЗУ: НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ. НОТИҚЛИКНИНГ ТУРЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Режа:

1. Нотиқлик санъати қадимий санъат.
2. Юнон нотиқлиги.
3. Рим нотиқлиги.
4. Шарқ нотиқлиги.
5. Нотиқлик санъати турлари.

Нутқ маданияти – бу классик маънодаги нотиқлик – алоҳида фавқулотда нутқий санъат ҳисобланади. Нотиқлик санъатига эришиш учун нафақат табиий қобилият балки ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш демакдир. Нотиқ қадимий даврлардан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида, инсондаги махсус, ноёб қобилият тарзида талқин этиб келинган.

Нотиқлик санъати оғзаки ва ёзма нутқни тингловчиларга жонли, ифодали ва таъсирли етказиш малакасини эгаллашдир. Нотиқлик санъати мураккаб санъат бўлиб, уни эгаллаш кишидан кунт ва чидам, ю малака ва тажриба талаб этади.

Нотиқлик санъатининг ижтимоий мавқеи шу қадар кенг ва сертармоқки, уни ҳар бир соҳада меъёри, мазмуни ва шакли, ўзига хослиги, таъсир кучи ва томонлари жиҳатидан алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш учун маълум бир вақт, имконият талаб қилинади.

Нотиқлик санъати турлари.

1. Сиёсий-ижтимоий нотиқлик:

1. Сиёсий-ижтимоий ва сиёсий иқтисодий мавзудаги нутқ.
2. Сессия, конференциядаги нутқ.
3. Сиёсий нутқ.
4. Дипломатик нутқ.
5. Сиёсий шарҳ.
6. Ҳарбий ватанпарварлик нутқи.
7. Митинг нутқи.
8. Илмий-оммабоп нутқ.

2. Академик нотиқлик:

1. Ўқув юртлари маърузалари.
2. Илмий нутқ (маърузалар).
3. Илмий шарҳ.
4. Илмий ахборот.

3. Суд нотиқлиги:

1. Қораловчи (прокурор) нутқи.
2. Жамоатчи-қораловчи нутқи.
3. Оқловчи (адвокат) нутқи.
4. Жамоатчи оқловчи нутқи.
5. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

4. Ижтимоий-маиший нотиқлик:

1. Мадҳия (юбилей ёки мақтов нутқи).
2. Таъзия (мотам нутқи).
3. Табрик нутқи (тост).

5. Диний нотиқлик:

1. Хутба.
2. Ваъз.

Ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиқлик бўлавермайди. Ўзбек тилшунослигида нотиқлик санъати ва унинг ўтмиши етарли даражада ишланган. Шу туфайли ўтмиш Шарқ нотиқлиги билан ҳозирги кундаги нутқ маданияти соҳасида кўпгина ўхшашлик томонлари биз учун қоронғу.

Нотиқлик санъатида тингловчини оммани ўзига тортишга интилиш мақсади биринчи ўринда туради. Айтиб ўтганимиздек нотиқ нутқи чиройли, жозибали бўлиши, чиройликка эришиш учун мазмунга, мантиқий кучга, жумлалар жимжимадорлигига катта эътибор берилиши лозим.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ўхшаш томонларига эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадор. Нутқ маданияти ҳам, нотиқлик санъати, ўта чечанлик ёки бадий сўз санъатига чекланиб қолмайди. Турлича типлари жанрларини ўзлаштириш таалуклидир. Нотиқлар орасида адабий тил нормаларга тўла амал қилмасдан маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чинакам нотиқлик санъатини намойиш этадилар.

Нотиклик бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиклик санъати – оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тегишли тушунчадир. ҳар бир киши она бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб бера оладиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Амма ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотик бўла олмайди. Лекин адабий тилда фойдаланувчи ҳар бир нотик нутқ маданиятидан яхши хабардор бўлиши лозим.

Нотик, кўпроқ нутқнинг мазмунига мантикий асосларига, мундарижавий тузилиши эътибор қаратади. Сўзлашдан мақсад – фикр англатиш. Нотикларнинг вазифаси ва мақсади ҳам ўз фикрини кенг омма эътиборига, онгига етиб боришни тامينлашдан иборат. Ҳар бир нотикнинг нутқи оммани ишонтира оладиган, уларга тушинарли, ёрқин, таъсирчан, мантикли ва аниқ бўлиши зарур.

Ўрта Осиё маданияти тарихида нутқ маданияти билан боғлиқ асарлар яратиш ўзига хос мавқега эга бўлган. Машҳур турколог Маҳмуд Қашқарийнинг «Девони луғотут турк» асари бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келинганлигидан гувоҳлик беради. У даврда шартли равишда нутқ одоби деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лаҳмаликни қоралаш, тўғри, рост ва дадил гапириш ва бошқалар ҳақида гап борган. Шарқда илк уйғониш даврига келиб нотикликнинг қуйидаги беш шакли ривожлана бошлади:

1. Юқори доирадаги сарой нотиклиги.
2. Диний нотиклик.
3. Халқ нотиклиги (бунда асосан кўзғалон раҳбарларининг нутқи кўзда тутилади).
4. Ҳарбий нотиклик.
5. Дипломатик нотиклик.

Бу даврлар келиб Шарқнинг буюк нотиклари ҳам кўзга кўриниб қолган: Беруний, Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Югнакий, Хусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Хусайний, Кайковус, Навоий, Румийлар шулар жумласидандир.

Шарқ илк Уйғониш даври қомусий олими Абу Наср Фаробий (872-950) табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлокий масалалар билан бир қаторда нотиклик санъати, тилшунослик каби фанларга оид асарлар яратган. Унинг «калом фи аъжир ва-л ковофи», «китоб фил луғат», «китобфи-л хитоба», «китоб фи-л санъат ал хитобат» каби асарларида бевосита санъат назариясига оид қарашлари баён этилган. Фаробийнинг фикрича санъатни барча турлари бир – биридан фарқ қилиб, назм санъати сўз билан, тасвирий санъат эса бўёқлар билан иш кўради. Лекин улар инсонга бир хил таъсир кўрсатади. У Арасту изидан бориб, бу санъатларнинг ҳар иккаласига тақлид қилиш ёрдамида кишилар тасаввурияти ва ҳиссиётига таъсир кўрсатиши мақсад қилиб қўяди.

Ўрта Осиёнинг бошқа бир буюк мутафаккири Абу Райхон Беруний (973-1048) ҳам ўз даврининг қомусий олими бўлиб, жуда кўп тилларни билган. У нотиклик санъатини эстетика билан боғлаб, нутқ чиройли, раван ва

ёқимли бўлсагина кенг оммага тез етиб бориши таъкидлаган. Забардаст комусий олимлардан бири Абу Али Ибн Сино (980-1037) ҳаммамизга тиббий соҳасини билимдони сифатида таниш. Аммо у инсондаги нутқ, тил масалаларига ҳам алоҳида этибор берган. У: «Оллоҳнинг инсонларга инъом этган бахтларидан бири инсон нутқидир. Инсон ўзининг ана шу нутқдаги товуш- оҳанглари орқали ўз ҳиссиётларини изҳор этади». – деб айтади. Унинг айтишича нотиқлик санъатида овознинг баланд пастлиги ҳам, уларнинг бир биридан фарқ қилиши ҳам ўзига ҳос маънога эга. Инсонларнинг овозлари ҳам бирор маънони ифодалаб, келиши руҳига таъсир этиши мумкин.

Шарқ уйғониш даврининг яна бир буюк мутафаккири Кайковуз ҳам ўз даврининг таниқли нотиқларидан бўлган. Унинг шундай фикри бор: Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир... Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб олиш, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қилиш керак. «Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади». У ўзининг «Қобузнама» асарида эстетиканинг муҳим тушинчаси гўзаллик ва унинг сўздаги ифодаси, маънавий меъроси эканлигини айтиб ўтади.

XII асрда Боҳовуддин Валалд, XIII асрда Жалолиддин Румий, XV асрда Ҳусайн Кошифий, Муъиннуддин Ойиз, Фойиз Ҳарабий, Зайниддин Фосифий каби нотиқлик санъатини пуҳта эгалаган сўз усталари етишиб чиқди. XVI асрга келиб нотиқлик санъат турлари, қонун қоидаларини акс эттирувчи бир неча илмий – услубий қўланмалар вужудга келди. Айниқса, Муҳаммад Рофий Воизнинг «Авбоб-ул-жиноя», Воиз Қазвинийнинг «Зилолу мақсад», Воиз Ширвонийнинг «Аҳсан ул аҳодис» қуройш Синдийнинг «анис-ул Возин», қози Ўшийнинг «Миромоҳ-ул-нажоҳ» каби асарлари шулар жумласидандир.

Ўша даврнинг таниқли воизи камолиддин Ҳусайн ибн али воиз ал-Кошифий бутун Ҳуросонда ўткир сўзли ҳозиржавоб билимли нотиқ сифатида машҳур бўлган Ҳусайн Кошифий сўз санъатига бағишлаб жуда кўп асарлар яратган. Унинг асарлари немис, инглиз, япон, араб, ҳинд, француз тилларига таржима қилинган. Унинг нотиқлик санъатига оид энг йирик асарлари – «Соҳифий Шоҳий», «Даҳ мажлис», «Маҳзои-ул-иншо», «ахлоқимуҳсиний», «Рисолати ҳотамнома», «Анвари Суҳайли». Кошифий асосан илмий, сиёсий, тарғиб ва ташвиқ руҳидаги нутқларни сўзлаган. У Ҳусайн Байқаро далагининг воиз Ҳисобланган. Зайниддин восифийнинг айтишича Кошифий «Сўз айтар бўлса, майдонга минг – минглаб эркак ва айёллар йиғилиб кетарди. Кошифий одамларни Ҳалол, пок, меҳнатсевар, далил, одил, мард, саҳий, маърифатли бўлишига чақирган».

Кошифий: «Ҳар вақтки, сўзлаб айтурсизлар, яхши сўздан бўлакка айтмангиз ва сўзламак кўнгилни ҳор, қаро қилар», - дейди.

Нотиқлик санъатини ривожига буюк мутафаккир Алишер Навоий алоҳида ҳисса қўшган. У нотиқлик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган: У «Маҳбубул-қулуб» асарининг 24-бобини воизликка

бағишлаган. «Муҳокаматул луғатайн» ва «Можолисун нафоис» асарлари эса бевосита тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга бағишлаган.

Қадимги Шарқда нотиқлар ўз нутқларини намунали бўлишини таъминлаш учун қуйдаги асосий ҳолатларга катта эътибор беришган:

–ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш;

–ўз дунёқаришига эга бўлиш, сўз билан амалиётнинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш;

–мавзуга маъсулият билан ёндашиш уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш;

–оммавий чиқишлар пайтида тингловчилар билан ниҳоятда яқин алоқа, мулоқатни таъминлаш, тингловчиларнинг кайфиятини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларни ўз фикрларига ишонтира олиш.

Ҳар бир нутққа жиддий таёргарлик кўриш, жумладан, нутқни нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий ўйлаб олиш, масалаларини ўртага ташлаш кетма - кетлигини белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш.

Намунали нутқни таъминловчи омиллар юқоридагилар билангина чекланиб қолмайди. Яна бир энг муҳим омил - ҳар бир нотиқ тилни яхши бўлиши керак. Ҳар қандай нотиқ нутқининг маданияти бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало ўз она тилини билиши унинг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиш, сўз қадрига ета билиши керак. Бундан ташқари, нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва олижаноб бўлиши учун, кишининг ўзи ҳам табиатан самимий, мусаффо бўлиши керак.

Қадимги Шарқда нотиқликнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, у энг аввало ўша давр тузимининг манфаатларига хизмат қилар ёки унинг акси бўлар эди. Бу даврда нотиқлик санъати усталарини *надимлар*, *қиссагўйлар*, *масалгўйлар*, *бадиҳагўйлар*, *қироатхонлар*, *муаммогўйлар*, *воизлар*, *гўяндлар*, *маддоҳлар*, *қасидахонлар* каби номлар билан атаганлар.

Ўша даврнинг таниқли воизи Камолиддин Ҳусайн ибн Али воиз ал-Кошифий бутун Хуросонда ўткир сўзли ҳозиржавоб билимли нотиқ сифатида машҳур бўлган. Ҳусайн Кошифий сўз санъатига бағишлаб жуда кўп асарлар яратган. Унинг асарлари немис, инглиз, япон, араб, хинд, француз тилларига таржима қилинган. Унинг нотиқлик санъатига оид энг йирик асарлари – «Соҳифий Шоҳий», «Даҳ мажлис», «Махзои-ул-иншо», «Ахлоқи муҳсиний», «Рисолати Хотамнома», «Анварии Суҳайли».

Кошифий асосан илмий, сиёсий, тарғиб ва ташвиқ руҳидаги нутқларни сўзлаган. У Ҳусайн Байқаро далазининг воиз ҳисобланган. Зайниддин восифийнинг айтишича Кошифий «Сўз айтар бўлса, майдонга минг - минглаб эркак ва айёллар йиғилиб кетарди. Кошифий одамларни ҳалол, пок, меҳнатсевар, далил, одил, мард, саҳий, маърифатли бўлишига чақирган». Кошифий: «Ҳар вақтки, сўзлаб айтурсизлар, яхши сўздан бўлакка айтмангиз ва сўзламак кўнгилни хор, қаро қилар», - дейди.

Нотиқлик санъатини ривожига буюк мутафаккир Алишер Навоий алоҳида ҳисса қўшган. У нотиқлик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина

қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. У «Маҳбубул-қулуб» асарининг 24-бобини воизликка бағишлаган. «Муҳокаматул луғатайн» ва «Можолисун нафоис» асарлари эса бевосита тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга бағишлаган.

XVIII-XIX асрларда нотиклик санъати маънавий маданиятнинг асосий ва энг зарур қисми эди. Бу даврда риторика ўзини равнақи вагулаши, ассосиз танқидга учраши ва унитилишни бошидан кечирди.

Риторика - Қадимги Грецияда айнан маданиятни энг гуллаб яшнаётган даврида Римда муҳим ўринни эгаллади. Бу санъат ўрта асрда ҳам мавжуд бўлиб, тикланиш даврида ривожланди. XVIII-XIX асрларда маънавий маданиятнинг асосий ва энг зарур қисми эди. Бу даврда риторика ўзини равнақи ва қулаши, ассосиз танқидга учраши ва унитилишни бошидан кечирди.

Қадимги Грецияда ҳамма таниқли нотиклар ҳам риторикани тан олмасдилар. М-н: Платон Горгий билан бўлган баҳсда чиройли сўзлашувни «ишон-тириш илми» деган (Горгий диалоги), Сократ айтганидек (устаами Сократа) «Балки ишонтиришни икки усулли дастурини қабул қилармиз: бири- билимсиз ишончни етказиш, иккинчиси – билим берадиган?, деган эди. (Античные риторика,-М.: МГУ, 1978). Лекин Цицерон ўзини «Нотик ҳақида» ги трактида Платон риторикага қарши бўлса ҳам, уни моҳир ва улуг нотик бўлганини ёзади. (Цицерон.Три тракта об ораторском искусстве.-М.,1972, с.35).

«Чиройли сўзлашув» ни назарий удуми Арестотельнинг «Риторика» трактидан бошланади. Унда биринчи бўлиб риторика билан логикани ўзаро муносабати кўрсатилган. Аристотел «Ишонтириш усули бу қандайдир сифатда ишончдир. Риторик ишонч бу энтитемадир» деб ҳисоблаган.

Антик «чиройли сўзлашув» усталари риторикага турли аниқликлар киритганлар.

а) Ҳар бир берилган фан учун ишонтириш усуллари топиш қобилияти (Аристотель);

б) Англаш, тўлқинлантириш, роҳат бағишлаш воситаси сифатида (Цицерон)

в) «яхши гапириш» илми сифатида(Квинтилиан)

Классик риторика нукни кетма кетлиги қонунини ишлаб чиқди, бунда нотикни мақсадли йўналтириш, тил бирликларининг ўзаро муносабати ва нутқнинг логик – психологик ҳусусиятларини назарда тутдилар. Биринчидан биз нимани ошириш ёки камситиш,

шиддатлик, тезлик ёки оддий, қизиқ ёки муҳим, дабдабалик ёки эҳтиёткорлик, улугворлик ёки хушмуомалалик билан, қандай даражада, қандай жойлашувда бизнинг фикр-ўйларимизга етишиш мумкин». Квинтилиан нотикнинг вазифаларини белгилаб берган.

Антик «чиройли сўзлашув» санъатининг ана бир ажралиб турадиган томони шунда эдики, у нотикни болалигидан бошлаб тайёрлаш эди. Бу тайёргарлик нафақат болани нутқига қаратилган балки уни хушахлоққилиб тарбиялашда эди.

М-н: Ораторлик тушунчасига биринчилардан бўлиб таъриф берган Цицерон нотик биринчидан философияни, қонунларни, бошқа нотикларни тажрибаларини яхши билиши, иккинчидан, нотик яхши фазилатга, хислатга эга бўлиши ва шу билан бирга саховатли ва одобли, тўғри сўз инсон бўлиши кераклиги ва шундагина у нутқ сўзлашга лойиқ деб ҳисобларди.

Риторика - Қадимги Грецияда айнан маданиятни энг гуллаб яшнаётган даврида Римда муҳим ўринни эгаллади. Бу санъат ўрта асрда ҳам мавжуд бўлиб, тикланиш даврида ривожланди. XVIII-XIX асрларда маънавий маданиятнинг асосий ва энг зарур қисми эди. Бу даврда риторика ўзини равнақи вақулаши, асоссиз танқидга учраши ва унитилишни бошидан кечирди.

Қадимги Грецияда ҳамма таниқли нотиклар ҳам риторикани тан олмас-дилар. М-н: Платон Горгий билан бўлган баҳсда чиройли сўзлашувни «ишон-тириш илми» деган (Горгий диалоги), Сократ айтганидек (устаи Сократа) «Балки ишонтиришни икки усулли дастурини қабул қилармиз: бири- билимсиз ишончни етказиш, иккинчиси – билим берадиган?, деган эди. (Античные риторика, -М.: МГУ, 1978). Лекин Цицерон ўзини «Нотикҳақида» ги трактида Платон риторикага қарши бўлса ҳам, уни моҳир ва улуг нотик бўлганини ёзади. (Цицерон. Три тракта об ораторском искусстве. -М., 1972, с.35).

«Чиройли сўзлашув» ни назарий удуми Аристотельнинг «Риторика» трактидан бошланади. Унда биринчи бўлиб риторика билан логикани ўзаро муносабати кўрсатилган. Аристотел «Ишонтириш усули бу қандайдир сифатда ишончдир. Риторик ишонч бу энтитемадир» деб ҳисоблаган.

Антик «чиройли сўзлашув» усталари риторикага турли аниқликлар киритганлар.

а) Ҳар бир берилган фан учун ишонтириш усуллари топиш қобилияти (Аристотель);

б) Англаш, тўлқинлантириш, роҳат бағишлаш воситаси сифатида (Цицерон)

в) «яхши гапириш» илми сифатида (Квинтилиан).

Классик риторика нукни кетма кетлиги қонунини ишлаб чиқди, бунда нотикни мақсадли йўналтириш, тил бирликларининг ўзаро муносабати ва нутқнинг логик – психологик ҳусусиятларини назарда тутдилар. Биринчидан биз нимани ошириш ёки камситиш, шиддатлик, тезлик ёки оддий, қизиқ ёки муҳим, дабдабалик ёки эҳтиёткорлик, улугворлик ёки хушмуомалалик билан, қандай даражада, қандай жойлашувда бизнинг фикр-ўйларимизга етишиш мумкин». Квинтилиан нотикнинг вазифаларини белгилаб берган.

Антик «чиройли сўзлашув» санъатининг ана бир ажралиб турадиган томони шунда эдики, у нотикни болалигидан бошлаб тайёрлаш эди. Бу тайёргарлик нафақат болани нутига қаратилган балки уни хушахлоққилиб тарбиялашда эди.

М-н: Ораторлик тушунчасига биринчилардан бўлиб таъриф берган Цицерон нотик биринчидан философияни, қонунларни, бошқа нотикларни тажрибаларини яхши билиши, иккинчидан, нотик яхши фазилатга, хислатга

эга бўлиши ва шу билан бирга саховатли ва одобли, тўғри сўз инсон бўлиши кераклиги ва шундагина у нутқ сўзлашга лойиқ деб ҳисобларди.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нотиқлик санъати дастлаб қаерда шаклланган?
2. Нотиқликнинг санъат даражасига кўтарилишига нима сабаб бўлган?
3. Нотиқликнинг қандай турлари мавжуд?
4. Нотиқлик ҳақида илк бор маълумот берган асар қайси?
5. Қадимги Юнон ва Рим нотиқлиги ҳақида нималар биласиз?
6. Шарқда нотиқлик ва нутқ маданияти масалалари билан шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?
7. Ғарб нотиқлиги билан Шарқ нотиқлигининг қандай умумий ва фарқли томонлари бор?
8. Нотиқликнинг қандай кўринишлари бор?

5-МАВЗУ: НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИ. ПРОФЕССИОНАЛ МУЛОҚОТ ОДОБИ. РИТОРИКА

Режа:

1. Тил ва нутқ. Нутқий мулоқот одоби.
2. Нутқий этикет шакллари.
3. Риторика қонунлари.
4. Мумтоз риторика босқичлари.

Яхши ва ўринли нутқ қандай бўлиши зарур? Замонавий муомала нимага муҳтож? Маъноли гапиришга ўрганиш мумкинми? Ана шу каби саволларга риторикада жавоб топамиз.

Мулоқот натижалари ва муваффақият сирлари. Маълумот (ахборот) йиғиш жараёнида этик (ахлоқий) муаммолар. Мулоқот муваффақияти факторлари. Мулоқотга киришувчининг ахлоқий қоидалари. Ташкилий қисмлар – мулоқот учун оптимал шароитлар. Мулоқот пайтида суҳбатдошлар ўртасида ўзаро ишонч.

Ритуал, гуманитар ва онгга таъсир этиш (манипуляция). Бундай мулоқотлар мақсади. Мулоқот услублари: демократик, софистик, эвристик/ факталогик.

Замонавий нутқнинг асосий классик таърифлари. Риторика тарихи (Алишер Навоий, Қошғарий, Платон, Аристотель, Цицерон, Квинтилиан).

Суҳбатдошга нутқ орқали таъсир этиш усуллари. Риторика. Умумий ва хусусий риторика предмети. Нотиқлик санъати тарихи (Ғарб, Шарқ). Тилнинг умумийлиги, ёрқин фикр ва ифодали сўздан амалда фойдалана билишда риториканинг зарурлиги. Риторика – фикр ва нутқ ҳақида таълимот.

Риторика – жамиятнинг нутқий мулоқотлари ҳақидаги таълимот.

Риторика – замонавий нутқ ҳақидаги таълимот.

Риторика - тарбиялаш санъати ва нутқи равон шахсни шакллантириш сифатида.

Яхши нутқ - муваффақиятга йўл.

Ҳар қандай иш ва касбда ўринли нутқни ташкиллаштириш. Замонавий ҳаётда нутқий мулоқотлар хилма – хиллиги, уларнинг меъёрлаштириш зарурияти.

Тилдан фойдалана билиш, ижтимоий ва шахсий фаровонлик муаммоси.

1) Информация билан алмашиш учун тўлиқ бўладиган турли тиллар мавжудлиги.

2) Мулоқатда икки маъноликка олиб келувчи замонавий тилдаги терминларнинг кўплиги.

3) Аниқ сезгилар орқали ҳис қилинмайдиган объектлар таърифини тилнинг замонавий шакллари қийинлаштиради.

Ундан чиқиш йўллари:

- Миллий эсперанто тилининг яратилиши

- Бир шаклга солинган тилнинг яратилиши- сўзнинг кўп маънолилигини инкор этувчи тиллардан фойдаланиш.

Тил мавжуд бўлишининг шакллари.

1) Худудий ва ижтимоий фарқлаш ва умуммиллий тил мавжуд бўлиши шакллари.

2) Тил меёрлари

3) Адабий тил тил мавжудлигининг юксак шакли сифатида

4) Замонавий адабий тил тушунчаси чегаралари

5) Адабий тил ва функционал услублар.

6) Яширин нутқ ҳақида.

«Нотиқлик санъати»-бу оғзаки нутқнинг амалий таъсир этишидир. Шу билан бирга бизга сўзларни маҳорат билан ишлатишга имкон беради. Риторик фаолият даласи чексиздир: Ўқитувчи ўзининг нутқини қандай ташкил қилиши керак? Қандай севги изҳар қилиш керак? Парламентда қандай нутқ сўзлаш керак? Бу ва бу каби бошқа саволларга риторика жавоб беради. Қадим асрлардан буён Риторика маданият меъёри деб ҳисобланган. Риторика инсон нутқини ташкил қилишни ўргануви ва нутқни моҳирона мақсадга мофиқ ва ишончли бўлиши учун қоидаларини тавсия қилувчи классик гуманитар фандир.

Ҳозирги пайтда риторикага кўпроқ эътибор берилаётганига ва филологик факультетларда ўқиётган нутқ маданияти фанини

активлашишига нима туртки бўлди? Шунини айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда нутқ маданияти фани сиёсатшунослик, молия иқтисод, инженер-техник ва бошқа соҳаларда ҳам таниқди бўлиб бормокда.

Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати умумий, ўхшаш томонларига эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадор. Нутқ маданияти ҳам, нотиқлик санъати, ўта чечанлик ёки бадий сўз санъатига чекланиб қолмайди. Турлича типлари жанрларини ўзлаштириш таалуқдир. Нотиқлар орасида адабий тил нормаларга тўла амал қилмасдан маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чинакам нотиқлик санъатини намойиш этадилар. Нотиқлик бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиқлик санъати – оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тегишли тушунчадир. ҳар бир киши она бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб бера оладиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Амма ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотиқ бўла олмайди. Лекин адабий тилда фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан яхши хабардор бўлиши лозим. Нотиқ, кўпроқ нутқнинг мазмунига мантикий асосларига, мундарижавий тузилиши эътибор қаратади.

Сўзлашдан мақсад – фикр англатиш. Нотиқларнинг вазифаси ва мақсади ҳам ўз фикрини кенг омма эътиборига, онгига етиб боришни таъминлашдан иборат. Ҳар бир нотиқнинг нутқи оммани ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантиқли ва аниқ бўлиши зарур. қадимги Шарқда нотиқлар ўзнутқларини намунали бўлишини таъминлаш учун қуйдаги асосий ҳолатларга катта эътибор беришган:

1. Ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзунини чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш.
2. Ўз дунёқаришига эга бўлиш, сўз билан амалиётнинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш.
3. Мавзуга маъсулият билан ёндашиш уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш.
4. Оммавий чиқишлар пайтида тингловчилар билан ниҳоятда яқин алоқа, мулоқатни таъминлаш, тингловчиларнинг кайфиятини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларни ўз фикрларига ишонтира олиш.
5. Ҳар бир нутққа жиддий таъргарлик кўриш, жумладан, нутқни нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий ўйлаб олиш, масалаларини ўртага ташлаш кетма - кетлигини белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш.

Намунали нутқни таъминловчи омиллар юқоридагилар билангина чекланиб қолмайди. Яна бир энг муҳим омил ҳар бир нотиқ тилни яхши бўлиши керак. Ҳар қандай нотиқ нутқининг маданияти бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало ўз она тилини билиши унинг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиш, сўз қадрига ета билиши керак. Бундан ташқари, нутқнинг гўзал, латофатли, маънодор ва олижаноб

бўлиши учун, кишининг ўзи ҳам табиатан самимий, мусаффо бўлиши керак.

Тил тузилиш системасида риторика грамматикадан кейинги ўринда туради. Олдин грамматика ўрганилади, кейин риторика. Грамматика ва риторика орасида методологик фарқ мавжуд. Грамматика ёки лингвистикада унинг бирлигини билишлари шарт.

Риторикада эса бунинг тескариси: ҳар бир сўзлашувчи ўзига ҳос бўлиши, бошқаларга ўхшамаслиги керак. Бирон бир янгилик яратиши лозим, бундан **риториканинг асосий талаблари** келиб чиқади: хабарда янгилик бўлмаслигини инкор этиш.

Грамматика ва риторика стилистика оорқали ўаро боғлаади. Стилистика – бу нутқнинг тўғрилиги, унинг жозибаси ҳам шунда. Бошқа фанлар каби риторика ҳам ўзининг асосий категорияларига эга. Улар 2 схемада кўрсатилиши мумкин:

1. Квинтилиан схемаси

- 1) яратилиши
- 2) тартиби
- 3) бажарилиши

Бу схема оғзаки нутқ тайёргарлик методикаси ва унинг талаффузи методикасидир. Бу схема нутқ таркибига бефарқ.

2. Арасту схемаси

- 1) этнос
- 2) пафос
- 3) логос

Нутқ ижтимоий ҳаёт жараёнига айланиб боради.

Риториканинг тузилиши

Риторика қуйидагилардан иборат: умумий, хусусий, мавзуга оид. У, Аристотель таъбири билан айтганда, этнос, пафос ва логосни ўрганади.

Мавзуга оид риторика бирон бир мавзу атрофида нутқ турларининг комбинациялаш қоидаларини ўрганади.

Бундан ташқари риторика назарий ва амалий қисмаларга бўлинади.

Назарий қисм – дедуктив йўл билан нутқ қонунларини ўрганади.

Амалий қисм - нутқдан фойдаланиш қоидаларини ўрганади.

Риторика қонунлари.

1. Агар диалог нутқнинг бир турида олиб борилса ва мавзу кўпчилик томонидан узоқ вақт давомида муҳокама қилинса, натижада нутқ бўшлиғи (энтропия) ҳосил бўлади.
2. Агар диалог нутқнинг турли кўринишларида олиб борилса ва мавзу ўзгартириб турилса нутқ бойиши юзага келади.
3. Фикр ифодалашда маъно қатламлари белгиланган тартибга эга – муаллиф образи, нутқнинг умумий таркиби. Нутқнинг образли таркиби, нутқнинг

таъсирчан таркиби, мантикий таркиби, композицион ёки услубий таркиб. Нутқни бошқа хил таркибда тузиш мумкин эмас.

4. Гемилектика қоидаси.

Матнни тўлиқ тушунчаси учун нутқ муалиф томонидан бошқарилиши ёки шунинг тескариси бўлиши керак.

Риторика қоидалари.

Риторика қоидалари -- риторика қонунларини, сўзловчи мақсадидан келиб чиқиб, индивидуал қўлланиши демак.

- 1) Диалектика - нутқнинг асосий мақсади – ҳақиқатни излаш (Сукрот)
- 2) Эвристика - ҳақиқатдан қатий назар жамиятда ўз позициясида туриб олиш.
- 3) Софистика – нутқнинг мақсади - ўзининг қулай нуктаи назарида ёки фойдали позициясида, ҳақиқатдан холи, диалектика қоидаларига таяниб туриб олиш.

Тўғри ва ишонарли сўзлашга ўргатиш усуллари. Умумий риторика.

Риторик таҳлил – тайёр нутқ, яъни маънодан сўзга бўлган йўлни кузатиш ва тушунишга ёрдам беради. Бунинг учун риторика тушунчаси ишлатилади.

Мумтоз риторика босқичлари:

1. Инвенция -- кашфиёт (нима дейишни ўйлаб топиш)
2. Диспозиция -- кашфиётнинг кўриниши
3. Элокуция -- фикрни сўз билан ифодаланиши.
4. Меморио -- эслаб қолиш.
5. Actio hyporisis – сўзлашув.

Инвенция - нутқни тушуниш, уни қисмларга бўлиш. Нутқнинг биринчи босқич бўлмиш инвенцияда фикрларнинг бойлиги аниқланади. Бунинг учун «умумий жой»лар мавжуд. Инвенция -- фикр қидириш, бўлажак нутқни маъноли тузишга ҳаракат қилиш.

Топ -- исталган нутқ ҳақидаги фикрларни тақозо этадиган тушунчалар тизими.

Диспозиция - фикрларни қайта гуруҳлаш ва нутқини асосий мақсадини бажара оладиган тарзда қуриш. Нутқ қуйидагича тузилишга эга:

- 1) кириш;
- 2) гап;
- 3) хабар бериш;
- 4) такидлаш;
- 5) рад этиш;
- 6) хулоса;

Элокуция – фикрни сўз билан ифодалаш босқичи. Бунда сўз ва сўз бирикмаларини тўғри танлаш муҳимдир: маънавий; семантик, услубий, жарангдор сўзларни танлаш. Айни шу босқичда троплар ва нутқ кўринишлари танланади.

Actio hyporisis - нутқ техникаси ва билимларидан фойдаланиб, омма олдида ваъз ўқиш (овоз, оҳанг, интонация, жестлар ва мимика билан).

Ломоносовнинг таъкидлашича, фикрлар тузилишига кўра *оддий ва мураккаб* бўлади.

Фикрни ифодалаш учун ишлатилган маъновий модель – топлар - «умумий жой»: тур, қисм, бутун, аниқлаш, ўхшашлик, фарқ, сабаб, оқибат, солиштириш.

«Умумий жой»ларнинг бирлиги бўлмиш топка исталган нотиқ ўз нутқини ясаيدигин фикрлаш қонунлари ва маъно моделларининг умумий кўринишини ифодалайди. Топка қийинчиликсиз исталган фикрни ишлаб чиқишга имконият беради.

Топ, бирор бир тур нутқ ёки фикрлашнинг универсал қонуниятларини ифодалайди: умумийдан хусусиятга – дедукция, хусусийдан – умумийга – индукция.

Маъно модели: аниқлаш.

Нутқ предметини энг яқин род ва тур категориялари орқали аниқлаш жуда осон.

Мумтоз риторик анъаналарига мувофиқ нутқни аниқлаш чиқишдан сўнг келади.

1-усул: умумий тушунчага келтириш.

2-усул: нутқ предметини бир – бири билан солиштириш натижасида аниқлаш.

3- усул: метонимия ёрдамида.

4- усул: хусусиятларни тартиб билан санаб чиқиш.

Троп: бутун, қисм

1) жонли нарсалар (ҳайвонлар) ни тасвирлаш схемаси:

- аниқловчи, хил, тур ва типига қараб;
- сифати, ташқи кўриниши;
- харақати, яшаш тарзи;
- ички хусусиятлари; феъл – атори, диди;
- фойдаси;

2) техник буюмларни ифодалашдаги талаблар:

- тасвирлаш аниқ, тушунарли ва тўлиқ бўлиши лозим.

Нарса-буюмни ижодий тасвирлаш 3 брсқичга бўлинади- бошланиши, ўртаси ва охири.

Бошланиши:

1) тасвирланган нарсага мурожаат.

2) аниқ кун ёки йилни айтиш.

3) предмет жойлашган ёки учрашаётган жойни айтиш (умумийдан хусусийга қараб тасвирлаш).

Ўртаси: 1) агар предмет ҳаракатсиз бўлса (дала, кўл), ташқи шароитлар натижасида уларда рўй бераётган ўзгаришни тасвирлаш.

- 2) қисмлардан иборат бўлган жонсиз физик предметларнинг ҳар бир қисми тасвирланади.
 - 3) ақлий предмет (ақл, меҳрибонлик) – хил, тури, ҳар хиллиги. қарама қаршилигига қараб.
 - 4) бош роль (киноактёр) – ҳусусиятлари тасвирланади. Ўрта, охирининг жойлашувининг қоидалари мавжуд: а) предметнинг энг қизиқ қисми тасвирлашнинг охирига жойлашади;
 - б) деталлаштиришдан қочиш (энг асосийсини танлаш) ; такрорламаслик.
- Охири: 1) нутқ предметига ҳис – ҳаёжонли мурожат қилмоқ. Ҳис – туйғуларни ифода этиш.

Ҳикоя айтишнинг турли йўллари бўйича кўрсатмалар:

1. Ҳикоя қилишнинг боши:
 - а) муаллифга мурожаат
 - б) ҳикоянинг умумий фикри (қизиқишни пайдо қилиш)
 - в) афористик шаклда айтилган умум қабул қилган ҳақиқатни бериш
 - г) жой, иш- ҳаракат вақти, шахс.
2. Ҳикоя қилишнинг ўртаси:
 - а) воқеалар ривожига эътибор бериб, кульминацияга етиш.
3. Ҳикоянинг охири:
 - а) ҳикояни ечими, хулосаси, бунда ҳикояни кимга, қандай мақсад билан айтилаётганини унутмаслик керак.

Қизиқ ҳикояни ташкил қилиш принциплари:

- 1) оддийлик, тушунарлилик, қисқалик.
- 2) ҳақиқатга яқин бўлиш.
- 3) қизиқишнинг аста- секин ошириб борилиши.

Нутқ - тахлилининг классик намунаси (хрия).

Хрия – бирор бир тезис тушунтираётган ёки асослаётган сўз, тахлил. Хрияда биз бир фикрга (тезис, таклиф)га эгамиз, уни тўғри деб исботлаш ёки нотўғри деб инкор этиш керак.

Хриянинг қатъий ёки тўғри тузилиши. Қатъий хрия тезисни хулосага тўғри қилишини ва натижаларга эга бўлишини талаб қилади: тезис – далил, исбот. Тузилиши 8 қисмдан иборат:

1. Ҳуруж – диққатни жалб қилиш мақсадида нутқни бошлаш (мақташ ёки тасвирлаш)
2. Парафразис – мавзунини тушунтириш, экспликация.
3. Сабаб – тезиснинг исботи (бу тўғри, чунки...)
4. Ёқимсиз – агар бўлмаса, унда...
5. Ўхшашлик – ўхшаш нарсаларни қиёслаш.
6. Мисол келтириш.
7. Гувоҳлик (авторитетга эътибор)
8. Хулоса ёки натижа (мавзуга муносабат)

Гувоҳнома – тезис.

Аввалига хусусий тушунтиришлар, сўнг тезиснинг ўзи томонидан танланадиган индуктив (сукротча) таҳлил тури дейилади.

Тузилиши 5 қисмдан иборат:

1. Хуруж
2. Исбот ёки далил, аргумент.
3. Алоқа – сунъий ёки аниқ фикр ёрдамида бирор шахсни ишонтириш керак бўлган даражага етказиш.
4. Тезисни шакллантириш (асосий фикр)
5. Хулоса.

Мумтоз риторика қонунининг 3-бўлими – эллокуция.

Эллокуция дискуссинг умумийлигини яратиш учун нутқнинг ҳар қайси вазиятда тил ва нутқ воситаларини тўғри танлай олиш имконини беради. Дискуссинг уйғунлашуви нутқ фигуралари ва тропларни қўллаш натижасида вужудга келади.

Троп – нутқнинг вазияти бўлиб, сўз ва сўз бирикмаларини кўчма маънода ишлатиш. Бунда гапирувчи ва эшитувчида 2 хил маъно - ўз ва кўчма маънолари пайдо бўлади. Тропларга метафора, метонимия, синекдоха, оксюморон, аллегория каби киради.

Нутқ шакллари – синтактик жараёнларнинг алоҳида шакли бўлиб, улар ёрдамида нутқнинг экспрессивлиги ва аниқлиги кучли бўлади. Нутқ шакллари: антитеза, парадокс, парафраз, грация, риторик савол, ҳис-ҳаяжон.

Матннинг риторик таҳлили.

У уч турда кечади:

- маъно тузилиши бўйича
- ғоялар жойлашуви бўйича
- риторик шакл (троп ва фигура) бўйича.

Ирония ва парадокс риторик восита сифатида. Қандай қилиб

ўткир зехнга эга бўлиш мумкин.

Ирония (киноя) – риторик троплар - метофора ва метонимия каби икки хил маънога, яъни тўғри ва кўчма маъноларга эга. Бундай маънолар ўйини кулгуни келтириб чиқаради.

- ҳазил
- юмор
- ўткирлик
- сарказм – кучли киноя

Ҳазил турлари:

- 1) ҳазил абстракт тушунчадан аниқликка ўтганда ҳосил бўлади, у тушунча билан мос келмайди.

- 2) нотўғри тушунилган вазиятлар
- 3) ўткирлик, бунда трагедияда комик нарсалар бор
- 4) олдиндан мўлжалланган кулгу ҳазил
 - агар ҳазил жиддийлик ортида бўлса – ирония
 - агар ҳазил ортида жиддийлик бўлса – юмор
 - ўз-ўзини киноя қилиш

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нутқ одоби нима?
2. Мулоқотнинг қандай услублари бор?
3. Нутқий этикет нима?
4. Риторика нима?
5. Риториканинг қандай қонунлари бор?
6. Риторика қоидалари нималардан иборат?
7. Мумтоз риторика қайси босқичлардан ташкил топади?

6-МАВЗУ: ТИЛ ВА НУТҚ. НУТҚ ОДОБИ. БАҲС. БАҲС ЮРИТИШ ОДОБИ.

Режа:

- 1. Тил алоқа қуроли сифатида.**
- 2. Тил ва нутқ ходисалари.**
- 3. Нутқ одоби – инсон маънавиятининг асосий мезони.**
- 4. Баҳсининг турлари.**

Давлат – бу мулоқот. Давлатни бошқариш риторик жараён сифатида. Давлат шакллари, риторик ўзаро муносабатлар. Сўзлашиш ҳуқуқи турлари сифатида.

Давлат нутқлари турлари (уларнинг мақсади, мазмуни ва турли жанрларда ифодаланиши) : мулоҳаза – мунозарали (*сиёсий, дипломатик, расмий*) нутқ; суддаги нутқ; тидейтик (*тантанали, байрамона, мақтовли*) нутқ.

Замонавий сиёсий нутқ жанрлари. Нотикликнинг турли кўринишларида диалог, маслаҳат, музокара, баҳс-мунозара, митингларда, интервью беришда ОАВ да баҳс ва б. самарали ҳаракатларда жойида фойдалана билиш талаблари.

Эвристика – баҳс санъати.

Диалектика – ҳақиқатни топа билиш санъати.

Софистика – сўз орқали бошқариш, таъсир этиш санъати.

Эристика мақсади – баҳсда ютиб чиқиш.

Диалектика мақсади – объектив ҳақиқатни излаш.

Софистика мақсади – далектикага амал қилган ҳолда, ҳар қандай усул билан бўлса ҳам ғалаба қилиш.

Баҳс юритиш.

Баҳс сабаблари ва вазиятлари.

Баҳс – жанжал – тўқнашув яратиш; Баҳс – дискуссия – (баҳс - мунозара)

Нутқдаги қочирмалар ва уларнинг тўғрилиги, ўринлилиги

Қочирмалар таснифи. Баҳс юритишнинг ман этилган усуллари ва уларни (бартараф этиш).

Ўтказиш риторикаси. Фидекстик келишувга эришишида риторик воситалар ва стратегиялар: идонтификацион формулалар; эпистемик сўзлар, хусусий (субъектив) фикрни умумий тан олинган ҳақиқат тарзида тасаввур этиш; хамрозликни билдиришда қатъийликни розиликни ифодалаш; адресатга мақтов; риторик савол ва риторик киноя; комплекслилик редукция ҳодисаси.

Ижтимоий фикр мобилизацияси ва иммобилизацияси стратегияси; сиёсий дискурс ва ОАВда ахборотни тақдим этишда ибора, ифода ва сўз маъноларидан фойдаланиш: “фикрдан олиб қочиш” усули (шиорий сўзлар, куруқ иборалар) тўғридан тўғри аташдан қочиш; фикр тўғрилигини яшириш.

Онгга таъсир этиш риторикаси. Риторик манипуляция белгилари.

Манипуляция орқали таъсир этувчи ижтимоий тузилмалар. Риторик вазиятлар хусусиятлари сиёсатчи имиджи муаммоси.

Кўп муоммоларини ечишда, ўз фикрини очиқ ойдин, ошкора равишда, кенг доиравий диологларда ва ўзаро уйғун ҳолда баён қилиш керак бўлади.

Хаётий масалаларни асосли ва унумли равишда муҳокама қилишда ўз қарашини исботли ва далили билан ўз оппонентини қарашидан устун қўймоқ уни фикрини ўзгартиришга, яъни уни ўз томонига оғдириш ундан полемик маҳоратини талаб қилади.

«Полемик маҳорат» нима деган тушунчани қуйидагича изохлаш мумкин. «Полемик маҳорат» ўзига баҳс ҳақидаги фанни, ошкора баҳсни, баҳс тушунчасини, уни турларини, баҳс маданияти асосий талабларини, қўйилган масала муҳакамасида химоя, оппонетнинг қарши чиқиш, полемик усуллардан фойдаланиш, рақибининг хийла-мақрига туриб беришини олади.

Баҳс тушунчаси нима? Бу саволга жавоб бериш учун ўзбек тилининг изохли луғатига мурожат қиламиз. Унда баҳснинг ҳамма тушунчалари ифодаланган:

1. *Илмий, адабий ва бошқа мавзуларда мунозара-тортишув, диспут*
2. *Ҳар ким ўзиникини маъқуллаш, талашув тортишув.*
3. *Фан ёки бирор илмий асарда маълум бир масалага оид қисм, бўлим, боб баҳси.*
4. *Бирор бир масала ҳақида гап, сўз, яъни баҳс очмоқ: 1) мунозара очмоқ; 2) сўз очмоқ, гап бошдамоқ*

Ўз фикрини ўтказиш учун тортишиш; ўзининг фикрини маъқуллаш. Умумий маъносига кўра, баҳс фикрлардаги қарама-қаршилиқни, бунда

бирликнинг йўқлигини англатади. Бахс тушунчаси карама - қарши фикрларнинг алмашинуви ҳамдир.

Баҳсдан ташқари шу ҳодисани англатадиган яна *дискуссия, диспут, полемика, дебатлар, тортишувлар* каби сўзлар бор ва улар бу сўзнинг синонимлари ҳисобланади.

Масалан: *дискуссия* – бу ошкора бахс, ҳар хил ҳодисани қиёслаш ва аниқлаш ва тўғри хулоса чиқаришни ўз ичига олади. Дискуссия ўз фикрини, ўз қарашини исбот қилишда самарали ҳисобланади. Чунки бунда қатнашувчилар у ёки бу хулосага келадилар.

Диспут сўзи латин тилидан олинган бўлиб, мулоҳазани англатади, у илмий ишлар, илмий тушунчаларни исботлашга хизмат қилади. Ҳозирда диспут бу маънода ишлатилмайди, у илмий ва ижтимоий жараёндаги долзарб бўлган ошкора бахсни билдиради.

Полемика сўзи эса бошқача тушунчани англатади. Бу сўз қадимий грекча сўз бўлиб «жанговарлик, зидлик» деган маънони англатади. Полемика – бу оддий бахс эмас, балки томонларни фикрларни, ғояларни, нутқларни зидлиги, карама-қаршилиги, шундан келиб чиққан ҳолда полемикани у ёки бу масала бўйича фикрни исботлаш усулида кураши, шу мақсадда кураши, тортишиши, ўзини фикрини, нуқтаи назарини маъқуллаши ва оппонент фикрини инкор этишдир.

Шу жиҳатдан *полемика дискуссия ва диспутдан* мақсадли йўналиши билан фарқ қилади. Диспут ва дискуссия қатнашчилари фикрларни қиёслаб, бир фикрга келишига, муаммонинг умумий ечимини топишга, ҳақиқатни ўрнатиш ёки аниқлашга ҳаракат қилади.

Поемиканинг мақсади - ўз фикрини ўзгартирмасдан ўз позициясидан чиқмасдан рақобатчи устидан ғалаба қозонишдир.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳақиқий илмий полемика фақат ғалаба қозониш учунгина эмас, балки самарали ижтимоий ўсишига тўсқинлик қилувчиларга қарши ҳам қаратилган бўлади.

Полемика бу ишонтириш ҳақидаги фандир. Янги қарашлар шаклланаётганда, инсон ҳақ ҳуқуқларни, умуминсоний бойликни химоя қилишда у фикрни жамлашга, ишончли бўлишга, ишонтиришга, енгиб бўлмас исбот ва илмий асослар беришга ўргатади.

Дебат сўзи француз сўзидан олинган бўлиб бахс муҳокамаси маъносини билдиради. Луғатда *дебат* - муҳокама, баъзи бир масалалар бўйича фикр алмашиниш баҳсидир дея изоҳланади. Тортишувлар русча *прения* сўзи таржимаси бўлиб, бахс, муҳокама маъноларини англатади. Тортишувлар баъзи бир масалаларнинг ошкора муҳокамаси, улар юзасидан олиб бориладиган бахс тури ҳисобланади.

Бахс таркиби

Бахс ўз мақсади, қатнашчилари сонига қараб белгиланадиган ижтимоий аҳамиятига эга. Шунга кўра, бахс турли хилдаги ўтказиш шаклларга эга.

Бахсининг мақсади.

Бизга маълумки, одамлар бахсга киришишдан олдин бир хил мақсадни ўз олдиларига қўймайдилар. Уларнинг мавзуси (асоси, сабаби) ҳам турлича бўлади.

Мақсадига кўра бахс куйидаги турларга бўлинади.

1. Ҳақиқат учун бахс (полемика).
2. Кимнидир ишонтириш учун бахс
3. Ғалаба учун бахс.
4. Бахс учун бахс.

Бундай бахс ҳақиқатни ўрганиш, баъзи бир фикр, ғояни текшириш учун хизмат қилади. Масаланинг тўғри ечимини топиш учун муаммоларни ҳар бир нуқтаи назаридан ўрганиб, солиштириб кўрилади. Асосий фикр ҳар хил таъсирлардан химоя қилинади, унга қарши билдириладиган эътирозлар кўриб чиқилади ёки, аксинча, бошқаларнинг барча фикрларига эътибор бералиди. Бундай бахсда далил-исботлар келтирилади, улар таҳлил қилинади, қарама-қарши томонлар пропорциялар баҳоланади, ҳақиқатни биргаликда аниқлашга хизмат қилинади. Бундай бахс билимдон, шу муаммони яхши биладиган, уни ечишга қизиққан одамлар орасида бўлиши мумкин.

Томонлар орасида бахслашиш жараёнида муаммоларни билмаган томонлари билан ҳам танишиш мумкин бўлади. Бахслашиш жараёнида кучли одам ўрни аниқ сезилади. Бахсининг мақсади тадқиқот ўтказиш эмас, балки ғалабадир.

Муаммонинг ижтимоий аҳамияти

Бахсининг хусусияти муаммонинг ижтимоий аҳамияти билан аниқланади. Бахсининг мавзуси бўйича умуминсоний қизиқишлар бўйича саволлар бўлиши мумкин. Булар жумласига экология муаммолари, инсониятнинг тирик қолиш масаласи, дунёда тинчликнинг сақланиши ва бошқалар киради.

Бахс давомида, миллий манфаатлар жамиятнинг ижтимоий қатламлари бўйича муаммолар ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Бахсда бирор бир ижтимоий гуруҳ, масалан оила, бир хил касбдаги одамлар, муассасалар, идоралар манфатлари химоя қилинади.

Бахсда иштирокчилар сони

Муаммоли саволларни муҳокама қилишда иштирокчиларнинг сони бахс ўтказишга таъсир қилади.

Шунга кўра, бахсларнинг 3 та асосий гуруҳини фарқлаш мумкин:

1. бахс-монолог (одам ўз ўзи билан бахслашади. Бу ички бахслашув)
2. бахс- диолог (икки киши иштирокида)
3. бахс- полилог (бахсда бир неча ёки кўпчилик иштирок этгани учун қийинроқ кечади).

Бахс ўтказиш меъёри

Бахс оғзаки ёки ёзма равишда олиб борилиши мумкин. Оғзакида бахслашаётганлар юзма-юз туриб мулоқотда бўладилар. Ёзма шаклда эса – иштирокчилар бир-бирини кўриш имкониятига эга бўлмайди. Оғзаки бахсларда вақт чегараланган бўлади: улар дарс пайтларда, лекцияларда,

мажлисларда, ҳар хил йиғилишларда ўтказилади. Ёзма равишда вақт чегараланмайди. Тингловчилар иштирокидаги оғзаки баҳсда айниқса ташқи ва психологик жиҳатлар асосий ўринда туради. Бунла ўзини бошқариш, тезкорлик, фикрлар теранлиги, ақлнинг ўткирлиги катта аҳамият касб этади. Уятчан, истиҳола қилувчи одам келтириб ўтилган хусусиятлари бор одамга ютказиб қўяди. Шунинг учун ёзма баҳс ҳақиқатни аниқлаш учун яроқлироқ ҳисобланади. Лекин уни ҳам камчилик томонлари бор. Чунки ёзма баҳс жуда узоқ вақт давом этади, баъзан эса кўп йиллар ҳам давом этиши мумкин.

Ташкилий ва ноташкилий баҳс.

Ташкилий баҳслар олдиндан режалаштириб ва тайёргарлик кўрилиб, етакчи мутахасислар иштирокида ўтказилади. Бундай баҳсларда полемистлар олдиндан баҳснинг мавзуси билан танишиши, ундаги ўзларининг позицияларини аниқлаши, керакли далилларни тўплаши, оппонентлар инкор қилишлари мумкин бўлган жавобларга тайёр туришлари керак. Баҳс кутилмаганда рўй бериши мумкин. Бундай ҳоллар ўқув жараёнида, мажлис, йиғилишлар, конференциялар ҳамда турмушдаги мулоқотда кўп учрайди.

Ташкилий бўлмаган баҳс кутилмаганда рўй бергани учун ҳам кам махсуллидир.

Бундай баҳслар ва чиқишларда далиллар кам, қатнашчилар исботсиз далиллардан фойдаланганликлари сабабли маълумотлар етарлича ишланмаган бўлади.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Тил қандай ҳодиса?
2. Нутқнинг қандай турлари мавжуд?
3. Баҳс тушунчаси нима?
4. Онгга таъсир этиш риторикаси нима?
5. Баҳснинг қандай турларини биласиз?

7-МАВЗУ: МАДАНИЙ НУТҚНИНГ АСОСИЙ КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИ

Режа:

1. Нутқнинг тўғрилиги ва аниқлиги.
2. Нутқнинг мантиқийлиги ва софлиги.
3. Нутқнинг жўялиги.
4. Нутқнинг ифодалилиги.
5. Нутқнинг бойлиги ва таъсирчанлиги.

Нутқ маданиятида коммуникативлик тўғри ва мазмунли нутқ туза олиш билан боғлиқ. Бу хусусдаги дастлабки қарашлар Аристотелга

тегишли. У нотиқликни санъат сифатида тан олган ҳолда, аввал яратилган назария ва кузатувларини умумлаштириб нутқ сифатлари ҳақидаги таълимотни яратди. Мазкур таълимот асосан тушунарлилик принципига таянади. “Сўз орқали ифодаланишдаги энг асосий ютуқ бу – тушунарли бўла олишлиқдир”, дея таъкидлайди Аристотель “Поэтика” асарида. У яна шуни ҳам эътироф этадики, яхши нутқдаги зарур сифатлар – тўғрилиқ, аниқлик, ўринлилик, ҳаммабоплиқ, қулоққа ёқимлилик, софлик кабилар айнан тушунарлиликка бўйсунди ва унинг максимал даражада намоён бўлишига олиб келади.

Кейинчалик унинг фикрлари Қадимги Римда ҳам ривожлантирилди. Римликлар фикрига кўра, яхши нутқ қисқа, нафис, равон, ишончли, кўтаринки, тантанавор, кенг кўламли, ёрқин, жонли, илиқ, содда, ҳаққоний бўлиши керак. Барча антик дунё мутафаккирлари томонидан тушунарлилик, тўғрилиқ, ўринлилик, софлик, аниқлик ва нафислик сифатлари яхши нутқнинг асосий белгилари дея тан олинган.

Нутқнинг шакл-шамойили ва мазмун мутаносиблиги негизида намоён бўлувчи тушунарлилик сифати ушбу тадқиқот учун ҳам асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Яхши нутққа хос бундай сифатлар XV- XVII асрларда яратилган нотиқлик санъатига оид асарларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Россияда 1620 йили пайдо бўлган “Риторика”да нутқнинг софлиги, гўзаллиги, аниқлиги, тушунарлилиги эътироф этилган бўлса, Пётр I даврида тушунарлилик, одоб доирасидан чиқмаслик, гўзаллик, безатилганлик, тасвирий, бадий безаклардан оқилона фойдаланиш, равонлик, уйғунлик, мантиқийлик кабилар қайд этилган. Кейинчалик ушбу соҳадаги қарашлар М. В. Ломоносов томонидан бойитилган.

1980 йилда Б. И. Головиннинг “Нутқ маданияти асослари” курси бўйича яратган ўқув қўлланмасида яхши нутққа хос сифатлар тўла баён этилган. Олимнинг таъкидлашича, “нутқни қуриш ва уни англаш жараёнида муайян коммуникатив вазифалар ҳал қилинади ва у билан боғлиқ бўлган ташқи структуралар билан мутаносиблик касб этади”.

Нутқнинг коммуникатив белги, сифатлари нутққа тааллуқсиз таркибий қисмларга мос ва хос бўлиб, улар мулоқот жараёнини енгиллаштиради. Ҳар қандай нутққа хос коммуникатив белги Б. Н. Головин томонидан коммуникатив актнинг бирор-бир компоненти билан ўзаро боғлиқлиги орқали асослаб берилган. Масалан, “нутқ – адресат” мутаносиблиги нутқнинг ҳаммабоплиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. “Нутқ – мулоқот шароитлари” муносабатлари асосида ўринлилик сифати намоён бўлади. “Нутқ – тафаккур”, “нутқ – борлиқ” мутаносиблиги нутқнинг аниқлиги ва мантиқийлигини англаш имконини беради. “Нутқ – онг” боғлиқлиги ифодалилик, образлилик, ўринлилик, таъсирчанлик каби нутқнинг коммуникатив белгиларини тушунишга кўмаклашади.

“Нутқ ва адабий тил” муносабатлари нутқнинг софлиги ҳақида фикр юритиш имконини яратади. Нутқнинг унга оид бўлмаган тушунчалар билан мазкур муносабатларни В. Н. Головин “коммуникатив босқичлар” дан иборат тизимга бирлаштиради. Нутқнинг нутққа тегишли бўлмаган

компонентлар билан муносабатларидаги бузилишлар ҳар қандай коммуникатив босқичдаги нутқ сифатининг бузилишига олиб келади.

В.Н.Головин таълимотида нутқнинг коммуникатив сифатлари системасини тўғрилиқ, аниқлиқ, мантиқийлиқ, ифодалилиқ, образлилиқ, софлиқ, ўринлилиқ, тушунарлилиқ, ҳаммабоплиқ ва таъсирчанлиқ ташкил қилади. Головиннинг фикрича, тўғрилиқ бу – шундай коммуникатив белгики, “усиз бошқаларини ишга солиб бўлмайди”.

В.Н.Головин таълимотининг энг кучли томони шундаки, унда замонавий талаб – коммуникативлиқ ўз аксини топган. Бироқ айрим тадқиқотчилар унинг заиф томонлари сифатида тил эгасининг махсус лисоний билимини кундалиқ нутқ амалиётидан узилганлигида, дея таъкидлайдилар.

Коммуникатив сифатларнинг мазмуни ҳам охиригича ойдинлашмаган. В. Н. Головиннинг фикрича, содда тилда гапириш бу – аниқ, тушунарли ва ҳаққоний равишда гапиришдир.

Р.Қўнғуров ва Э. Бегматов нутқнинг коммуникатив сифатлари каторида: нутқнинг тўғрилиги, тозаллиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, образлилиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳолатларини кўрсатиб ўтадилар.

“Нутқнинг ҳар қандай сифати унинг бирор-бир жанр ҳамда услубдаги матн ва нутқнинг самарадорлигини қанчалиқ (ижобий ёки салбий) таъсир қилиши орқали аниқланадиган нутқнинг нотўғри ёки камчилиги сифатида баҳоланади» дея таъкидлайди.

Нутқнинг тўғрилиги. Тўғри нутқ бу – замонавий адабий тил меъёрларига амал қилишдир.

В. Г. Костомаровнинг фикрича, нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шарт сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган меъёрига қатъий ва аниқ мувофиқ келиши, унинг талаффуз, имловий, луғавий ва грамматик меъёрларини эгаллашни тушуниш лозим.

Нутқнинг тўғрилиги ҳақида Э. Бегматов шундай ёзади: “Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқдир”. У адабий тилнинг фонетик-орфоэпик меъёри нуқтаи назаридан тўғрилиқнинг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтади:

талаффуз маданияти (тил материалларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш билан боғлиқ);

луғавий маданият (сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари ҳамда синоним, омоним ва антоним, пароним, чегараланган лексика ва бошқаларнинг маъно кирраларини тўла англаган ҳолда нутқда қўллай олиш);

3) нутқни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш (тилда морфологик ва синтактик чалкашликлардан холи бўлиш).

Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг – сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди.

Тўғрилиқ аниқлик ва мантиқийлик билан боғлиқдир. Тушунарлилик нутқнинг асосий коммуникатив сифатларидан бири эканлиги фан томонидан ҳам тан олинган.

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик нутқнинг асосий сифатларидан биридир. Б. Н. Головин: “Аниқликни “нутқ – воқелик” ва “нутқ – тафаккур” муносабати асосида белгилаш мумкин”лиги ҳақида ёзади.

А. А. Ивин “аниқ” ёки “ноаниқ” хусусиятлари нутқнинг шаклини эмас, балки мазмунини баҳоловчи омиллардир деб изоҳлайди. Фикрни аниқ ифодалаш мақсади коммуникациянинг ўзига хос тури бўлиши фақат илмий эмас, балки барча мулоқот турларида кузатилади.

Э. Бегматов аниқликнинг бузилишига олиб келувчи қуйидаги ҳолатларни кўрсатади:

- 1) сўз маъносига етарли эътибор бермаслик;
- 2) паронимлар маъносини билмаслик;
- 3) мантиқий жиҳатдан воқеликка зид бўлган тушунча ифодаловчи сўзларни ёнма-ён ишлатиш;
- 4) нутқда бирор сўзни ўз ўрнига қўйиб гап туза олмаслик ҳамда сўз тартибини бузиб ишлатиш;
- 5) сўзнинг ноўрин танланиши.

Аниқлик нутқнинг тушунарли шаклланишига замин яратади. Тушунарлилик ва аниқлик белгилари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу сифатлар мантиқан ҳам, коммуникатив жиҳатдан ҳам ўзаро тенг эмас. А. А. Ивин ўзининг “Риторика ишонтара олиш санъати” номли асарида аниқлик ва ноаниқликни бир-биридан қуйидагича фарқлайди: сўзнинг кўп - маънолилиги мазмуннинг ноаниқлигидан, унинг кўп соҳаларда қўлланилишидан далолат беради. Бу нарсга моҳиятига кўра қамров ноаниқлигини билдиради. Аниқлик бу – сўзнинг кўпчилиқ томонидан қабул қилинган маъноси ҳамда унинг нутқда қўлланиши билан мувофиқ келишидир. Аниқлик нутқнинг хусусияти сифатида, энг аввало, тил системасидаги луғавий даража билан боғланади.

Интеллектуал жиҳатдан тенг бўлган коммуникатив вазиятда, масалан, ўқув-илмий мулоқот вазиятида, адресантнинг адресатдан ақлий қобилияти устун келганда аниқ ахборот ҳам, нутқ ҳам тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

Нутқ эгаси ахборот қабул қилувчининг лаёқатини ҳисобга олиши нутқ мазмунини тўғри танлаб олишга ёрдам беради.

Ҳар қандай матннинг муҳим коммуникатив сифатларидан яна бири, бу – мантиқийликдир. Нутқнинг мантиқийлиги аниқлик ва тўғрилиқ билан чамбарчас боғлиқ. Мантиқийлик фақат лингвистик ҳодиса саналмай, балки экстралингвистик ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлади. Бунда нотикдан тилни яхши билишгина эмас, ўзи мулоҳаза юритаётган мавзу атрофида кенг билимга эга бўлиш ҳам талаб қилинади.

Мантиқ қонунларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, аниқлик, зидсизлик, асослилиқ мантиқий тўғри нутқнинг асосий

белгилари ҳисобланади. Мантиқийлик хусусияти худди аниқлик каби нутқнинг мазмунини белгилайди.

Аниқлик нутқ семантикасининг матн мазмуни билан мутаносиблиги сифатида талқин этилса, мантиқийлик нутқий семантиканинг таркибини англатади. “Ушбу хусусият орқали нутқдаги тил бирликларининг мазмунли боғланиши мантиқ қонунларига мувофиқлиги жиҳатидан баҳоланади”.

Мантиқан тўғри нутқ фикр таркибини тўғри моделлаштириш орқали аниқликка эришишга ёрдам беради. Бундай вазиятда баён мантиқий фикрлашнинг давоми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мантиққа риоя қилиш ёки унинг бузилиши адресатнинг нутқни тушунишига таъсир этади. Баён мантиқийлиги матндаги лавҳаларнинг шундай кетма-кетлигини билдирадики, бунда адресат матннинг яхлит мантиқийлигини эмас, қисмлар мазмунини, уларнинг матндаги ўрнини англаб олишга ҳам имкон беради.

Б.Н. Головин мантиқийликни икки гуруҳга – нарса ва тушунча мантиқийлигига бўлади. Нарса мантиқийлиги нутқдаги тил унсурлари билан реал воқеликдаги нарса–ҳодисаларнинг мазмуний алоқаси ҳамда муносабатидир. Тушунча мантиқийлиги эса нутқда мантиқий тафаккур қурилишини ва унинг тил унсурлари маънавий алоқадорлигида ривожланишнинг акс этишидир.

Матндаги фикрлар кетма-кетлиги, мантиқий изчиллик тушунча мантиқийлигини таъминлайди. Матндаги бошланмалар ўртасида ҳам мантиқий боғланиш бўлиши керак.

Э. Бегматов орфография, орфоэпия, пунктуация нутқ мантиқийлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ёзади ва нутқдаги барча сўзлар ҳам ўзаро мантиқий муносабатга киришиб, сўз бирикмасини ҳосил қила олмайди деб таъкидлайди.

Нутқнинг мантиқийлиги деганда яхлит бир система асосида тузилган, фикрлар ривожини изчил бўлган, ҳар бир сўз, иборанинг аниқ мақсадга мувофиқ келиши тушунилади.

Шундай қилиб, мантиқийлик аниқлик каби матн тўғрилиги ва кимга қаратилганига қараб тушунарлиликка эришишга ёрдам беради. Адресат ва адресантнинг турли интеллектуал даража ва турлича фикрлашида ҳам мантиқийлик тақазо этилади.

Ифодалилиқ – “нутқнинг интеграл хусусияти”.

Биз ҳам, ифодалилиқ деганда нутқ муаллифининг ўзига хос индивидуаллигини коммуникатив мақсадда намоён этишдаги самарадорликни тушунами.

Нутқдаги ифодалилиқ масаласи мунозарали бўлиб кўп баҳсга сабаб бўлган. Экспрессивлик публицистик услубнинг асосий белгиларига, мантиқийликка зид келади. Шундай бўлса-да, публицистик нутқдаги ифодалилиқ ўзига хос бўлиб, бунда ахборотга эмоционал муносабат билдирибгина қолмай матннинг ўзига ҳам, адресатга эмоционал таъсир кўрсата олиши ҳам назарда тутилади.

М. Н. Кожина буни “интеллектуал экспрессивлик” деб ҳам атайди. Нутқдаги ифодалилиқ мезонлари аниқлиқ, мантиқийлиқ мезонлари билан боғлиқ ва уларни ўзида бирлаштирган бўлади. Бу билан нутқдаги аниқликка эришишини осонлаштиради.

Образли фикрлаш орқали юзага келувчи образли нутқни ўз ичига олган ифодалилиқ фан соҳасида билиш, ўрганишга хизмат қилади. Масалан, илмий нутқдаги образлилиқ схематиклиги, типиклиги ва умумлаштирувчан, мавҳумлиги билан ажралиб туради.

Образлилиқ нутқни безаш учун эмас, балки тадқиқ этилаётган ходисаларнинг моҳиятини очиш воситаси сифатида хизмат қилади. Барча образли воситалар ичида илмий нутққа хос бўлган ўхшатиш кўп учрайди ва у мантиқий фикрлаш шаклларида бири сифатида намоён бўлади. Уларнинг аниқлиги нутқ аниқлигини кучайтиради.

Нутқда метафора ҳам кенг қўлланилади. Бундай тил воситалари бадиий нутқдаги метафоралардан фарқи кўпёқлама эмас, балки икки ёқлама хусусиятга эга. Истиоралар кишининг турли индивид ва объектлар ўртасидаги ўхшатишларни пайқаш, яратиш талабига жавоб беради.

Ифодалилиқ ўз ичига тилнинг тасвирий воситалари, фразеологизмлардан фойдаланишни камрайди. Бундан ташқари журналист матнида прецендент матнлардан фойдаланиш ҳам матн ифодалилигини кучайтиради. Тилнинг тасвирий воситалари матннинг эстетик руҳини ошириши билан бирга, эмоционалликни ҳам кучайтиради. Унга муҳим безаклар берувчи троп ҳамда фигураларнинг қўлланиши нутқ риторик кучининг қай даражада эканини кўрсатиб туради.

Ифодалилиқ матннинг диалогли шакллари билан ҳам мувофиқ келади. Диалоглилиқни ифодаловчи тил воситаларини билиш ва улардан амалда фойдаланиш матнни, имкони борида адекват тушунишга ёрдам беради. Интонация ҳам нутққа ифодалилиқ бағишлайди.

Нутқнинг софлиги – унинг ноёб, қадрли хусусиятларидандир. Тил ва нутқ бузилишлари лингвоэкология соҳасида чуқур ўрганилмоқда. Барча нутқ сифатларига амал қилиниши ҳам нутқнинг софлигини таъминлайди.

Нутқнинг тозалиги, бу – тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир. Маданий нутқнинг софлиги фонетик, орфоэпик жиҳатдан сўз ва қўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади. Нутқнинг софлиги луғавий томондан шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, қўпол маъноли сўзларни ва жаргон, арголарга хос омма учун тушунарсиз лексикани ҳамда нутқда эҳтиёжсиз ишлатилувчи “бекорчи” сўзларни қўлламаслик билан характерланади.

Нутқнинг асосий хусусиятларидан яна бири бу – ўринлилиқдир. Антик дунё нотиклари буни энг муҳим нутқ хусусиятларидан деб таърифлаганлар.

В.А. Головиннинг фикрича, нутқнинг ўринлилигига таянилса, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги кераксиз бўлиб қолади. Ўринлилиқ “яхши нутқ”ни ташкил қилувчи тушунчаларни кучайтиради ёки сусайтиради.

Агар нутқнинг лисоний таркиби коммуникатив жараённинг жойи, вақти, жанри ва вазифалари билан мувофиқлаштирилган бўлса, у ҳолда нутқни ўринли деб тан олиш мумкин.

Нутқнинг ўринлилиги, бу – унинг шундай функционал хусусияти, у асосда айтиладиган фикр-мулоҳаза коммуникатив мақсадга йўналтирилган ғояси бўлади. Тил воситаларининг фикр-мулоҳаза мақсадига мувофиқлиги сифатида талқин этилади. Шу туфайли ўринлилик турли нуктаи назардан баҳоланиши мумкин. Шунинг учун услубий, контекстуал, вазиятли ва шахсий-психологик ўринлилик фарқланади. Нутқнинг ўринлилиги коммуникатив ҳодисани яхлит қабул қилишни тақозо этади. Вазият ва шахснинг руҳий ҳолатлари билан боғлиқ ўринлилик аниқлик билан боғлиқ: ноаниқлик ўринсизлик, демакдир.

Нутқнинг коммуникатив сифатларини жуфт тарзда ўрганиш улар ўртасидаги боғланишларнинг турлича экани ҳақида хулоса чиқаришга ундайди. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, софлиги, ўринлилиги каби хусусиятлар аниқлик ва тушунарлилиikka эришишнинг асосий шартидир.

Бу хусусиятлар бир-бири билан уйғунлашганда тушунарлилик кучаяди. (Масалан, нутқнинг нотўғрилиги бошқа хусусиятларнинг бузилишига олиб келади, ифодалилик аниқлик ва мантиқийликни бирлаштиради, ўринлилик эса нутқ вазиятидаги коммуникатив сифатларнинг мазмунини белгилайди. Ушбу сифатлар нутқнинг тушунарлилиги билан икки ёқлама боғланади. Чунончи, нутқнинг аниқлиги унинг тушунарлилигини белгиласа, унинг тушунарлилиги аниқлилигидан келиб чиқади; вазият ва шахсий-руҳий ҳолатининг ўринлилиги тушунарлилик орқали аниқланади).

Турли коммуникатив вазият ва ҳолатда ушбу система элементларининг турли тарзда намоён бўлиши нутқнинг тушунарли ёки, аксинча, тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Одатда, яхши нутқ ёзаётган, сўзлаётган ва мулоқот қилаётган кишининг нутқ маданияти юқори даражада эканини билдиради. Турли интеллектуал таълим даражасига эга коммуникантларни умумий асосда бирлаштирувчи коммуникатив хусусият, бу – сўзловчи нутқининг тўғрилигидир.

Нутқнинг тўғрилиги. Тўғри нутқ бу – замонавий адабий тил меъёрларига амал қилишдир. “Тўғрилиқ деганда, - деб ёзади В.Г.Костомаров, - нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган меъёрига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий ва грамматик меъёрларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади”.

Нутқ тўғри бўлиши учун , асосан икки меъёрга – урғу ва грамматик меъёрга қатъий амал қилиш талаб этилади. Чунки сўзлардаги урғунинг кўчиши билан маъно ҳам ўзгариб кетиши мумкин.

Нутқ маданиятининг бошқа сифатлари:

Нутқнинг аниқлиги унинг энг мухим сифатларидан бири хисобланади. Нутқ аниқлиги 2 хил бўлади.

- Предмет аниқлиги
- Тушунча аниқлиги

Предмет аниқлиги нутқ билан воқелик орасидаги алоқага асосланади. Нотик нутқ сўзлар экан, нутқ предметини аниқ билиши керак: бу предметнинг барча белгиларини, турли туманлигини, қайси предметнинг қайсиси билан алоқаси борлигини яхши билиши керак. А.Қаххор Маъруф Хакимнинг «Қахрамоннинг ўлими» хикоясини тахлили қилар экан, шундай парчани келтиради: «Ботир белига қатор бешта бомба қистириб, ... қўлида бомба ушлаган холда кўчага югурди». Бу парчадан кўриниб турибдики муаллиф бомба билан гранатани фарқламайди. Биттагина ноаниқ нарса баадий асарнинг қимматини тушириб юборади. Хар бир ўқитувчи ўзи тушунтирадиган фанини, хар бир журналист ўзи ёзаётган мақоласини, олим ўзи қилаётган тадқиқотини предметини аниқ билиши керак.

Л.Н. Толстой шундай деган эди: «Сўз – фикр ифодасидир. Сўз ифодаланаётган фикрга мутаносиб бўлиши керак. «Шундай сўзлашиш керакки, хар бир фикрда ифодасидан сунг одамларда аниқ тасаввур қолсин».

Тушунча аниқлиги синонимлар, кўп маъноли сўзлар, ибораларнинг хар бир маъно қирраларини яхши тасаввур қилиш билан чамбарчас боғлиқ холда намоён бўлади.

Нутқнинг аниқлиги сифати таъминланиши учун қуйидаги шартлар булиши керак:

- 1) нутқ предметини яхши билиш. Бу экстралингвистик омил бўлиб, хар бир журналист ёзадиган мақоласида нутқ предмети хақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.
- 2) тил тизимини яхши билиш. Бунда грамматик, лексик, фонетик, стилистик меъёрларга амал қилгин холда хабар етказиш.
- 3) мустахкам нутқий кўникмалар. Нутқий кўникмаларга доимо эга бўлиб бориш талаб этилади.

Нутқнинг ифодалилиги

Ифодалилиқ – бу тингловчида ёки ўқувчида эътиборни, қизиқишни мунтазам ушлаб турадиган нутқ сифатидир. Ифодалилиқнинг турли кўринишлари мавжуд.

Булар албатта турли мулоқатларда қўлланилади. Албатта булардан ўринли вазиятларда фойдаланиш керак.

Ифодалик асослари қуйидагилар:

- Мулоқот вазияти

Педагог нутқининг ифодалилиги сиёсий нотикниқидан фарқланади. Дипломат, судья, адвокат нутқлариининг ифодалилиги.

- Тилнинг тузилиш томони.

Бунда талаффуз, сўз, морфологик, синтактик интанацион ва услубий ифодалик тушунилади. Демак, ифодалилиқ тил сатхларининг бирликлари орқали намоён бўлади.

Нутқнинг ифодалилигини таъминлайдиган шартлар:

1. Тафаккур, фикрлаш мустақиллиги.
2. Нутқ малакаларини системали ва онгли равишда ривожлантириб бориш.
3. Айтилаётган нутққа бефарқ бўлмаслик.
4. Тилнинг имкониятларини яхши билиш.
5. Ифодалиликка рухий установка бериш: ифодалиликни таъминлайдиган воситалар – бу сўзлар, алоҳида товушлар ва интонациядир.

Нутқнинг мантиқийлиги

Мантииқийлик тўғрилиқ ва аниқлик билан бирга умумийликка эга, чунки грамматик жихатдан бузилган, фикрни нотўғри берадиган луғавий бирлик ҳам мантииқийликни бузилишига олиб келади. Масалан, мактаб томонга кетди бирикмасида томонга сўзи ишлатилмаса, мактаб кетди сўзи мантииқсиз бўлиб қолади. Мажлисни ўтказдик бирикмасидаги ўтказдик сўзидаги тушунча аниқликни билмаслик ҳам мантииқийликни бузилишига олиб келади.

Мантииқийлик ҳам 2 хил бўлади:

1. Предмет ва нарса мантииқийлиги; 2. Тушунча мантииқийлиги.

Нарса мантииқийлиги дейилганда, воқеаликдаги нарсалар ва ходисалар билан тил бирликлари орқаси ифодалиликнинг мослигидир. Воқеаликда нарса ва ходисалар ўзаро мантииқий алоқада бўлади. Ана шу алоқадорлик тил элементлари орқали аниқ кўрсатилиши лозим. Лекин эртакларда, бадиий фантастикада ва бошқа бадиий ижодда бу хусусият бузилиши мумкин: ўликнинг тирилиши, ошнинг учиши, хар хил сеҳрли ҳаракатлар каби.

Тушунча мантииқийлиги – бу тил элементлари орқали бирор фикрнинг мантииқли давом эттирилишидир. М: энди куйлар ва рақслар тинглаб дам олинг (радиодан) жумласида тушунча мантииқийлиги бузилган.

Нотўғри таржималар ҳам нутқ мантииқийлигини бузади: Эркак пайпоқлар нархи 10 фоиз арзонлаштирилди. («мужские носки» нинг таржимаси).

Нутқнинг софлиги

Бунда нутқнинг адабий меъёрга мос келиши тушунилади. Нутқнинг софлилига ҳалакит берадиган унсурлар: диалектизм, варваризм, вульгаризм, канцеляризм ва жаргонлардир. Шу билан бир қаторда ўринсиз қўлланадиган чет сўз ва сўз бирикмаларининг ишлатилишини ва нутқда ортиқча такрорланадиган «паразит» сўзларни келтириш мумкин. Шевага хос сўзлар ўз ўрнида ишлатилмаса, нутқнинг софлиги бузилади. Ҳозирги пайтларда радио телевидениеда журналистларнинг нутқларида шевада гапиришлари кузатилиб турилади, қўпол сўзлар ишлатилиши: так, хўш иннайкигин, деме, яъни кабилар. Бошқа тил сўзларидан ишлатиш: вообще, проблема ем - хашак масаласи, тема, стил ... в х.к.

Нутқнинг ўринлилиги (жўялилиги)

Ўринлилиқ нутқнинг шундай сифатики, унда нутқ мулоқотнинг барча шартларига ва мақсадларига тўғри келади. Ўринли нутқ суҳбат мавзусига

мос келади, унинг мантииқий ва хиссий мазмунига, тингловчилар, таркибига, хабар бериш вазифасига, тарбиявий, эстетик талабларга жавоб беради.

Ўринлилик шундай хусусиятки, агар у бўлмаса, аниқлик, мантииқийлик каби нутқ хусусиятларининг ҳам ўринлилигини йўқотади.

Ўринлилик – вазифадош сифат бўлиб, унинг асосида нутқнинг мақсадга мувофиқлилиги ётади, демак, ўринлилик тил воситаларининг нутқ мақсадига мослиги демакдир.

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан холда, нутқ ўринлилигини куйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Услубий ўринлилик
2. Контекстуал ўринлилик
3. Вазиятга кўра ўринлилик
4. Шахсий-психологик ўринлилик.

Нутқнинг бойлиги ва ранг- баранглиги

Нутқнинг бойлиги деганда, унда баҳо берувчи сўз ва ибораларнинг ишлатилиши тушунилади. Баҳо берувчи сўзлар: бадий тасвир воситалари, иборалар, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, бадий асарлардан келтириладиган парчалар кабилардир.

Нутқнинг бойлиги деганда, дастлабки фикр шундан иборатки, нутқ майдонида турли туман маъноларни англатувчи тил бирликларининг қанчалик кўп ишлатилиши тушунилади. Нутқда такрорланмайдиган сўз ва иборалар қанча кўп бўлса, у бой нутқ, оз бўлса, камбағал нутқ ҳисобланади.

Нутқ бойлигини кўринишлари

1. Лексик – сўз бойлиги
2. Семантик сўз бойлиги

Лексик сўз бойлик ўқимишли замонавий шахсда 10-12 минг сўзни ташкил этади. Пушкиннинг сўз бойлиги 21000 бирликлардан иборат.

Семантик бойлик деганда, бир сўзни бошқа сўзар билан боғлай олиш махорати тушунилади. М: дала маликаси, ўрмон маликаси, қизларининг маликаси, қалбим маликаси, гуруҳ маликаси, ва х.к. 5 та ҳар хил сўз билан бирика олиш имконияти номоён бўлмоқда.

Нутқнинг таъсирчанлиги.

Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,

Сўз бирла чиқар индан илон – мурдор ҳам. (Абу Шукр Балхий)

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади. Шунга кўра нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазият ҳам эътиборга олинади. Б.Н.Головин айтганидек, таъсирчан нутқ тингловчи ва ўқувчининг эътиборини ва қизиқишини ҳисобга оладиган нутқдир.

Нутқнинг таъсирчанлигига эришшда тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ўхшатиш, эпитет, такрор ва адабий кўчимларнинг ҳам роли каттадир. Булардан ташқари нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақол, матал, ҳикматли сўз ва

иборалардан, айниқса, фразеологизмлардан унумли фойдаланиш зарур. Ёзувчи А.Қаҳҳор ўз ҳикояларида эпиграф сифатида берилган мақоллар орқали ўқувчилар диққатини дарҳол эгаллайди. «Осмон йироқ – ер қаттиқ» («Бемор» ҳикоясида), «Отнинг ўлими – итнинг байрами» («Ўғри» ҳикоясида) ва бошқалар.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нутқнинг коммуникатив сифатлари нима?
2. Нутқнинг тўғрилиги нутқ маданияти учун қандай аҳамиятга эга?
3. Қандай нутқни аниқ нутқ деймиз ва унга қандай эришилади?
4. Нутқнинг мантикийлиги нима ва у нимага асосланади?
5. Таъсирчанлик нима?
6. Нутқнинг бойлиги деганда нима тушунилади?
7. Нутқнинг софлигига нималар таъсир қилади?
8. Қандай нутқни ўринли (жўяли) дейилади?

8-МАВЗУ: ПРОФЕССИОНАЛ НУТҚ ВА УНИНГ ТАСВИРИЙ ТЕХНИКАСИ. УМУМИЙ РИТОРИКА ПРЕДМЕТИ. РИТОРИКАДА (НОТИҚ) ОБРАЗ ВА СЎЗЛОВЧИ ШАХСИ

Режа:

1. Нотиқнинг ўзини тутиши йўналишлари.
2. Нотиқ чиқиши усуллари.
3. Манбалар билан ишлаш.
4. Интонация машқи - тиниш белгиларини тўғри қўйиш
5. Янги ўзлаштирилган тил воситаларини кўзда тутган ҳолда ўқувчиларни нутқини такомиллаштириш.
6. Оғзаки ва ёзма нутқ техникаси.
7. Нотиқнинг овози, талаффузи, дикцияси.

Оғзаки суҳбат, назарий манбалар билан ишлаш: монография, ҳужжатлар - адабиёт билан биринчи бор танишганда, матнни танқидларсиз ўқиш лозим.

- максимал фойда билан ўқиш, бунда адабиётни баҳолаш
- кўпроқ ўқиш, билимга эга бўлиш.
- цитатлардан унумли фойдаланиш, очик цитата бир хил нуқтадан қочишга ва чарчоқни ташлашга ёрдам беради.

Цитаталардан фойдаланганда, аниқ ва тушунунарлилардан фойдаланиш.

- 1) матнни текшириш.
 - 2) матн ёзишнинг турлари:
- бутун матн ёзилади;

- қисқа режа ёзилади.
- ҳеч қандай матнни ёзмаслик.

Матнни текшириш матиннинг композицион мантикий тузилиши билан таништиради. Улардан юзаки фойдаланиши мантикнинг бузулишига олиб келади.

Матннинг шакл ясовчи хусусиятлари.

- бўлиниши – матннинг маъноли бўлакларга бўлиниши хусусияти бунини эшитишинини ҳал қилади;
- матиннинг тўғри чизиқлиги – унинг ташкил этувчиларинини вақтида очиб бериш;
- боғланганлик – алоҳида фикрларнинг умумий маъноси бўйича боғланиши.

Матннинг мантикий – композицион етишмовчиликлари: композицион бўшлиқ – паст информация билан таъминлаш, маънонинг паст даражаси.

- жуда кенг доирадаги муаммони ўраб олишга интилиш бу ифоданинг юзакилигига олиб келади.
- белгиланган вақтдан тўғри фойдаланмаслик.
- аудитория мақсадига тўғри келадиган материаллар ташкил этишини билмаслик.
- фикр ифодасинини етарли бўлмаган давомийлиги мантикий кўприкнинг йўқлиги.

1. чиқиш усуллари:

- матн нутқинини ўқиш.
- алоҳида материалларни ўқиб, хотира бўйича матнни шакллантириш.

Шундай нутқлар бўладики, улардан чекиниб бўлмайди, булар: дипломатик нутқ, тантанали нутқ ва расмий маънодаги маърузалар.

Агар чиқиш матнинини унутсангиз нима қилиш керак?

- охириги жумланинг охириги сўзинини бошқа ифоданинг бошига айлантиришни билиш.
- асосий маънога эга бўлган ифодани яратиш
- матнни эслашда 3 усул бор: тассавур, қайтариш, эътибор:
тассавур – ўқилган матндан кучли тассавур қолдириш;
қайтариш- эсга солгандан сўнг 8 соатдан сўнг материални қайтариш;
эътибор – бизга яқин бўлган эътибор билан боғлаш.

Чиқиш қилиш режиссёрлиги.

1. Нутқ техникаси: фонацион нафас, овоз, дикция, интонация.
2. Фонетик маданият.
3. мулоқатнинг новербал воситалари: мимика, ишора, шакл.

Нотиклик чиқишларнинг услуби.

4. Нотикнинг психофизик тайёргарлиги. Нотиклик кўркуви. Стресс билан курашиш ва унинг оқибатларининг олдини олиш. Оммавий ёлғизлик тушунчаси. Тимсол яратишда Станиславский ва Брехт тизими.

5. Нотиқнинг эпик тимсоли ва имидж устида ишлаш: ҳис-туйғули йўналиш, дам, озикланиш, кийим.

6. Аудиторияда атмосфера ташкил қилиш ва режиссёр чиқиши бўйича бошқа кўникмалар.

Нутқ сўзлаганда 100-200 сўз бир минутда гапирилиши лозим. Бунда нутқ шакли ўзида кўникмаларини сақлайди: нутқий нафас, овоз, дикция, интонация. Улардан унумли фойдаланиш нутқий аппаратга оғирлик солмайди, аудитория билан максимал алоқа ва нутқ сифати олишга эришилади.

Нутқ техникаси:

- фоноцион нафас, овозга куч беради.
- баланд овоз, куч ва ифодага эгалик
- дикция- ҳар бир товуш ва товушлар йиғимини аниқ ифодалаш.
- интонация- ритмик ва мантиқий нутқ бўлиниши интонация:
- тон баландлиги; овоз кучи; фазалик тўхтамлар; темп; тембр-овознинг эстетик бўёғи каби хусусиятларни ўз ичига олади.

Интонация машқи - тиниш белгиларини тўғри қўйиш

- темп ва нутқ услуби устида ишлаш.
- тўхтамларнинг турли хиллари: физиологик, граматик, маъно ажратувчи, психоллингвистик. Улар матнга ҳис- ҳаяжонли ёндашувни ҳосил қилади.

- овоз устида ишлаш

Фонетик маданият

- сўзларни тўғри талаффуз қилиш
- сўзларга тўғри урғу қўйиш.
- сўзлашувнинг новербал воситалари.

Матнга ҳиссиётли ёндашув сўзлашувнинг новербал воситаларини ҳосил қилади: мимика, шакл, ишора. Булар ёрдамчи воситалардир. Улар матнни жонлантиради, сўзларни тежайди, яхши айтилмаган сўзни силлиқлайди, сўзларнинг иккилик хусусиятларини йўқотади.

Имо-ишоралар: ифодали; тасвирловчи; кўрсатувчи; тақлид қилувчи; қар ва соқовлар тили; манеризмлар –асосланмаган ишоралар.

Нотиқнинг ўзини тутишининг 2 йўналиши:

қўлни мушт қилиш; қўлни узатиш.

Нотиқ чиқишининг 3 усули: рационал- аналитик; ҳис-ҳаяжонли; синтетик;

Нотиқ кўркувининг сабаби ва хусусиятлари:

омадсизликни сезиш; аудитория томонидан ёмон баҳо.

Чарчоқ физиологик ва психологик жараёнлардаги камчилик бўлиб, мослашиш жараёни, фаслашиш ва барча қутқарув омилларини ўйлаб чиқиш билан боғлиқ. Жахли чиқанда, у билан курашиш:

кўркувни ажрата олиш керак - ёмон жахл пастга тушиш билан, ҳаяжонланиш эса яхши, фойдали ҳиссиётлари билан боғлиқ.

Қўрқувни нима пайдо қилади:

- гапирувчининг тажрибасизлиги
- шахсий томони
- ноаниқ кутиш
- эътиборсизлик ва аудиториянинг ёмон муносабати.
- етарли бўлмаган ёмон тайёргарлик.

Кураш усуллари:

- эътиборчанлик; аутотренинг; тинч қадам ташлаш;
- чуқур нафас олиш ва чиқариш
- тўғри баҳолашни шакллантириш
- ёқимли натижа учун қулайлик яратиш
- ўзининг ҳиссиётлари билан бўлишиш нияти
- ўз-ўзини бу катта қувонч, деб ишонтириш
- ўйин вазиятини шакллантириш.

Ҳиссиётли ҳолатни яратиш учун 2 тизим керак:

- Станиславский тизими - тимсолда яшовчанлик
- Брехт тизими - тимсолдан чекиниш.

Нотикнинг этик тимсоли: дам, -овқат, -кийим-кечак

Кўникмалар: -аудиторияни гуруҳлаштириш; аудитория олдида узок ўтирмаслик керак; чиқиш вақтини инобатга олиш ; чалғитувчи вазиятларнинг олдини олиш.

НУТҚ ТЕХНИКАСИ

Тўлик, мукаммал шаклланган, талаб даражасидаги нутқ техникаси ўқитувчининг умумий нутқий маданиятининг энг муҳим узвий, таъбир жоиз бўлса, тамалларидандир. Жонли, товушли нутқ ва унинг барча унсурларини тўғри воқелантириш кўникма ва малакаларининг жами нутқ техникаси демакдир. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш қўшилмаларини аниқ талаффуз қилиш, аниқ дикция каби бир қатор ходисалар назарда тутилади. Нутқ техникасидаги бош масала овоз масаласидир. Асосий қуроли нутқ бўлган ҳар қандай одам учун овоз ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир.

XVIII аср Шарқининг улкан адиби Шайх Саъдий Шерозийнинг машҳур "Гулистон" асарида шундай бир ҳикоят бор: "Санжария масжидида бир киши рағбат билан азон айтар эрди, бир овози биланки, эшитганлар андин нафрат этардилар. Масжиднинг соҳиби бир амир эрди, одил ва хушхулқлик. Хохламас эрдик, анинг кўнглини муқаддар айласа, айди: "Эй жавонмард, бу масжиднинг қадимги муаззинлари борки, ҳар бирининг беш тилло вазифаси бордур. Сенга ўн тилло берурмен, токим бўлак маҳаллага кетарсен". Бу сўзга иттифоқ айладилар ва муаззин кетди. Бир муддатдин сўнгра амирнинг хузурига қайтиб келди ва айди: "Ей амир, менга зулму ситам айладингки, ўн тилло билан мени бу маҳалладин жўнатдинг. Ул маҳаллаки, мен бордим, менга йигирма тилло бердиларки, бўлак маҳаллага кетсам қабул этаюрмен". Амир кулди ва айди: "Асло олмағайсен, зероки эллик тиллоға ҳам рози

бўлурлар". Ёқимсиз овоз кишиларни ўзига жалб қилмайди, чақирмайдигина эмас, балки бундай овоздан барча қочади, ҳамма вақт ҳар ким ундан қутулмоқ пайидан бўлади.

Машҳур рус олими М.В.Ломоносов ўзининг "Нотиклик бўйича қисқача қўлланма"сида нотик бўлиш учун, аввало, табиий қобилият зарурлигини, табиий қобилият эса рухий ва жисмоний турларга бўлинишини айтади. Олим жисмоний қобилият деганда баланд ва ёқимли овоз, узун нафас ва бақувват кўкрак, шунингдек, соғлом тана ва келишган қоматни назарда тутди.

Бугунги кунда сиёсатчиларнинг имижи ("қиёфаси")ни яратишда бир қанча ташқи омиллар қаторида уларнинг овоз тембри ҳам муҳим эканлиги алоҳида таъкидланади. Умуман, сиёсатчими, ўқитувчими, актёри, журналистми, ким бўлишидан қатъи назар, унинг оғзаки нутқида барча коммуникатив сифатлар мавжуд бўлса-ю овозида у ёки бу нуқсон сезилса, бундай нутқ таъсир кучини камида ярмига йўқотади. Айтиш мумкинки, бир кишигами, юз кишигами, боринги, минг кишигами, бунинг фарқи йўқ, ўзгага хитобан айтилган ҳар қандай нутқда овознинг, овоз сифатининг ўрни фавқулодда муҳимдир.

"Табиий жисмоний қобилият" сифатидаги, айтилик, хирқироқ, чийилдоқ, шанғироқ каби овозларнинг ёқимли бўлолмаслиги, яъни тингловчи қулоғини қийнаши тайин. Бундай ёқимсиз овоздан "либос кийган" фикрнинг каттагина қисми нутқ идрокининг ўта сезгир ва нозик дарвозаси бўлмиш қулоқдан ўтолмай ташқарида қолади. Бу, албатта, нутқ эгаси кўзлаган мақсад - муайян бир ахборотни тингловчига тугал ва таъсирли тарзда етказиш учун қулай шароит яратмайди, балки унга монелик қилади. Бу эски ҳақиқатни асло ёддан чиқармаслик лозим. Табиатан ана шундай "қулоқни қийнайдинг" овозга эга бўлган одам ўз ишининг самарасидан чинакам ҳузур туюши, Шайх Саъдийнинг "Гулистон"идаги муаззин ҳолига тушмаслиги учун фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлмаган бошқа касбларнинг этагини тутгани маъқул.

Сир эмаски, фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлган касблар орасида ўқитувчилик биринчи ўринда туради, бунинг устига, ўқитувчилар сони ҳам айти тур касбларнинг бошқаларида машғул бўлганлар сонидан сезиларли даражада ортиқдир.

Ўқитувчининг овози, талаффузи, дикцияси, умуман, тирик нутқи ҳамиша ўқувчилар, айниқса, кичик синфлардаги ўқувчилар учун ўзига ҳос эталон, намуна вазифасини бажаради. Ўқитувчининг тирик нутқидаги, каттадир, кичикдир, ҳар қандай нуқсон ўқувчи назаридан четда қолмайди, дарҳол унинг диққатини тортади. Бундай нуқсон ўқитувчи нутқида мунтазам кузатилса, ўқувчи ўқитувчидан ноҳақ бўлса-да, ранжиган ҳолларида мазкур нуқсон асосида уни сиртдан калака, мазах қилишгача бориши мумкин. Масалан, ўқувчилар ўзаро ана шундай ўқитувчи ҳақида гаплашганда, уни мазкур нуқсонли овоз, талаффуз ёки дикция билан эслашадики, бу умумий тарбия жараёни учун ҳам ижобий ҳолат эмас, албатта.

Касбига садоқатли ўқитувчи ўз ўқувчиси кўзи ўнгида қусурсиз ва қадрли устоз имижини яратиш, уни сақлаш учун ҳамиша нутқининг фонетик расолиги ҳақида кайғуриши зарур. Тўғри, туғма хирқироқлик, чийилдоқлик

каби овозни ёқимсиз қиладиган жиҳатлардан тамоман қутулишнинг иложи йўқ. Аммо нутқ техникасини етарли даражада билмаслик оқибатида юзага келадиган нуқсонлардан фонетик билимлардан хабардорлик, овозни йўлга қўйиш (русчада "постановка голоса"), аниқ талаффуз қилиш, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш бўйича турли машқлар ёрдамида имкон қадар халос бўлиш мумкин.

Машхур қадимги юнон нотиғи Демосфеннинг дастлаб овози паст, талаффузи ёмон, нафаси қисқа бўлганлигидан чиройли ва таъсирли нутқ айта олмаганлиги ҳақида тарихчилар ёзганлар. Бу соҳани чуқур ўрганган олим С.Иномхўжаев таъкидлаганидек, кейинроқ Демосфен нутқ техникаси асосларини эгаллашга жуда жиддий киришган. У бир ертўла қазиб, шу ертўлада овозини ривожлантириш, дикция, декламация бўйича ойлаб машқлар қилади. Талаффузидаги нуқсонлар, "р" товушини айтолмаслик, баъзи товушларни ноаниқ айтиш кабиларни бартараф этиш мақсадида оғзига майда тошларни солиб, шеърлар, турли матнларни ўқиш билан шуғулланади. Овозини ривожлантириш, овоз аппаратларини чиниқтириш учун эса тепаликларга югуриб чиқиб, югуриб тушиб, нафасини ушлаб турган ҳолда шеърларни декламация қилади. Демосфен гапирётганда бир елкасини ҳадеб кўтаравериш одатидан қутулиш учун ертўласининг шифтига учи ўткир ханжарни осиб қўйиб, елкасини ханжарнинг айни учига тўғрилаб туриб, машқларини давом эттиради. Ана шундай машаққатли ва мунтазам машқлар туфайли Демосфен нотикликнинг чўнг чўққисини забт этган.

Ўқитувчи нутқида кузатиладиган камчиликлардан бири фонация жараёнида, яъни нутқ ҳосил бўлиш пайтида нафас олишдаги тартибсизликлар билан боғлиқ. Фонация жараёнида нафас олиш ва нафас чиқариш фазалари шундай йўлга қўйилиши керакки, нафас олиш зўриқишсиз, бир қадар жадалроқ, нафас чиқариш эса текис, бир меъёрда ва давомлироқ кечиши лозим. Нафас чиқариш қанчалик давомли, узун бўлса, шунчалик яхши. Зотан, товуш, нутқ айни шу нафас чиқариш жараёнида ҳосил бўлади.

Фонацияда нафас олиш ва нафас чиқариш фазаларининг кетма-кетлиги, алмашилиш тартибини тўғри тасаввур этмоқ керак. Бу фазалар билан нутқнинг ҳажмий ва, албатта, мазмуний-эстетик қурилиши ўртасидаги мутаносибликни тўғри белгиламаслик оқибатида нафаснинг етмай қолиши, шунга кўра бир нафас билан яхлит айтилиши лозим бўлган нутқ парчасининг бўлиниб кетиши, мантиқий мазмунни бузадиган ноўрин паузанинг пайдо бўлиши каби нуқсонлар ўртага чиқади. Масалан, қадимий ва бой тилимизнинг софлигини сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир жумласи айтиларкан, масалан, ҳар сўздан кейин нафас тугаб қолса, иложсиз, нафас олиш учун тўхталиш мажбурияти пайдо бўлади, бу эса жумланинг нотўғри бўлинишига олиб келади. Ёки баъзан нотўғри тақсимланган нафас жумланинг охирига бориб етмай қолса, жумладаги сўнгги сўз "ямланиб" талаффуз қилинади, сўзловчи худди бўғилиб қолгандай, жуда қийналгандай туюлади, бу тингловчи учун ҳам сезиларли даражада қийноқ туғдиради.

Нутқ техникасини эгаллашда умумий тарзда бўлса-да, фонетик билимлардан бохабарлик зарур. Маълумки, товушнинг физик-акустик хусусиятлари унинг

баландлиги, кучи, тембри (бўёкдорлиги), чўзиклиги каби сифатлардан таркиб топади. Хар қандай оғзаки нутқнинг яшашини таъминлайдиган интонациянинг просодик унсурлари бўлмиш нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ темпи (тезлиги), нутқ тембри каби тушунчалар асосида кам мазкур физик-акустик хусусиятлар ётади. Масалан, "нутқда овознинг (тоннинг) баланд-паст тарзда тўлқинланиши мелодикани юзага келтиради, мелодика эса гапнинг ифода мақсадига ёки эмоционалликка кўра турларини белгилашда, синтагмаларни, кириш сўз ёки киритма гапларни ифодалашда муҳим восита саналади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тебраниш частотаси нутқда бошқа акустик воситалар (урғу, тембр, темп кабилар) билан муносабатга киришиб, мураккаб товушни ҳосил қилиши ҳам мумкин, бундай мураккаб товушлардан эса турли экспрессив-стилистик мақсадларда, айниқса, шеърий мисралардаги товуш товланишларини таркиб топтиришда фойдаланилади". Ўқитувчи ўз нутқида бу фонетик имкониятлар ва қонуниятларни тўғри ва ўринли намоён эта билиши лозим.

Айрим ўқитувчилар кўпинча дарс жараёнида бошқа жойлардагига қараганда анчайин баланд овозда гапирадилар. Бу йўл билан гўёки синфдаги шовқинни "босиб" қўйгандай бўладилар. Аммо бу усулнинг таъсири барибир у қадар катта бўлмайди, фақат ўқитувчининг овоз аппарати кераксиз зўриқади, ўзи тез чарчайди. Яна баъзи ўқитувчилар борки, улар дарсда деярли паст овозда сўзлайдилар. Бунда кам ўқитувчининг ўзи қийналади, аммо сезиларли самарага эришмайди, фақат бундай овоз бўғик, туссиз эшитилади ва ўқувчининг диққатини ушлаб турмайди.

Тажрибали ўқитувчи фақат баланд ёки фақат паст овозда дарс ўтмайди. Товушларнинг баландлиги, кучи, тембри ва чўзиклигидан иборат акустик сифатларининг турли даражалари (бу даражаларнинг диапазони жуда кенг)ни баён қилинаётган ахборотнинг мазмуни ва табиати, айти пайтда синфдаги ўқувчиларнинг руҳи-кайфиятига мувофиқ равишда модуляция қилади, яъни алмаштириб туради. Ана шу тарзда монотон, қуруқ, ифодалилиқдан маҳрум нутқ шаклидан қутулади ва нутқнинг оҳангдорлиги, таъсирчанлигига эришади.

Ўқитувчининг нутқ техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан яна бири нутқ темпи, тезлигини тўғри белгиламаслик ёки тезлик-секинликнинг мақсадга кўра мўътадиллигини сақлай олмасликдан иборат. Нутқнинг темпи, албатта, баён қилинаётган материалнинг моҳиятига, ифодаланаётган фикр структурасига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ, акс ҳолда, яъни ўқитувчи материални фақат жадал темпда баён қилса, ўқувчи ахборотни ўзиники қилиб олишга, ахборот таркибидаги муҳим жиҳатларни ўз вақтида илғашга, тўла идрок этишга қийналади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчининг идрок суръати ўқитувчининг нутқи тезлигидан орқада қолади, унга "етиб юролмайди". Зотан, ўқитувчи нутқидаги меъёридан ортиқ жадал темп дарс бериш методикаси қоидалари учун ҳам беғонадир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятлари, айти дарс пайтидаги руҳияти, чарчаган ёки чарчамаганлиги, материални қандай қабул қилаётганлигидан келиб чиққан

холда нутқ темпини танласа, уни ўрни билан ўзгартириб турса, ҳам педагогик, ҳам психологик жиҳатдан тўғри бўлади.

Нутқ техникасида дикция масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Хар бир товуш, сўзнинг тўғри ва аниқ талаффуз қилиниши, нутқ оқимида сўз шакллари ва гапларнинг "чайналмаслиги", айниқса, ўқитувчи нутқи учун жиддий талаблардандир. Таассуфки, баъзан ўқитувчилар нутқида ҳам дикция ноаниқлиги билан боғлиқ нуқсонлар кузатилади. Масалан, баъзан "з" товушини жарангсиз "с" товушига мойил тарзда талаффуз қилиш учрайди: сиз - сис, эшитдингиз - эшитдингис каби. Бу ва бу сингари нуқсонлар нутқ товушларининг ҳосил бўлиш ўринларини яхши билмаслик ва артикуляцион аппарат (товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ аъзолари)нинг етарли даражада фаол эмаслиги натижасида пайдо бўлади. Нотўғри ёки ноаниқ талаффуз қилинадиган товушнинг ҳосил бўлишида иштирок этадиган нутқ аъзоларининг фаоллигини ошириш йўли билан киши нутқидаги ана шундай дикцион хатоларни тузатиш мумкин. Бунинг учун хилма-хил машқлар яхши ёрдам беради. Масалан, турли тез айтишлар, мақол ва маталлар, турли мазмундаги матнларни мунтазам овоз чиқариб такрорлаш ана шундай машқларнинг бир кўринишидир.

Умуман, ўқитувчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайғуриши, фонетика, фонологияга оид билимлардан умумий тарзда бўлса-да, хабардор бўлиши, керак бўлганда, ўз нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга ёрдам берадиган машқлардан муттасил фойдаланиб бориши мақсадга мувофиқ. Чунки тугал нутқ техникасиз ўқитувчининг, ҳар бир нутқ тузувчининг оғзаки нутқи маданиятини асло расо деб бўлмайди.

Саволлар:

1. Нутқ техникаси деганда нимани тушунаси?
2. Фонетик маданият нима?
3. Нотиқнинг талаффузи қандай бўлиши керак?
4. Нутқ техникаси неча хил бўлади?
5. Когнитив таълим тизими афзалликлари нимада?
6. Нотиқ чиқишининг усуллари қайси ?
7. Фоноцион жараён нима?

9-МАВЗУ: НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБШУНОСЛИК

Режа:

1. Нутқ маданияти нутқ одоби сифатида.
2. Нутқ маданияти назариясининг асосий тушунчаси.
3. Грамматик услубшунослик масалалари.
4. Нутқнинг турлари.
5. Нутқ материаллини баён этиш методлари.
6. Нутқнинг функционал услублари.

Нутқ маданияти, нутқ одоби –

1) оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрлари (талаффуз, урғу, сўз қўллаш, грамматика, услубшунослик коидалари)ни эгаллаш, шунингдек, турли алоқа-аралашув шароитларида тилнинг тасвирий воситаларидан нутқнинг мақсад ва мазмунига мос равишда фойдаланиш махорати;

2) тилшуносликнинг тилни маданият курули сифатида мукаммаллаштириш мақсадида меъёрлаштириш (тартибга солиш) муаммоларини ўрганувчи бўлими. Ғарб тилшунослигида умумий маънода "тил маданияти" термини ҳам қўлланади.

1-маънодаги "Нутқ маданияти" тушунчаси адабий тилни ўзлаштиришдаги икки босқични камраб олади: а) нутқнинг тўғрилиги ва бошқа нутқий махорат. Нутқнинг тўғрилиги муайян тилда сўзловчилар ва ёзувчилар томонидан "идеал" ёки умум томонидан қабул қилинган ва анъанавий сақланиб келаётган одатлар, ибрат ва намуналар тарзида идрок этиладиган адабий меъёрларга амал қилишдир. Нутқий махорат эса нафақат адабий меъёрларга амал қилиш, балки ўзаро мавжуд бўлган вариантлардан мазмунан энг тўғри, энг аниқ, услуб ва вазият нуктаи назаридан энг мақбули ва ифодалисини танлаб олиш махоратидир (Масалан, ака - ока - ако; келяпти - кевотти - келопти вариантларидан би-рининг адабий меъёр сифатида танланиши). Юксак нутқ маданияти кишининг умумий юксак маданиятини, фикрлаш маданиятини, тилга нисбатан онгли меҳр-мухаббатини намоён қилади.

Нутқ маданияти назариясининг асосий тушунчаси тил меъёридир. 2-маънодаги нутқ маданиятининг асосий вазифаси ижтимоий тил амалиётига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида (тилнинг барча сатхларида) объектив тил меъёрларини уларнинг барқарорлашган шаклларида, зиддиятларида, вужудга келувчи тамойилларида ва бошқаларда ўрганишдир.

Замонавий нутқ маданияти назарий ва амалий фан бўлиб, у тил амалиётига таъсир этиш мақсадида адабий тил тарихи, грамматика, услубшунослик ва бошқа тилшунослик бўлимларининг ютуқлари ва хулосаларини умумлаштиради. Нутқ маданияти назариясида адабий тил миллий тилнинг олий шакли деб эътироф этилади; бадиий адабиёт тили ўзининг энг яхши намуналари билан халқнинг маданият соҳасидаги ютуқлари ва анъаналарини мустаҳкамлайди ва бойитади.

Нутқ маданияти ижтимоий ходиса бўлиб, у жамият, фан ва техника, маданий ва адабий ҳаёт ривожига билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этади. Жамият аъзоларининг маданий савияси ортган сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, нутқ маданияти коидалари ва меъёрларига

мувофиқ ҳолда такомиллашиб боради. Нутқ маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида адабиёт, санъат, радио, телевидение ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, адабий тилни меъёрлаштириш ва нутқ маданияти назариясини ривожлантиришда лексикография, хусусан, изохли, имло, талаффуз, ўқув ва бошқа махсус луғатлар муҳим аҳамиятга эга.

15-асрдаёқ ўзбек адабий тилининг нутқ маданияти ва унинг ўзига хос меъёрлари бўлган - Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаётини ва ижодий фаолияти билан ўз даври нутқ маданиятига, нутқ одобига мислсиз ҳисса қўшган бўлса, кейинги даврда яшаган Бобур, Мухаммад Солих, Гулҳаний, Нодира, Огаҳий, Фурқат, Муқимий ва бошқа шоирларнинг асарлари тилида ҳам ўша давр тили ва Нутқ маданияти маълум даражада акс этган. "Яхши сўз - жон озиғи", "Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин", "О?йнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир", "Хар нени емак - хайвоннинг иши, хар нени демак - нодоннинг иши" каби мақол ва хикматли сўзларнинг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқида нутқ маданиятига аввалдан эътибор кучли бўлганидан дарак беради.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан сўнг ўзбек тилининг Нутқ маданияти халқ тилига яқинлаштирилган миллий адабий тил меъёрларига асосланади. Бу меъёрларни шакллантириш ишига олимлар (Отажон Хошим, Т. Н. Қориниёзий, С. Иброҳимов, Олим Усмон ва бошқалар), адибу шоирлар (Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқалар) муносиб ҳисса қўшдилар.

Стилистика (юнонча *стилос*-ёзув, хат таёкчаси), услубшунослик, услубият- тилшуносликнинг тил услубларини тадқиқ этувчи, тилнинг лексикфразеалогик, фонетик, морфологик, сўз ясалиши ва синхрония ва диахрония нуқтаи назаридан функционал қатламланишининг моҳияти ва ўзига хосликларни ўрганувчи, адабий тилни турли лисоний вазиятларда, ёзма адабиётнинг хилма-хил тур ва жанрларида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўллаш меъёрлари ва усулларини тавсифловчи тармоғи ҳисобланади. Стилистикада параллел синонимик тил ифодаларидаги маъновий ва экспрессив нозикликлар, лисоний бирликларнинг ўзаро муносабатдош вариантларда улар орасидан муайян нутқий вазият учун зарур бўлганини танлаб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Замонавий стилистикада турли лингвистик йўналишлар ва мактабларда турлича тушунилади, шу билан бирга хар бир нуқтаи назар, стилистиканинг асосий ўрганиш мавзуи бўлмиш услубнинг серқирралиги сабабли, ўз обектив асосига эга. Стилистика тил меъёрлари билан узвий боғлиқликдир. Стилистика ўз навбатида функционал стилистика, лисоний бирликлар стилистикаси, матн стилистикаси, бадиий адабиёт (бадиий нутқ) стилистикаси, амалий стилистика, киёсий стилистика, тарихий стилистика каби турларга бўлинади.

Услубшуносликнинг тилда тутган ўрни бекиёсдир. Услубшунослик меъёрларни шакллантириш, машхур тилшунос олим Г.о.Винокур таъкидлаганидек, нутқ маданиятининг ўз олдида қўйган асосий мақсади, унинг энг муҳим вазифасидир. Чунки услубий меъёрни яхши билмасдан,

уларни мукаммал эгалламасдан туриб, нутқ маданиятига, маданий нутққа эришиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар бир сўзни ўйлаб, танлаб, уларнинг ҳар бир маъносига, маъно кирраларига яхши эътибор қилиб, ўринли ишлатиш ҳақида жуда кўплаб халқ мақоллари, ҳикматлари мавжуд. Бу ҳақда буюк файласуф Аристотелнинг “Поэтика” ва сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асарларида ҳам қимматли фикрлар айтилган.

Тилда ҳар сўзни, грамматик формани, ҳар бир синтактик қурилмани ўз ўрнида, яъни шу сўз, шу грамматик шакл ёки синтактик қурилма (гап) ишлатилаётган вазиятни (тингловчи савияси, уларнинг ҳолати кабилар) ҳисобга олган ҳолда тўғри қўллаш, уларнинг шу вазиятга энг мос тушадиганини танлаб, нутқ жараёнида улардан унумли фойдаланиш, энг ихчам ва фикрни лўнда ифодаладиганини, энг содда ва ҳаммага тушунарлисини ишлатиш нутқнинг равонлигини, тушунарлилигини, аниқлигини таъминлайди, уни ғализликлардан ҳалос этади. Сўзларни, грамматик шаклларни бефарқ қўллаш, вазиятга мос тушмайдиган гапларни беихтиёр, назоратсиз айтиб юбориш, бўлар-бўлмасга у ёки бу сўздан ёки грамматик шакллардан фойдаланавериш, умуман, уларни ортиқча қўллаш, ўринли-ўринсиз такрорлайвериш нутқни бачкана қилади, фикрни хиралаштиради, унинг таъсирчанлигига путур етказади. Зеро, донолар айтганидек:

Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор.
(Саъдий Шерозий)

Ёки
Сўз жою вақтига бўлар экан мос,
Сехру афсун учун у бўлар асос.
(Абдурахмон Жомий)

Маълумки, услубият-фикрни ифодалаш йўллари, тил воситаларини-материалларини тўғри танлай билиш ҳақидаги таълимот-услублар илми бўлиб, тилнинг вазифаларига мос равишда бир неча кўринишларга эга: сўзлашув услуби, китобий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий, публистик ва бадий услуб кабилардир. Ушбу фикр услубиятнинг таркибий қисмига қирувчи грамматик услубшунослик ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Грамматиканинг морфология ва синтаксис номлари остида икки қисмга ажратилиш ҳолати грамматик услубшуносликда ҳам сақланади, яъни у морфологик услубшуносликда ҳам сақланади, яъни у морфологик услубшунослик ҳамда синтактик услубшунослик каби икки кўринишда бўлади.

Грамматика сўзнинг ёки синтактик қурилманинг луғавий ва грамматик маъноларини, фикрий жихатни ўрганса, грамматик стилистика уларнинг кўшимча- экспрессив маъноларини, вазифавий хусусиятларини ўрганади. Грамматика билан услубшунослик биргаликда фақат грамматик шаклларнинг нимани ифодаланишини эмас, балки қандай ифодаланишини ҳам текширади.

Грамматик услубшуносликнинг бир қисми бўлган морфологик услубшунослик ҳар бир грамматик шаклнинг, сўз ясовчи воситалар ва ҳар хил бошқа шаклларнинг услубий хусусиятларини ўрганади.

Ўзбек тилида кўшимчалар доирасидаги маънодошлик (синонимия) ходисаси ҳам кенг тарқалган: шу сабабли // шу сабабдан; талабалардан бири // талабаларнинг бири; отга минди // отни минди; савлатли // савлатдор // басавлат ... каби.

Ўзбек тилида сўз ясовчи ва грамматик маъно ифодаловчи жуда кўп аффикслар ўз вариантларига эга ёки бир-бири билан ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Масалан, жўналиш келишиги кўрсаткичи -га ҳозирги тилимизда -ка, -ка вариантларида учраса, эски ўзбек тилида -ға (борарға, -килурға, суарарға) кўринишда учрайди. Феъллардаги -гиз кўрсаткичи -киз, -ғиз, -қиз; -каз, -газ ва ҳатто, баъзан -кар (ўткар, еткар) вариантларида учрайди.

Тилимизда баъзан айрим грамматик шакл плеонастиц (кўш) қўлланади. Бундай қўллаш нутқда ортиқчаликни вужудга келтириши, нутқ равшанлигига путур етказиши, фикрни хиралаштириши, бачканалаштириши мумкин: тойчоқчагинам, кичкинагина, ичилиб қўйилди, то мактабгача, Янгиқишлоқ қишлоғи, бир калмиа сўз, ўн йиллар ўтди, 6 та ўғил-қизларим бор, қўлланишларда грамматик шакллар ёки сўзларнинг ўринсиз, мақсадсиз қўлланиши натижасида ана шундай ҳол юз берганини кузатамиз: кичкинагина типидagi -ин, ичилиб қўйилди типидagi қўлланишларда олдинги сўздаги -ил, то мактабгача қўлланишида то элементи (бунда баъзан кучайтириш ифодаланиши мумкин, ана шундай вақтда то элементининг ишлатилиши ўзини оқлайди), кейинг бирикмаларда қишлоғи, калима сўзлари, ўн йиллар ўтди, олтига ўғил-қизларим бор, ҳар бир далилларни бирикмаларида -лар аффикси ортиқча ишлатилган ва нутқда ғализлик туғдирган.

Бирок, шуни ҳам айтиш керакки, грамматик шакл ёки бошқа воситаларни плеонастиц қўллаш ҳамма вақт ҳам нутқда ортиқчалик туғдиравермайди. Баъзан жуда ўринли, тушунган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзда тутиб, шундай қилинса, нутқни равшон қилади, фикрни аниқ, лўнда, бор нозикликлари билан ифодалашга ёрдам беради, нутқ таъсирчанлигини оширади, маънони кучайтиради, бўрттиради: улуғ айём кунлари; шунча йил туз -намак бўлдик; беш панжасини оғзига тикади; айтганини қилмай қўймайди; биз ўзимиз айтиб қўямиз типидagi қўлланишларда ана шу ҳолни кузатамиз. Тўғри, намак, калима, айём, панж сўзлари форс-тожик тилларида туз, сўз, кун, беш сўзларига тўғри келади. Бирок, ўзбек тилида улар, биринчидан, бошқа маънода қўлланиши мумкин бўлса, иккинчидан, кучайтирувчи восита вазифасини бажарувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Жумладан, улуғ айём кунлари бирикмасида айём сўзи кун маъносида қўлланган эмас, у маълум бир санани ифодалаган, беш панжасини бирикмасида панжа сўзи бармоқ маъносида, бир калима сўз калима сўзи сўз лексемасининг аниқловчи бўлиб келган ва ақлли, фикрли, лўнда сўзлари маъносида қўлланган; туз-намак қўлланишида эса ўзбек

тилида, оғзаки нутқда кўп учрайдиган нон-пон, чой-пой типдаги ҳолатни кузтамиз.

Бундан ташқари, бу қўлланишда туз-намакнинг ибора ҳолига келиб қолгани кўзга ташланади ва у бирга турдик, бирга бўлдиқ бирикмалари ифодалаган маънони англатади. Худди шу бирикмада улардан биттасини қўллаш ҳеч мумкин эмас. Кейинг мисолда инкор формасининг (-ма) иккала сўзда ҳам иштирок этиши тасдиқ маъносини анча кучайтириб, бўрттириб баён қилишни таъминлаган.

Грамматик услубшуносликда айрим грамматик шаклларнинг ўрнини алмаштириб қўлланишнинг ўзига хос томонлари борлиги кенг ўрганилиши керак. Адабий меъёрга ҳар бир кўрсаткичнинг ўзак-негизларга қўшилишдаги ўрни катъий белгиланган. Аммо маълум бир услубий мақсадни кўзда тутган ҳолда уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин: Қалбимни сен кўзимданми англадинг (Ойбек); Осмондаги булутларнинг хўмрайишиданми кўрқдингиз (Ойбек); боринглар-борларинг, кетинглар-кетларинг; борганми эди- борган эдим, айтиб эдимми-айтибми эдим; даданг уйдаларми-даданг уйдадилар; айтмабмидим- айтмаб эдимми (оғзаки нутқда).

Келтирилган мисолларга диққат қилсак, биринчи икки гапда -ми юкламаси аслида, адабий меъёрга кўра, англадинг ва кўрқдингиз сўзларига қўшилиб келиши керак эди: англадингми, кўрқдингизми типда. Аммо ёзувни бу шаклни олдинги сўзга қўшади ва бу билан ўзига хос экспрессивлик ҳосил қилади, таъсирчанликни оширади, нутққа поэтиклик ато этади. Кейинги мисолларда -инг ва -лар аффиксларининг ўрнини алмаштириш ҳурмат ёки ҳурматсизлик маъноларини ифодалашга хизмат қилган бўлса, борганми эди -борган эдимми типдаги қўлланишларда маънони кучайтириш, нутққа экспрессивлик ато этиш, таъкидлаш, жонлилик, жўнлик, тасвирийлик ўз ифодасини топган.

Кўриниб турибдики, ҳозирги ўзбек тилшунослигида грамматик шакллар услубшунослигини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Грамматик шаклларни ўз ўрнида тўғри ва мақсадга мувофиқ қўллаш, улардан ўринли фойдаланиш нутқимизнинг таъсир кучини оширади, уни ҳар хил ғализликлардан ҳалос этади.

Сўзлашув услуби - бу усул лексикаси, фонемаси, морфологияси ва синтаксиси билан халқнинг оддий сўзлашув тилини ўзида акс эттиради. Сўзлашув услуби учун оддийлик, соддалик, бетакаллуфлик, ҳаяжонлилик ҳосилдир. Сўзлашув услубидаги оғзаки нутқда баъзан ёзма нутққа, шевага, вулгаризм ва бошқаларга хос ва сўз шаклларининг таъсири бўлади.

Нутқнинг мазмун моҳияти. Нутқ турлари.

Ахлоқ – бу ҳар бир шахснинг ўз виждони ва эркин иродасига мувофиқ ҳаракат қилишга ундовчи ички мақсадидир². Маънавий йўналганлик – муайян вазиятларда индивидни у ёки бу тарзда ҳаракатланишга ундовчи ички ахлоқий нормалар, яхшилик ва ёвузлик, ижтимоий жавобгарлик, адолат, бурч тўғрисидаги тасавурлардир. Улар кўп жиҳатдан нутқ сўзлаш жараёни давомида нотиқ ҳамда тингловчиларнинг ўзаро яқинлашиши, бир-бирини ҳис этишига ёрдам беради. Аудиторияга, одамлар фикрига таъсир кўрсатиш имконига эга бўлиб, нотиқ ўз зиммасига муайян бир жавобгарликни олади.

Нотиқ омма олдида нукт сўзлар экан, бевосита (адресатнинг қаршилигига қарамай, муайян хатти-ҳаракатга мажбурлаш) ёки билвосита (адресатда эътироз уйғотмаслик учун яширин таъсир кўрсатилади) уларга ўз таъсирини ўтказди. Токи шундай экан, нотиқнинг маънавий олами, принциплари қандайлигини эътиборга олиш жуда муҳимдир. Оғзаки ёки ёзма нутқ воситасида омма онги ва қалбига таъсир кўрсатиш маҳоратини оширишга интилаётган ҳар бир одам ўз зиммасига жуда катта масъулият олаётганини ижрок этиши ва аниқ тасаввур қилиши шарт

Жамоат олдида нутқ сўзлаётганда нотиқ тингловчиларни **очикдан-очик** (тингловчининг қаршилигига қарамай талаб қилинган ҳаракатни бажаришга мажбур қилиш) ва **билвосита** (сездирмай қабул қилувчи эътироз билдирмаслиги учун сездирмай таъсир ўтказиш) бошқариши мумкин³. Яширин бошқариш **яратувчанликка хизмат қилиш** (бунда адресат ҳам, нотиқ ҳам ютади) ва **манипулятив** (бунда манипуляция қилаётган киши ютади, адресат эса ютқазади) бўлиши мумкин. Улар ўртасидаги тафовут “ахлоқий нормалар негизида ётади: биринчиси – жамоат томонидан маъқулланган; иккинчиси (худбинликни намоён этади) – жамоат томонидан маъқулланмаган”. “Ҳалол бўлмаган нарса баракали бўлмайди” Б. Франклин.

Нотиқ нутқ сўзлаш жараёнида қуйидагилардан фойдаланади:

1. **Универсал қадриятлар.** Улар асосида кўпчилик мамлакатдаги одамлар учун умумий бўлган топослар⁴ яратилади. Шу маънода баъзан “умуминсоний қадриятлар” атамаси қўлланади. Жумладан, асрлар давомида ўзгармай келадиган диний қадриятлар жуда консервативдир. Ҳанузгача қадимги юнонларнинг эстетик идеаллар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозирги вақтда асосий фан соҳалари яшаш жойидан қатъи назар бутун дунё

² Гусейнов А. А., Иррилитц Г. Краткая история этики. Гл. «Гегель» — М.: Мысль, 1987, сс. 469—471

³ Шейнов В.П. Скрытое управление человеком (психология манипулирования). -М.: ООО "Издательство АСТ", Мн.: Харвест, 2001. -848 с.

⁴ Топос ёки топ (грекчада τόπος – умумий жой) – ихтиро (фикр ва сўзлар яратиш) учун таянч нуктаси бўлган ахлоқий қадрият ёки тушунчага оид фикр; фикр ва нутқ баён этиш усули. (Аннушкин В. И., Ипполитова Н. А., Кузнецов И. Н.). Топос анъанавий мантиқ ва мумтоз нотиқлик санъатида – далил (синонимлари: “риторик жой”, “диалектик жой”), умумий маънога эга фикр ёки мавзу (“умумий жой”).

олимлари учун ягона – уларнинг кадри ҳам ана шунда. Умумий кадриятлар асосида яратилган топослар инсон ҳаёти, иқтисодий фаровонлиги, фуқароларнинг кадр-қиммати ва ҳимояланганлиги, ҳақиқат ва адолат, маърифатга интилиш масалаларга тегишлидир. Ушбу кадриятларга исталган, ҳатто мутлақо нотаниш аудиторияда ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Шу билан бирга, бундай топосларнинг таъсири самараси сезиларсиз бўлиши мумкин, чунки бундай глобал муаммоларга аниқ шакл берилмаган бўлса, аниқ бир инсоннинг қалбида доим ҳам қизиқиш уйғотмайди. Шу сабабли универсал кадриятлардан фойдаланган ҳолда яратилган топослар одатда, қуйи даражадаги топослар билан бирга қўлланади, бу эса уларнинг таъсирчанлигини оширади. Ҳозирги ижтимоий амалиётда *эркинлик, демократия, тенглик* каби тушунча-рамзларга мурожаат қилиш русумга айланган, бироқ ҳар бир одам бу сўзларни турлича тушунади ва *эркинлик* ёки *тенглик*ни турлича тасаввур қиладилар.

2. Давлат миқёсида аҳамият касб этувчи кадриятлар. Улар асосида одамларни муайян маданият вакиллари сифатида бирлаштирувчи топослар яратилади. Булар дин масалалари, миллий ғурур ва ифтихор, урф-одат, анъаналар, ҳуқ-атвор нормалари, миллатга хос маданият томонидан инсонга сингдирилган кадриятлардир (халқ тарихи, миллий санъат, фан ва ҳоказолар). Одатда, ҳар бир халқ ушбу мамлакат вакиллариининг кўпчилиги учун муҳим бўлган давлат кадриятлари тизимига эга. Давлат мафкураси бу тизимни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

3. Гуруҳ аъзолари уни аҳамиятли бўлган кадриятлар. Уларнинг асосида бутун миллатга нисбатан аҳолининг майдароқ гуруҳларида, жумладан партия, минтақавий, касбий, ёш бўйича гуруҳларда қўлланувчи топослар яратилади. Улар нотик учун энг истиқболли топослардир, чунки айнан шу кадриятлар, одатда, одамларнинг сиёсий ва ижтимоий қарашларини шакллантиради, уларни у ёки бу партия ва ҳаракатлар вакили ёки тарафдори сифатида таърифлайди. Нотик исталган мавзудаги нуткида бундай гуруҳларни назарда тутиш керак. *Жумладан, талабалар олдидан сўзга чиқаётиб эса ҳозирги ёшлар аввалгисидан ёмонроқ эканлиги ҳақида узил-кесил фикрлардан тийилиш маъқул.* Шу билан бирга, ушбу гуруҳ кадриятлари асосида яратилган топослар сезиларли ютуқлар келтириши мумкин.

4. Индивидуал кадриятлар. Бундай кадриятлар асосида нутқ сўзловчи шахсан таниш бўлгани учун уларнинг диди, қизиқиши, кайфиятлари ҳақида маълумотга эга бўлган муайян бир инсонга ёки бир нечта инсонга мўлжалланган топослар яратилади. Шу ўринда эмоционал ва пировард натижадаги кадриятлар ажратиб кўрсатилиши мумкин. Эмоционал кадриятларга қизиқиш ва иштиёқ (жониворларни яхши кўриш, компьютерга қизиқиш), пировард натижадаги кадриятлар деганда эса инсон ўз ҳаётида эришишмоқчи бўлган мақсадлар (чемпион бўлиш орзуси, муайян касбни эгаллашга интилиш) тушунилади.

Бундай топосларни яратиш бошқа топосларни яратишдан қийинроқ, лекин жуда самаралидир, чунки улар инсоннинг шахсий манфаатларига

дахлдор. Албатта, бундай манфаатларнинг барчасини риторика ҳисобга олиб таърифлай олмайди, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Шунга кўра, фан фақат типик воқеа-ҳодисалар билан шуғулланиши мумкин, бироқ нотик аниқ бир инсонлар билан ишлайди ва шу сабабли унинг вазифаси мавжуд имкониятлардан тингловчиларга кўпроқ таъсир кўрсата оладиган топосни танлай билиш. Бунинг учун у қуйидаги саволга мурожаат қилмоғи керак: бу инсонлар бахт-саодатни нимада деб биладилар? Айримлар учун бу жасурлик, кимдир учун гўзаллик, яна бошқалар учун эса саломатликдир. Агар нотик тингловчилар учун учтун бўлган нарсаларни билган ҳолда ўз нутқида улардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Одамларнинг қизиқишлари қуйидагича таснифланади. (П.Сопер) одамларнинг асосий қизиқишлари, гуруҳга оид қизиқишлар, долзарб бўлган қизиқишлар ва аниқ қизиқишларни⁵.

Одамларнинг асосий қизиқишларига киритади:

- ҳаёт-мамот масаласи;
- саломатлик;
- пуллар;
- касб;
- жамиятдаги обрў-эътибор;
- хавф-хатар;
- зарур тадбирлар.

Бундан ташқари, П.Сопер умумий қизиқишни уйғотувчи муаммоларга қуйидагиларни киритди:

- ватанпарварлик,
- ор-номус,
- адолат туйғуси,
- ёвузликни бартараф этиш,
- итоаткор шафокашларга ҳамдард бўлиш.

Гуруҳга оид қизиқишларга, П. Сопер қуйидагиларни киритди:

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳида ўзига оғдириб олиш,
- солиқлар,
- хаво,
- яшаш жойидаги жиноятчилик муаммоси.

Долзарб бўлган қизиқишлар

- эпидемиялар,
- сайлов кампанияси,
- янги қонун,
- жаҳондаги вазият.

Аниқ қизиқишлар

- автомобиль,
- уй,
- озиқ-овқат,

⁵ Сопер Поль А. Основы искусства речи. М. , 1992.

➤ кундалик ҳаётий зарур бўлган нарсалар – буюмлар.

П. Сопер томонидан ажратиб кўрсатилган қизиқишлар, асосан, америкаликларга хос. Бироқ бундай қизиқишларни турларга ажратиш принципини тушуниш муҳим. Бошқа бир аудитория учун “асосий бўлган қизиқишлар” фарзандлар, келажак авлод тарбияси, моддий бойликларнинг адолатли тақсимланиши, турмуш даражаси, жамият ахлоқи, жамият келажаги бўлиши мумкин.

Нутқнинг қабул қилинишида унинг композицияси уни муҳим роль ўйнайди. **Нотик нутқнинг мантикий-композицион қурилиши** принципларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

изчиллик принципи – ҳар бир янги фикр аввалги фикрдан келиб чиқиши лозим;

кучайтириш принципи – нутқнинг таъсир кучи аста-секин кучайтириб бориши керак, яъни бу қоидага кўра далил-исботларнинг энг муҳим ва ишонарлари нутқнинг охирида келтирилиши лозим;

тежамкорлик принципи – нотик ўз мақсадига иложи бориша камроқ куч, вақт ва нутқ воситаларини ишлатиб, энг оддий усуллар ёрдамида эришиши керак.

Нутқ материални баён этиш методлари:

индуктив метод – хусусийликдан умумийликка қараб бориш. Нотик нутқни аниқ бир воқеадан бошлайди ва шундан сўнг ўз фикрларини умумлаш тириб, тингловчилар хулоса чиқаришига йўллайди. Бу методдан кўпинча ташвиқот мақсадидаги нутқларда фойдаланилади;

дедуктив метод – умумийликдан хусусийликка қараб бориш. Нотик дастлаб бирор-бир ғояни илгари суради, шундан сўнг аниқ мисоллар ёрдамида унинг мазмун-моҳиятини очиқ беради (ушбу метод тарғибот мақсадида сўзланувчи нутқларда қўлланилади);

аналогия таққослаш методи – тингловчига яхши таниш бўлган турли ҳодиса, фактлар, воқеаларни бир-бирига таққослаш;

тингловчи диққат концентрик метод – нотик томонидан баён этилаётган бош ғоя атрофига материални жойлаштириш (унинг нутқида марказий муаммо ва у шу муаммо туфайли тез-тез мурожаат қилинувчи муаммолар доираси мавжуд);

«зинапоя» методи – бир масалани босқичма-босқич, аввалги масалага қайтмай баён этиш;

тарихий метод – материални хронологик кетма-кетликда баён этиш.

Шуни ёдда тутиш лозимки, нутқни оғзаки шаклда қабул қилишда унинг бош қисмида ва охирида бериладиган маълумотлар кўпроқ эсда қолади.

Тингловчилар нотиқни тинглаш жараёнида баён этилаётган маълумотларни нотиқнинг шахсидан айри ҳолда қабул қилмайдилар. Нотиқ сўзлаш услубининг ўзига хослиги нотиқни эшитишга ундайдиган энг муҳим омилдир. Сўзловчи шахс тингловчилар ёдида эсда қолади, шахс билан бирга эса, унинг ғоялари ҳам эсда қолади.

Типик ва кўпинча фойдаланидилаган риторик позициялар:

1. Ахборот берувчи позицияси. Бундай нуқтаи назар айрим маълумотни хато тушунилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб, уни тўғри ва аниқ баён қилишни назарда тутди. Бундай нуқтаи назардан, одатда, инструктор ёки директив ахборот баён этилади.

2. Шарҳловчи позицияси. Агар аудитория асосий маълумотлардан хабардор бўлиб, нотиқдан қўшимча маълумотлар ва унинг шахсий нуқтаи назарини кутаётган бўлса, одатда ана шу позиция танланади.

3. Сухбатдош позицияси. Бу позиция нотиқнинг аудитория манфаатлари ва ғам-ташвишларига шерик бўлган ҳамда сўзлашини кўзда тутди. Нотиқ аудиторияга нутқ юзасидан ўз фикрини билдиришини сўраб, мурожаат қилади, саволлардан кенг фойдаланади.

4. Маслаҳатчи позицияси. Агар тингловчилар таянч соҳа бўйича яхши тайёргарлик кўрган бўлсалар, одатда маслаҳатчи нуқтаи назари танланади. Нотиқбундай вазиятда муҳим ўринлага тўхталиб ўтади.

5. Эмоционал етакчи позицияси. Агар аудиторияда кўтаринки кайфият ҳукумрон бўлиб, нотиқ тингловчиларга яхши таниш бўлса ва уни қизиқиш ҳамда сабрсизлик билан кутаётган бўлсалар, ушбу позиция танланади. Ушбу позицияда нотиқ ўзини анча эркин ҳис қилади, мавзудан импровизациядан фойдаланган ҳамда четга чиқиши ҳам мумкин.

Мулоқот жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи риторик позициялар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар:

- мураббий позицияси (нотиқ насиҳатгўй, қатъиятли);
- оташин нотиқ позицияси (жуда баландпарвоз сўзларга берилиш (пафос)),
- ўтинувчи позицияси (“сабр қилинг, тез орада тугатаман”).

Агар нутқ бир дақиқадан ошмасагина уни бир позицияда ўтказиш мумкин; нутқларнинг кўпчилигини эса нутқ сўзлаш мобайнида турли позицияларни алмаштириш орқали ўтказиш зарур. Нутқ сўзлашдан олдин қандай позициялар ёрдамида маълумотни баён қилишни ўйлаб кўриш муҳим.

Нутқдан олинган биринчи таассурот ҳақида нимани билиш керак?

1. Биринчи таассурот – жуда кучли, ёрқин, яхши эсда қолади, тингловчига таъсири кучли.
2. Биринчи таассурот ҳақиқатдан узоқ, алдамчи бўлиши мумкин.
3. Биринчи таассурот жуда барқарор, у узоқ вақт ва ишончли сақланади.
4. Энг аввало, нотиқнинг шахсий хислатлари баҳоланади ва эсда қолади.

5. Нотикнинг ташқи қиёфаси (визуал образ) бирламчи таассурот асосидир.
6. Сизда бирламчи таассурот қолдириш бошқа имконият бўлмайди.

Нутқнинг бошланғич қисмида қўлланувчи нотўғри усуллар мулоқотга катъий зарар етказувчи усуллар:

- Сиз нотик эмаслигингизни айтманг.
- Нутқингизни узр сўрашдан бошланг.
- Нутқингизни ҳазил-мутойибадан бошланг.

Иш юзасидан олиб бориладиган мулоқотнинг оғзаки турлари, ўз навбатида, монологик ва диалогик турларга бўлинади.

Мулоқотнинг монологик турига қуйидагилар киради:

- табрик нутқи;
- савдо-сотиққа билан боғлиқ нутқ (реклама);
- ахборот берувчи нутқ;
- мажлис ва йиғилишдаги маъруза.

Мулоқотнинг диалогик турлари:

- ишга алоқадор суҳбат – қисқа мудда ичида кўпинча бир мавзуда суҳбатлашиш;
- ишга оид суҳбат – давомли маълумот, фикр алмашиш, орқали қарорлар қабул қилинади;
- музокаралар – бирор-бир масала юзасидан битим тузиш юзасидан муҳокама олиб бориш;
- интервью – матбуот, радио, телевидение учун мўлжалланган журналист билан суҳбат;
- баҳс-мунозара;
- кенгаш (йиғилиш);
- матбуот анжумани;
- иш билан боғлиқ юзма-юз мулоқот – бевосита, “жонли” диалог;
- новербал мулоқотни истисно этувчи телефон орқали суҳбат.

Аристотель: “Риторика – бу ҳар бир берилган мавзу бўйича ишонтириш усуллари топиш қобилияти” деб ҳисоблаган ⁶ ва ишонтириш усуллари кўйидаги таснифини таклиф этган.

• **логосга далил-исботлар** (нутқнинг рационал-мантикий мазмун-моҳияти),

• **этосга далил-исботлар** (нотик ахлоқий қиёфасининг ижобий томонларини намоён этиш)

• **пафосга далил-исботлар** (нутқни эмоционаллик билан безатиш, тингловчилар ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиш).

Логос, этос, пафос – ишонтириш жараёнининг ажралмас таркибий қисмлари.

⁶ Аристотель. Риторика // Античные риторика / Под ред. А. А. Тахо-Годи. М., 1978. С. 15-164.

А. А. Лунсфорд⁷ ва Л. С. Иде томонидан қайд этилган мумтоз ва замонавий риторика ўртасидаги мумтоз ва замонавий риторика ўртасидаги кескин фарқлар

Мумтоз риторика	Замонавий риторика
Инсон – рационал мавжудот.	Инсон – фаолиятнинг рамзлардан яратилган субъекти
Инсон уйғунлашган оламда яшайди.	Инсонлар жамияти фрагментлардан иборат.
Инсондаги асосий жиҳат – онгдир.	Инсондаги асосий жиҳат – ҳиссиётлардир.
Нотик ва аудитория ўртасидаги антагонистик муносабатлар ҳукумрон.	Нотик ва аудитория ўртасида кооператив муносабатлар ҳукумрон.
Коммуникация бир йўналишга қаратилган.	Мулоқот икки томонлама.
Нутқ мақсади – ишонтириш.	Нутқнинг мақсади – ахборот бериш.

Нутқнинг замонавий риторик моделини шакллантириш учун тушуниш, ҳамкорлик, коммуникация икки томонлама хусусияти каби категорияларни ҳисобга олиш зарур.

Умумий риториканинг нутқ сўзлашда амал қилниши лозим бўлган қоидалар:

1. Риторика “Тингловчини ҳурмат қилиш лозим!” – деб маслаҳат беради.
2. Риторика “Ўзингизни қизиқтирмаган нарса ҳақида сўзламасликка ҳаракат қилинг,” – деб тавсия беради.
3. “Нотикнинг ўз ишончи хайрихоҳлиги, самимийлиги, холислиги, завқ билан нутқ сўзлаши бошқаларга таъсир этади: улар тингловчиларга ҳам ўтади,” – деб умумлаштиради риторика.

НУТҚНИНГ ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАРИ

Услуби	Вазифаси	Қўлланиш соҳаси	Ўзига хос хусусиятлари
Расмий идоравий	Хабар етказиш, ахборот бериш	Иш юзасидан	Мазкур услубга нутқ стандартларининг мавжудлиги, баён қилишнинг умумэтироф этилган шакли, маълумотни стандарт жойлаштириш, атамалардан, қисқартма сўзлардан, аббревиатуралардан, феълдан ясалган отлардан фойдаланиш хосдир Жанрлар: шартномалар, кунунлар, кўрсатмалар, аризалар,

⁷ Lunsford A.A. The Everyday Writer. – Bedford /St.Martin’s, Boston–NewYork, 2001.

			маълумотномалар, ҳисоботлар.
Илмий	Ахборот бериш учун мўлжалланган (ахборот ҳақиқийлигини исботлаш)	Илмий соҳа	Илмий атамалар, мавҳум лексика, мураккаб гап қурилиши, синтактик конструкцияларнинг мавжудлиги. Жанрлар: илмий мақола, тезислар, диссертация, илмий маъруза
Публицистик	Хабар қилиш ва таъсир кўрсатиш	Ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатлар соҳаси	Материалларни оммабоп тарзда баён этиш, барча учун тушунарли бўлган ва самарали тилнинг воситаларидан фойдаланиш. Жанрлар: мақола, интервью, репортаж, очерк, фельетон.
Бадий	Эстетик таъсир кўрсатиш вазифаси	Маданият санъат соҳаси	Тилнинг барча бойликлари, шу жумладан, турли услубий бўёққа эга барча тил воситаларидан фойдаланиш
Оғзаки	Оғзаки шаклда олиб бориладиган мулоқот	Маиший ва касб-хунар доирасида, норасмий муносабатлар соҳаси	Мулоқотнинг норасмийлиги ва бемалоллиги, сўзловчиларнинг суҳбатда бевосита иштирок этиши, нутқнинг самимийлиги, имо-ишоралар, мимика ва лексикага хос бўлмаган воситалардан фойдаланиш (тўхтам қилиш, интонациялар, овоз темпи).

Жамоат олдида сзланувчи нутқнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини белгилаб берувчи асосий стилистик белгилари унинг:

- тўғри тузилганлиги (адабий нормаларга риоя қилиш);
- тушунарли ва оддийлиги;
- қисқалиги;
- бойлиги ва жўшқинлиги.

Нутқнинг умумий мақсади тингловчилар вақтини чоғ ўтказиш, уларни хабардор қилиш, руҳлантириш, ишонтириш, бирор ҳаракатга ундашдан иборат бўлиши мумкин. Ушбу мақсадлар қўшиб амалга оширилиши ҳам мумкин. Масалан, кўнгилочар характердаги нутқ ахборотсиз ва ҳатто аудиторияга таъсир кўрсатувчи усулларсиз ўтмайди. Худди шунга ўхшаш бирор ҳаракатга ундовчи нутқ агар у қизиқарли, ибратли, руҳлантирувчи ва ишонарли бўлмаса муваффақиятли чиқмайди. Бироқ нотик умумий мақсадларнинг қайси бири устунроқ эканлигини назарда тутган ҳолда ўз нутқини тузиши керак.

Саволлар.

1. Нутқ маданияти назариясининг асосий тушунчаси нима?
2. Грамматик услубшунослик нимадан иборат?
3. Нутқ сўзлаш жараёнида фойдаланиладиган қадриятларни айтиб беринг.
4. Нутқнинг мантикий-композицион қурилиши принципларини таърифланг.
5. Нутқ материаллини баён этиш методлари қайсилар?
6. Типик риторик позицияларга нималар киради?
7. Мулоқот турларига нималар киради?
8. Нутқнинг фуқционал услубларини таърифлаб беринг.

10-МАВЗУ: МУТАХАССИС НУТҚИ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ. ОЎЗАКИ НУТҚНИ ИФОДА ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

- 1. Нутқни ифода этиш турлари.**
- 2. Нутқий алоқа ҳодисаси.**
- 3. Нотиқлик фаолиятининг стратегик жараёни.**
- 4. Нутққа тайёрланишнинг психологик жиҳатлари**

Яхлит диалектик бирликни ташкил этувчи ва жамиятда асосан коммуникатив мақсадларга хизмат қилувчи *тил*, унинг динамик ҳолати бўлмиш *нутқ* ўта мураккаб ва серққирра лисоний ҳамда фалсафий категориялар жумласига киради. Ўзига хос ижтимоий ҳодисалар сифатида уларнинг ҳар бири жамият тараққиётининг негизини ташкил қилувчи маданият соҳасининг бетакрор ва беназир маҳсули ҳамдир.

Энг универсал лисоний (вербал) мулоқот воситаларидан бўлмиш тил ва нутқ бирликларидан тўғри ва ўринли фойдаланишга интилиш маданийлашган *тил* ва *нутқ* ҳақидаги тушунчалар, илмий қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Илмий адабиётларда маданийлик, маданият тушунчаларининг 200дан ортиқ таърифи қайд этилган. “Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида муайян одамлар жамоаси томонидан тўпланган ва тўпланиб келинаётган моддий-маънавий қадриятлар мажмуи, жамоа ижтимоий фаоллиги маҳсули: у тарихий генезисга эга ва алоҳида шахснинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди”. Ҳар қандай жамоа, у хоҳ оила, хоҳ дўстлар, хоҳ қўшнилар, хоҳ мактабдош ёки курсдошлар бўлсин, ўзига хос ва мос бирор-бир моддий ёки маънавий қадриятни яратади. Бундай жамоаларга хос маданият турини фанда *субмаданият* деб аташ одат бўлган. Миллий маданият билан унга мансуб шахс орасида ўзаро кучли боғлиқлик мавжуд. Уларнинг ҳеч бири бошқасисиз мавжуд бўла олмайди. Маданият шахсни муайян жамият ҳаётига мослашишга ўргатади. У будоирадан чиқиб кета олмайди ва унинг меъёрлари

билан яшайди. Шу боис ҳам ҳар бир миллат тили ўша миллат маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Маданиятнинг ўзи эса нутқ маданияти ва жамиятнинг тилга муносабати билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

«Тил маданияти» ва «нутқ маданияти» тушунчаларини бир – биридан ажратиб бўлмайди. «Нутқ маданияти» аниқ маънода тил бирликларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри мақсадга мувофиқлигини англатса ҳам умумий маънода маълум миллатнинг маданияти доирасига қаралади. Тўғри нутқ лисоний ва нолисоний омилларни ўз ичига оладиган мураккаб жараёни бўлиб, у мантиқшунослик, руҳшунослик, педагогика, этика, эстетика масалалари билан боғлиқ. Аммо, нутқ учун тилнинг биринчи ўринда туришни ҳеч ким инкор этмайди.

Инсон бирон бир нарсани ифода этаётганда у нутқ маданиятига эътибор бермайди, унинг ўйи мундарижада бўлиб, хотира эса қулайроқ лексик вариантни танлайди.

Оғзаки нутқда сўзлар миқдорини чеклайдиган меъёр мавжуддир. Оддий нутқда нутқ автоматик ва бошқариб бўлмайдиган ҳолга келади. Ҳолат ёмонлашганда эса нутқда меъёр ишлатилади. Нутқни ўйлайдиган жараён жуда мураккаб. Ифода этишнинг такомиллаши жараёни нутқий алоқага боғлиқ.

Ифода этишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ассертив- фактлар, информацияни эълон қилиш.
2. Коммесив- бирон-бир нарсани бажаришга буюриш.
3. Директив- иш қилишга мажбур этиш.
4. Декларатив- мақсадларни ифода этиш.
5. Аксиологик- бирон-бир нарсага баҳо бериш.

Нутқий ўйлаш тизими схемаси:

1. Мотивация- ҳар бир ифоданинг бошида мақсад ётади, бунда гапирувчида ҳаракат натижаси пайдо бўлади, лекин ҳаракат режаси бўлмайди.

2. Ички режалаштириш жараёни-бунинг хусусияти тил асосида иккиламчи томошабинларнинг тимсолининг пайдо бўлиши билан белгиланади.

3. Лексик - граматик жараён- бунда ички нутқдан лексик-грамматик ифодага ўтиш рўй беради.

Оғзаки кўринишнинг қуйидаги турлари бор:

1. Докоммутатив - аудитория олдида чиқишга қадар.
2. Комуникатив - нотиқнинг омма олдида ўзини тутиш.
3. Посткоммутатив чиқишнинг тахлили ва унинг камчиликларини эътиборга олиш.

- Мақсаднинг қанчалик амалга ошганлиги

- Ифода мантиқи.

Нутқий алоқа ходисасининг тахлили.

Одатда, оғзаки чиқиш қилишга тайёргарлик мавзу танлашдан бошланади, у таклиф қилинган ва буюртма берилган бўлиши мумкин. Ҳар

холда мавзу танлангандан сўнг чиқиш қилиш мумкин. Асосий риторик қоидага бўйсунтириш лозим – йўқликка таъқиқни ифода айтади. Мавзу қизиқ, долзарб аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Мавзу номи жалб қилувчан бўлиши лозим.

Оғзаки нутқлар қуйидаги турларга бўлинади:

- Агитацион, ташвиқот
- Пропагандистик, тарғибот.

Агитацион нутқ мақсади- аудиторияга тез таъсир қилиши, эшитувчиларда бирор – бир қарор қабул қилишга ундаш.

Пропагандистик нутқ мақсади- бирор бир информация, фактни аҳоли онгини ошириш мақсадида узатиш.

Чиқиш тури, мавзуси ва йўналиши бўйича нотиқлик чиқишлари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ҳис-ҳаяжонли нотиқлик. Нотиқ фақатгина фикр билдирмай, балки ҳис- ҳаяжони билан аудиторияни лол қолдиради, унга таъсир қилади, у асосан ҳис –туйғуга таъсир қилади.

Этишмовчиликнинг хусусиятлари;

1. айрим ҳолларда нотиқ алдоқчи вазиятга тушади. Одатда улар бошқа нотиқлардан тўғридан тўғри кўчириб оладилар.

2. Уларнинг нутқи унчалик ишонарли бўлмаслиги мумкин. Бу аудиторияга боғлиқ.

3. Улар ахён – ахёнда ростликдан чекинади.

4. Бундай турдаги нотиқлар аниқ бўлмаган нарсаларни сўзлайдилар, бу билан улар аудиториянинг эътиборини жалб қилишга уринадилар.

5. Объектив - реалистик турдаги нотиқ (нотиқ-эрудит.)

Аҳамияти ва тавсиялар:

1. Энг янги адабиётдан хабардор бўлиши лозим.
2. Ортиқча тушунтиришлардан қочиш.
3. Ўзи билмайдиган мавзунини гапирмаслик.
4. Умумий маънога эга бўлган сўзлардан қочиш.
5. Кўп гапирмаслик.
6. Сизнетез қилишни, материални умулаштиришни, асосийсини ажратишни билиш.

Ақлли нотиқ. Бу турдаги нотиқлар, кўп гапирмасдан, оммани ишонтиришга уринмасдан, фақатақлли ва умумий фактларга суянади.

Оғзаки фикрлайдиган нотиқ (суқротча тури). Бунда нотиқ рост гапни эълон қилмайди, бирон-бир нарсага амал қилишга чақирмайди, балки эълон қилинган муаммони аудитория билан ечишга ҳаракат қилади, барча қарши ва қарши бўлмаганлар овозларини йиғади.

Камчилик ва хусусиятлари:

1. Нотиқ одатда фикрни йўқотади.

2. Энг кучли нутқ (адвокатлик)

Нотиклик чиқишининг 1) дискурсив 2) интуитив 3) ассоциатив фикрлаш услублари бор:

Дискурсив – мантиқ қонунларига асосланган силлиқ ва бўшлиқларсиз. Нотик аниқ, тушунарли гапиради, лекин бу кўпинча зерикарли бўлади.

Интуитив – нотик силлогизмдан фойдаланиб, фикрни тушунтириб беради. Силлогизм тезис, фикр, ақлий хулосани ўз ичига олади. Рус файласуфларига ҳос.

Ассоциатив – ассоциатив алоқанинг қонунлари, фикрлар ривожига фақат гапирувчига маълум. Рассом ва шоирларга ҳос.

Нутқнинг коммуникатив аниқлигининг икки хили мавжуд: тушунарли ва предметли.

Агар муаллиф фикри кўрсатилаётган расмга тўғри келса, у аниқ бўлади. (матн-аниқлик)

Агар бу фикр сўзларда акс этган бўлса, аниқ тушунарлиликка амал қилинган бўлади. (матн-фикр)

Амалиётда бошқа тушунчалар ишлатилади:

Фактлик аниқлик, коммуникатив аниқлик ҳар доим ҳам сўзлар меъёрлашмаган маънода ишлатилганда, аниқликка олиб келмайди, айрим ҳолларда матн, ифода аниқ чиқади.

Хатолар тури. Сўзлар аралашганда:

- маънолар бўйича ўхшашлиги
- оханглар бўйича ўхшашлиги
- маъно ва оханг бўйича ўхшашлиги
- маъно ва оханг бўйича ўхшашлиги эмас, бир синтактик

майдонга тегишли бўлган.

Нотиклик фаолиятининг стратегик жараёни

Оғзаки чиқишга тайёргарлик:

1. Докомутатив – аудитория олдига чиқишга қадар

2. Коммуникатив – нотикнинг олдига чиқишга қадар

3. Посткоммутатив - чиқишнинг тахлили ва унинг камчиликларини эътиборга олиш:

- мақсаднинг қанчалик амалга ошганлиги
- ифода мантиқи

Ҳар доим ҳам сўзлар меъёрлашма маънода ишлатилганда матн, ифода аниқ чиқади.

Нотиклик фаолиятининг стратегик жараёни

Оғзаки чиқишга тайёргарлик.

1. Факт ва назарий материал устидан ишлаш.

- фактларни танлаш
- манба билан

2. Матнни текшириш. Мантиқ, нутқнинг мемпозицион

бутунлиги, унинг аниқлиги, умумийлиги.

3.Чиқиш қилиш усуллари. Нутқ машиқи.

1.Факт ва назарий материаллар устида ишлаш чиқиш режаси тузилади, сўнг нутқ тўлиқ фактлар билан тўлдирилади.

Факт танлаш

- улар аниқ ва рўй-рост бўлиши мумкин.
- чиқиш фикрининг умумийлигига бўйсунди.
- фақат муҳим ва бор фактларни танлаш (28)
- фактларга шахсий, хиссиётли ёндашув
- фактларни қоидаларга мувофиқ таҳлил этиш.

Тингловчиларнинг психологик хусусиятлари ва уларни ҳисобга олиш зарурати

Нотиклик маҳоратини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири нотик ва тингловчилар, яъни нутқ сўзловчи ва аудитория ўртасида тўғри муносабат ўрната олиши малакасидир. Бундай малакага эга бўлиш эса, ўз навбатида, нотикдан жамоа ва гуруҳлардаги психологик жараёнлардан воқиф бўлишни, ўзаро мулоқот жараёнига таъсир этувчи омиллар ва амал қилувчи қонунларни билиш заруратини юзага келтиради. Шундай экан, ўзаро мулоқот жараёнида юзага келувчи психологик қонунлар ва ўзига хос хусусиятлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки нотик жамоа билан мулоқотга киришар экан, жамоадаги муҳитни тасаввур этиши қийин. Жамоа, авваламбор, унинг аъзоларидан иборат ва нотик уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида алоқа ўрнатади. Нотик ҳатто ўз эътиборини бир тингловчидан бошқа тингловчига ўтказиш орқали бутун жамоа билан бўладиган мулоқотни таъминлайди. Яъни, нотик нутқи турли аудитория учун турлича бўлиши лозим нотик гуруҳнинг ҳар бир аъзоси билан яккама якка ўрнатилувчи ва биридан иккинчисига ўтиб борувчи мулоқот шаклини амалга оширади.

Шундан келиб чиққан ҳолда жамоадаги шахслараро муносабатлар давомида юзага келувчи ўзаро идрок жараёнининг механизмлари устида тўхталиб ўтамиз. Улар қуйидагилар:

1) идентификация — бошқа одамнинг хислат ва хусусиятларини ўзимиздаги хислатлари билан қиёслаш орқали таърифлаш. Бунда, ўзганинг айрим хислатлари ва ҳаракат мотивларини ўз шахсимиз билан уйғунлаштирамиз, яъни ўзганинг ҳолатини худди ўзимизникидек тасаввур этамиз. Нотик, жамоа олдида нутқ сўзлар экан, гуруҳнинг алоҳида аъзоларига хос бўлган хусусият ва кайфиятни худди ўзиникидек ҳис этиши, гуруҳнинг умумий кайфиятини илғаб олиб, уни ҳис этиши жуда муҳим.

2) рефлексия — ўзаро муносабатлар туфайли юзага келадиган ҳис туйғуларга эътибор қаратиш, ўз ҳаракати ва ҳиссиётларини таҳлил қилиш.

3) эмпатия — ўзга одамнинг қалбида кечинмаларни худди ўзиникидек ҳис этиш ва у билан биргаликда қайғуриш.

4) стереотипизация — бирон ижтимоий гуруҳга хос бўлган белгиларга асосланган ҳолда ўзгани идрок этиш ва унга баҳо бериш.

5) аттракция (франц. “attraction” – тортиш, жалб этиш) – одамларнинг бир-бирини ўзаро жалб этиши, улар ўрасида дўстлик, ёқтириш ва муҳаббат ҳисларининг уйғониши. Аттракцияни уйғотиш – ўзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, яъни ўзига жалб қилишни англатади. Нотиқ фаолиятида аттракциянинг аҳамияти жуда катта. Ҳар бир гуруҳ ва тингловчиларда нотиқ ўзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантира олиши керак. Психологияда шундай нақл бор: “Ёмон одамлар эмас, балки ёмон муносабатлар мавжуд”. Аттракциянинг қуйидаги қонунлари қайд этилади:

1. Инсонни тушуниш ҳали уни қабул қилиш дегани эмас. Аудитория нотиқни қабул қилиши учун унинг мақсади, қизиқиши тингловчилар билан мос келиши, агар мос келмаса, ҳеч бўлмаганда жамоага қарши бориш керак эмас.

2. Мулоқот жараёнида икки томон ўзаро тенг бўлган ҳолатдагина одамлар ўзаро ижобий муносабатларда бўлишлари мумкин. Демак, ўзаро салбий муносабатни намоён қилиш аттракция шаклланишига ҳалақит беради ва натижада антипатия юзага келади.

Юқорида санаб ўтилган социал-психологик ҳолатлар асосида ҳар қандай нотиқ аудитория билан муносабатга киришади ва ҳар қандай мулоқотни такомиллаштиришда мазкур жиҳатлар ҳисобга олиниши лозим. Хусусан, рефлексия механизми орқали нотиқ ўз қалбига қулоқ тутган ҳолда жамоадаги кайфиятни ва муҳитни худди барометр сингари баҳолайди. Яъни нотиқнинг ишчан ва кўтаринки кайфияти жамога хос бўлган кўтаринкилик ҳолатининг акси бўлса ажаб эмас. Ва аксинча, нотиқ кайфиятидаги тушкунлик ва лоқайдлик жамоа аъзолари ҳис этаётган ҳолатнинг акси бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам нотиқ, бутун мулоқот давомида ўз кайфиятига эътиборли бўлиши, айнан ўз ҳолатидан келиб чиққан ҳолда жамоа кайфитияга баҳо бериши ва ўртадаги муносабатни мустаҳкамлашга интилиши лозим.

Юзаки маълумотларга асосланган ва соддалаштирилган образлар шаклидаги стереотиплар самимий муносабатлар ўрнатишга ҳалақит беради. Масалан, ўзгаларнинг ёши, жинси, касби, миллатига асосланган стереотиплар мулоқотдаги иккала томонга салбий таъсир кўрсатади ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш имкониятини мутлақо чеклайди.

Бир қатор тадқиқотлардан аниқланишича, ўзгаларга нисбатан хайрихоҳлик муносабати кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Одам ўзидан қанчалик қониқса, бошқаларга ҳам шунчалик хайрихоҳ муносабатда бўлар экан. Ўзидан қониқиш — ўзини яхши кўриш, ўз шахсига меҳрибонларча муносабатда бўлиш, ўз камчилик ва ютуқларини бирдай кўриш, талафот ва муваффақиятсизликлардан конструктив хулоса чиқарган ҳолда улардан олган жароҳатларни тезда

унутишни англатади. Инсоннинг ўзини қандай қабул қилиши ва унинг ўзига нисбатан ижобий муносабати ўзгалар билан муносабат ўрнатишда ҳам намоён бўлади. Натижада, ўзгага нисбатан меҳрибонлик, ўзгани қадрлаш, кечиримли бўлиш ва ўзаро муносабатларда юзага келадиган қийинчиликларни тезда, конструктив ечимга йўналтира олиш малакаси намоён бўлади.⁸

Бундан ташқари, мулоқот жараёнидаги вазиятнинг хавфлилигига кўра, бошқа одамга бўлган муносабатимиз ўзгариб бориши мумкин. Агар хавф иккала томон учун умумий бўлса ва уни келишган ҳолда енгиб ўтиш имкони бўлса, ўзаро симпатия даражаси ошиб боради. Агар хавф манбаи суҳбатдош бўлса, унга нисбатан муносабатимиз салбий тус олиб боради.

Нутқ орқали аудиторияга самарали таъсир этиш суҳбатдош билан адекват мулоқот меъёрларини ўрнатишни назарда тутди. Оғзаки нутқ қоидаларини бир нечта гуруҳларга бирлаштириш мумкин ва улар қуйидагилар.

Коммуникатив меъёрни сақлаш қоидалари

- нутқ сўзлаш этикети меъёрларига риоя қилиш, яъни керакли пайтда миннатдорчилик билдириш, бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва ҳ.к.
- нутқ маданияти меъёрларига риоя қилиш сўзларни тўғри талаффуз қилиш, шевадан йироқлашиш, ўрта темпда гапириш, овозни бирданига баланд кутармаслик, сўзларни ўз маъносида ишлатиш, қўпол сўзлардан фойдаланмаслик.

Маданий меъёрларга амал қилиш инсон тарбияси ижобийлигидан, унинг ишончлилигидан далолат беради. “Яхши гапираяптими, демак тўғри гапираяпти”, деган фикр кўпчилик одамларга тегишли.

Тингловчилар билан контакт ўрнатиш қоидалари

Нотиқ биринчи дақиқаданоқ аудитория билан ижобий муносабат ўрнатишга ҳаракат қилиши керак ва бундай ижобий муносабат бутун мулоқот давомида сақлаб турилиши керак.

Нутқнинг сер мазмунлиги

Бундай хусусиятни таъминловчи қоидаларда “Қандай вазиятда нимани гапириш кераклиги” назарда тутилади.

Бунинг учун:

- суҳбатдошларни қизиқтирадиган мавзу танланиш керак;
- кўпроқ ижобий маълумотлар баён қилиш керак;
- салбий маълумотни иложи борица камайтириш керак;
- аниқ далиллар келтирилиши керак;
- мисоллар ҳаётдан олинishi керак.

Фикрни тил орқали ифодалашга ёрдам берувчи қоидалар

⁸ Огнев А.С. доктор психологических наук, профессор Российской академии государственной службы при Президенте РФ, консультант по организационному развитию

- Нотикнинг сўз бойлиги.
- Ёркин тасаввурлар уйғотадиган сўзлардан фойдаланиш.
- Умумистеъмолда бўлган сўзлардан фойдаланиш, илмий атамаларни камайтириш.
- Овоз оҳангини ўзгартириш, бир хил оҳанда гапирмаслик
- Нутқ темпини бир хил сақлаш (дақиқасига ўртача 120та сўз айтиш).
- Рақамларни кўп келтирмаслик, уларни умумлаштирган ҳолда келтириш.

Мулоқот жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи қоидалар

Ушбу қоидалар нотик имиджининг ижобий таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Бунинг учун нотик қуйидагиларни намойиш этиши керак:

- хушмуомалалик, саломлашиш;
- самимийлик;
- илҳом билан сўзлаш;
- ҳиссиёт ва кечинмаларни меъёрида намойиш этиш;
- жисмонан тетиклик, ҳаракатчанлик;
- тингловчиларнинг гапига безътибор бўлмаслик;
- баҳс пайтида баланд овозда гапирмаслик;

Маълумот ҳажмини белгиловчи қоидалар

Нотик қуйидагиларга амал қилиши керак:

- фикрларнинг лўнда ва аниқлиги;
- фикрни кўп такрорламаслик;
- қисқа жумлалар билан гапириш.

Маълумотнинг жойлашуви

- муҳим маълумот суҳбат бошида ва охирида бериш керак;
- муҳим маълумотни нутқнинг турли ўринларида турли сўзлар ва турли мисоллар билан такрорлаш.

Маълумотнинг йўналганлиги

Маълумот аудитория хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тузилиши, тингловчиларнинг билим ва қизиқишларини назарда тутган ҳолда танланиши лозим.

Нотиклик маҳоратини эгаллаш илмида шундай қоидалар борки, нотик доимо уларни назарда тутиши лозим:

Биринчидан, аудитория инерт, яъни турғун ҳолатда бўлади. Кўпинча бирон мавзунини эшитгани келган тингловчилар шу мавзу ҳақида ўзининг маълум бир тасаввурига эга бўлади.

Иккинчидан, аудитория сизнинг фикрларингизга қаршилик кўрсатишга мойил, чунки ҳар бир одам табиатида бирон таъсирга қаршилик кўрсатиш иштиёқи мавжуд. Бундай қаршилиқ асосида ҳар бир шахснинг ўз “Мен”ини сақлаш истаги, ўз ички дунёсининг яхлитлигини таъминлаш туйғуси ётади (Б.Ф. Поршнев «Социальная психология и история» (М., 1979).

Нотик ва аудитория ўртасида турли хил фарқлар мавжуд. Агар бундай фарқ маданий ва миллий омиллар билан белгиланган бўлса, у ҳолда этноцентризм каби жиддий коммуникатив тўсиққа айланиши мумкин. Этноцентризм бошқаларни ўз маданий қадрият ва эътиқодлари орқали идрок этишдир. Кўпинча бундай тўсиқ «биз — яхшимиз, улар — ёмон» тарзда

намоён бўлиши мумкин. Этноцентризм бу – ўз жамоасига тегишли бўлган мезонлар асосида бошқаларни баҳолаш ва натижада, ўз гуруҳини бошқалардан устун қўйишга олиб келиши мумкин.

Нотик томонидан ўзидаги этноцентризмни англаш бундай коммуникатив тўсиқни енгиб ўтишдаги биринчи ва асосий қадам ҳисобланади.

Группоцентризм деган коммуникатив тўсиқ ҳам мавжуд бўлиб, бунда биз бошқа гуруҳларни ва касб эгаларини бегона тараф сифатида идрок қилишимиз ва ўртада бегоналик ҳиссини намоён қилишимиз мумкин. Бу эса уларга нисбатан хайрихоҳликни намоён қилолмаслик, улардан бегонасираб ҳурмат намоёйиш этиолмаслигимизда кўриниши мумкин. Нотик қалбида бундай жиҳатларнинг мавжудлиги мулоқот жараёнига тўсиқ сифатида намоён бўлади.

Нотик ва аудитория ўрасидаги мулоқотга салбий таъсир этувчи жиҳатлардан яна бири когнитив тўсиқлар деб аталади ва булар инсоннинг фикрлаш хусусиятларида кўзга ташланади. Маълумки, нотик суҳбат мавзусини тингловчиларга нисбатан анча яхши билади. Мавзуга олдиндан тайёрланиш давомида у кўпгина маълумотларга эга бўлади ва ҳатто ўзига хос фикрлаш услубини шакллантиришга ҳам эришади. Жамоа ва нотик ўртасидаги ақлий малакалар билан боғлиқ бундай тафовутлар мулоқот жараёнини қийинлаштириши ва нотик фаолиятига тўсиқ ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун нотик учрашувдан аввал тингловчилар ҳақида иложи борица кўпроқ маълумот йиғиши, уларнинг билим савиясига ва жамоа даражасига мос келадиган матн тайёрлаши зарур.

Нутқ сўзлаш жараёнида нотик ишлатувчи сўзлар ҳам нотик ва тингловчилар ўртасида тўсиқни юзага келтириши мумкин. Бундай мулоқот шароитида нотик ва аудитория ўртасидаги тил малакалари ўртасида катта фарқ кузатилади. Масалан, нотик томонидан ўз касбига оид илмий атама ва иборалардан кўп фойдаланиш, ўз нутқининг тингловчилар томонидан қай даражада тушунилиши ҳақида қайғурмаслик когнитив ва тил тўсиқларининг асосини ташкил этади.

Нутққа тайёрланишнинг психологик жиҳатлари

Агар нотик қуйидаги тавсияларга амал қилса ўз чиқишини анча осонлаштириши ва муваффақиятини таъминлаши мумкин. Энг аввало, муҳим нутқ сўзлайдиган кунингиз руҳий ва жисмоний жиҳатдан яхши ҳолатда бўлинг. Қуйидаги тавсияларга амал қилинг

1. Аудиториядан кўрқманг.
2. Дикқатингизни кечинмаларингизга эмас, балки гапирадиган гапингизнинг мазмунига қаратинг. Шуни билингки, тингловчиларга Сизнинг шахсингиздан кўра Сиз айтадиган фикр, Сизнинг сизнинг нуктаи назарингиз муҳимроқ. Уларга Сизнинг қандай гапиришингиз эмас, балки нимани гапиришингиз қизиқроқ. Тасаввур қилинг, Сиз муҳим хабар олиб келган хабарчисиз. Бизни хабар олиб келган одам эмас, балки қоғозда ёзилган матн қизиқтиради. Матн мазмунини қалбингизда ушланг, уни ҳис этинг, матн мазмунини беш

бармоғингиздай аниқ билинг ва унга ишонинг. Шундан сўнг ишонч билан ва дадил гапиринг.

3. Тингловчиларга бутун маълумотни охиригача айтманг. Ичингизда охиригача очилмаган гаплар қолсин, улар Сизнинг ишончингизни янада мустаҳкамлайди.

4. Сўзга чиқадиган кунингиз кўп тайёрланманг. Бироз чалғинг ва мияннгизга дам беринг.

5. Сўзга чиқишингиздан бир ёки икки соат олдин бирон тасодифий ишларга чалғиманг, янги ишларни ҳам бошламанг — бу диққатингизни бўлади.

6. Муҳим чиқишлардан олдин овқат еманг.

Тингловчиларни муайян жиҳатларига кўра турли тоифага ажратиш мумкин

- Ёшига кўра — болалар, ёшлар, ўрта ва катта ёшлилар;
- Нотикқа бўлган муносабатига кўра — хайрихоҳ, бефарқ ва салбий муносабатдаги;
- Тайёргарлигига кўра — яхши тайёрланган, тайёрланган ва кам тайёрланган;
- Маълумотига кўра — билимли, паст билимли;
- Касб-корига кўра — аниқ фанлар, ижтимоий гуманитар йўналиш, ўқувчилар, ишлаётганлар ва ҳ.к.;
- Ҳажмига кўра — катта, кичик аудитория;
- Психик шаклига кўра — турғун ёки эгилувчан;
- Гендер ҳолатига кўра — эркак ёки аёл;
- Миллий таркибига кўра — бир миллатли ёки турли миллатли;
- Матнни тушунишига кўра — тушуниш савияси паст тингловчилар, маълумотни тушунувчилар, матн мазмунини тушуниб уни амалиётда қўллай олувчилар,

Қуйида мазкур санаб ўтилган аудиторияларда нотик амал қилиши лозим бўлган айрим қоида ва талаблар устида тўхталиб ўтамиз.

Бир хил /турли хил аудитория

Таркиби бир хил бўлган аудитория ҳар қандай нутқ учун қулай ҳисобланади. Турли хил таркибли аудиторияда ҳар хил ёшдаги, турли касбдаги одамлар иштирок этади — фарзандлари билан ота-оналар, қариялар ва ёшлар, маълумотли ва маълумотсизлар. Шунинг учун ҳам бундай аудиторияда нотик бироз қийинчиликка дуч келади, жамоага қандай ёндашишни билмайди. Бундай аудиторияда мураккаб бўлмаган, оддий сўзлар билан, худди ёш болаларга мўлжаллангандек нутқ сўзлаш тавсия этилади. Жиддий муаммолар бўйича тингловчиларда уйғонган саволларга батафсил жавоб бериш ва мавзуни охиригача очиш имкони туғилади. Турли хил таркибдаги аудиторияда муҳокама қилинадиган масаланинг биттадан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Катта/катта бўлмаган аудитория

Агар аудиторияда тингловчилар сони 30 кишидан кўп бўлса, бундай аудитория катта аудитория дейилади. Катта аудиторияда сўзга чиқиш

осонроқ. Нима учун? Катта аудиториянинг нотикқа ишончи баландроқ бўлади. Катта аудиторияда шундай фикр ҳукм суради: «Биз биргамизми, демак, биз адашмаймиз». Катта аудиторияда бир-бирини эргаштириш механизми кучли ишлайди.

Нотик тингловчиларнинг маълуми қисмини ўзаига жалб қила олдим — бу таъсир қолганларга ҳам “юқа” бошлайди.

Катта аудиторияда доимо биров кўтаринки кайфият кузатилади: кўпчилик одамларнинг бир жойда бўлишининг ўзи кайфиятни кўтаради. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, аудиторияга таъсир этишни енгиллаштиради — одатда, бундай аудиторияда нотикқа нисбатан танқидий муносабатлар кузатилмайди.

Катта жамоада интеллектуал солохият даражаси пасайишга мойиллиги кузатилади. Гуруҳ қанчалик катта бўлса, унинг ўртача ақлий даражаси шунчалик паст. Шу сабабли, катта гуруҳ билан оддийроқ тилда гаплашган маъқул.

Гапирадиган жойингиз баландроқ бўлиши ва нотик кўриниб туриши керак. Нутқ қисқа бўлиш лозим, чунки катта аудитория узун матнларни ёқтирмайди ва тезда чарчайди. Нутқ жараёнида фикрлар аниқ бўлиши, жумлалар эса ёрқин бўлиши керак.

Тингловчиларнинг савиясидан келиб чиқиб, барчага тушунарли бўлиши учун оддий сўзлаш керак.

Нотикнинг эмоционаллиги ўрта даражада бўлиши керак.

Аниқ ва оддий қарорларни таклиф қилиши, бир нуктаи назарни тарғиб қилиш, тушунтириш ва асослаш керак.

Фикрни узоқ ва батафсил асослаш шарт эмас, аудиторияни атайлаб фикрлашга чорлаш эмас, балки ўйлашга дарҳол жалб этиш керак.

Кичик гуруҳда танқидий муносабатлар бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Кичик гуруҳда нутқ сўзлашда қуйидагиларни ёдда тутиш керак:

Минбарга фақат зарур бўлган пайтдагина чиқиш керак, яхшиси, пастга, тингловчилар олдида тушган маъқул. Микрофондан воз кечган маъқул. Агар тингловчилар залда тарқоқ ҳолда ўтирган бўлишса, уларга яқинроқ бориш керак. Биринчи қаторга ўтиришни илтимос қилиш шарт эмас.

Чиқиш суҳбат тарзида ўтиши керак, нотик мулоқот услубини танлаши керак.

Нотик ўз фикрини батафсил ва пухта асослаб бориши керак.

Материални ҳам индуктив, ҳам дедуктив шаклда баён қилиш мумкин.

Аудиторияни ўйлашга чорлаш, унга саволар бериш керак.

Муҳокамага конструктив таклифлар олиб чиқилиши керак.

Тайёрланган/тайёрланмаган аудитория

Одатда, аудитория тайёргарлигининг уч даражаси фарқланади:

Яхши тайёрланган, тайёрланган ва яхши тайёрланмаган аудитория.

Яхши тайёрланган аудитория деганда, катта ва ўрта ёшли тингловчилардан иборат, олий ва махсус маълумотли, етарлича ҳаётӣ ва ижтимоӣ тажрибага эга, ташқи оламни билишга ички мотивлари мавжуд

тингловчилар назарда тутилади. Одатда, улар раҳбарлар, ўқитувчи-профессорлар, сиёсий соҳа вакиллари бўлиши мумкин.

Тайёрланган, етук аудитория эса, асосан, ўрта маълумотга эга, ўрта ёшли ва ёшлардан иборат тингловчилар бўлиб, улар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга эмас, лекин янги нарсани билишга интилиши бўлган одамлардир. Бундай тоифага юқори курс талабалари, бирон соҳа мутахассислари киради.

Яхши тайёрланмаган аудиторияга эса ўрта ёки тугалланмаган маълумотга эга одамлар, ўсмирлар, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ва билимга интилиши йўқ ёшлар киради.

Яхши тайёргарлиги бўлган аудитория олдида чиқишдан олдин, бугунги учрашувда улар нима янги қандай маълумотларни билиб олиш мумкинлиги ҳақида гапириб ўтиш керак, чунки бундай аудитория вакилларининг асосий мотиви — «янги нима олиш мумкин?» деган саволдир. Нутқ темпи юқори бўлиши керак, чунки тайёрланган аудитория мавзунини яхши тушунади ва нутққа тез ишонади.

Ишонтиришнинг мантиқий услубига мурожаат этиш керак, тингловчиларнинг ақл-заковатига мурожаат этиш ва рационаллик етакчи бўлиши лозим.

Абстракт ва мавҳум фигураларга мурожаат этиш, иррационал ва парадоксал далиллар ҳам самарали ҳисобланади.

Эмоционал ҳолатларни юзага келтириш, асосан, чарчоқни енгиш ва тингловчилар биров дам олиши учун йўналган бўлиши керак. Ўсиб боровчи асослаш самаралироқ — яъни кучлироқ далиллардан кучлисига қараб ўсиб бориш тавсия этилади.

Диалогик нутқ иложи бориша кўпроқ бўлиши керак.

Аргументация, яъни асослашга иложи бориша тингловчиларни жалб этиш керак.

Тингловчиларнинг диққати турли нотиклик услублари ёрдамида ушлаб турилади (саволлар, такрорлар, гуруҳга мурожаат этиш, риторик ўхшатишлар).

Тайёргарлиги яхши бўлмаган одамлар билан мулоқотда эса секинроқ гапириш керак: чунки тайёргарлиги суст одамлар нутқини тушунишлари қийин кечади.

Нутқнинг савол-жавоб шаклда олиб бориш самаралироқ.

Нутқда эмоционаллик иложи бориша кўпроқ бўлиши, ҳаётий мисолларни кўпроқ келтириш лозим.

Аргументациянинг бир томонлама шакли кўпроқ самара беради. Амалиётга мурожаат этиш керак (*Сиз ...га эна бўласиз, Сиз ... ни қила оласиз, Сизда ... малакалари шаклланади* ва ҳ.к.).

Пастлаб боровчи аргументация самаралироқ, яъни кучли далилдан кучсизига қараб бориш лозим.

Юмordan фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Иррационал далиллар, ҳиссиётга таянган мисоллар ишонарли ҳисобланади. Риторик усуллар ичида такрорлаш жуда самарали ҳисобланади. Нуфузли одамлар сўзларига

мурожаат этиш ҳам яхши иш беради (академиклар, профессорлар, чет эл олимлари), шунингдек, тарихий фактлар ишонарли қабул қилинади.

Нутқни яқунлашда цитата ва мақолларга мурожаат этиш самарали ҳисобланади

Профессионал аудитория

Бундай аудитория кам ўрганилган бўлиб, кўпроқ кузатув натижаларига асосланган.

Аниқ фан вакиллари нотиқдан аниқ мулоҳазаларни талаб қилишади. Бундай соҳа вакилларига маълумотни таҳлил қилган, уни таркибий қисмларга бўлиб бериш керак. Бундай аудитория нотиқдан аниқ рақамларни кутади. П.Мицич ёзганидек: «Техник соҳа вакили учун 1000 та сўздан кўра 4 та рақам афзалроқ». Бундай аудиторияда материални дедуктив шаклда бериш самарали ҳисобланади. Техника соҳаси, табиий фанлар вакиллари олдида чиқишда гуманитар соҳадаги билимларга мурожаат этиш самара беради, фанлар тўқнашувидаги муаммоларга тўхталишга маслаҳат берилади.

Гуманитар соҳа вакиллари учун эса маълумотни индуктив шаклда етказиш ўринли. Бундай аудиторияда рақамларга кўп мурожаат этиб бўлмайди, яхшиси умумий раққослашга мурожаат этган яхшироқ: *икки барабар кўп, бир ярим барвар кам.*

Позитив/негатив муносабатли аудитория

Нотиққа ва унинг позициясига бўлган муносабатига кўра позитив (хайрихоҳ), индифферент (бефарқ) ва негатив (ёқтирмайдиган) аудиторияни фарқлаш мумкин.

Хайрихоҳ муносабатдаги аудитория бир томонлама аргументацияни яхши қабул қилади. Чиқишнинг бошланишидаёқ асосий ғояни ўртага ташлаш керак. Ўсиб боровчи аргументация самарали ҳисобланади — кучсиз далиллардан кучлисига қараб боровчи.

Бефарқ аудиториялар кўпроқ учрайди. Бундай аудиториянинг эътиборини нотиқ ўзига ром этиши керак. Бундай ҳолатда нутқнинг бошланиши жозибадор бўлиши ва ўзига ром эта олиши керак: иложи борича эмоционал гапириш, аудиторияга ва айрим тингловчиларга тез-тез мурожаат этиш, тингловчилар сизнинг нутқингизни эшитгандан сўнг қандай фойда олишни кўрсатиб ўтиш, қисқа гапириш ва ҳаётий мисоллардан кўпроқ келтириш керак.

Сухбатнинг бошланишидаёқ мавжуд ғояни тасдиқловчи ва уни рад этувчи ҳолатларни айтиб ўтиш ва шундан сўнг хулоса тарзида ўз фикрини баён қилиш керак. Аргументларни ўсиб боровчи, кучаювчи ва яна пасаяувчи шаклда берган ўринли.

Негатив (салбий) муносабатли аудиторияда сўзга чиқиш энг мушкулдир.

Статистиканинг кўрсатишича, ҳар қандай аудиториянинг 10%и нотиққа ёки муҳокамага олиб чиқилган мавзуга қарши бўлади. Бунинг сабаблари турлича — нотиқни ёқтирмасликдан бошлаб, ўз муммолари, ташвишларидан келиб чиқади. Шунинг учун аудиториядаги барчани қизиқтиришга ҳаракат қилиш керакмас — бу нореал мақсад. Негатив

аудитория шакланишининг яна бир сабаби шундаки, ҳар қандай одам бошқа одам таъсирига осонликча ва шундайгина берилишни истамайди, нотикнинг фикрини тайёр ҳолда олиш истагида бўлмайди ва ўз ички қаршилигини намоиш этади. Б.Ф. Поршнева бунинг контрсуггестия деб атайди.

Негатив муносабатли аудиторияда қандай сўзга чиқиш керак?

Аваламбор, тингловчилар ичидан нотикка хайрихоҳ бўлган бир нечта одам топиш ва уларга таяниш лозим. Бундай аудиторияда сўзга чиқиш учун айрим тавсиялар: ҳаммани ишонтиришга уринманг; ўзингиз танлаб олган бир нечта сизга хайрихоҳ тингловчиларни ишонтиринг ёки мавзудаги айрим ҳолатлар юзасидан улар хайратини уйғотинг; чиқишингизни зиддиятсиз, ҳамма рози бўладиган фикр билан бошланг. П.Сопер таклифича: «Агар фикрингиз жуда баҳсли бўлса, уни сал кейинроққа, гуруҳ ичидан сизга хайрихоҳ одамлар пайдо бўлгунга қадар қолдиринг». Чиқишингизнинг боши ва якунида қуйидаги тасдиқлардан фойдаланинг: *“Мен Сизларни ҳеч нарсага ишонтироқчи эмасман, мен шунчаки бу ҳақда ахборот бериб ўтмоқчиман”*. Агар чиқишингиз давомида аудиторияда қаршилиқ кучайиб бораётганини сезсангиз, шу заҳотиёқ ишонтирувчи нутқни маълумот берувчи нутқ шаклига ўтказинг. Аргументация эса кучли далилдан кучсизроқ далил томон боргани маъқул.

Аёллар/эркаклар аудиторияси

Аёлларда конкрет образли тафаккур устун бўлади, шунинг учун ҳам моддий ва турмушга оид мисолларга ўта сезгир бўладилар. Аёллар аудиториясига юқори эмоционаллик хос; маълумотни эшитиб қабул қилишга мойил; унда иқтисодий, илмий-техник ва спортга оид мавзуларга қизиқиш жуда суст; аёллар кўпгина масалалар бўйича эркакларга нисбатан камроқ ахборотга эга. Шу билан бирга, аёллар бирон йигин ва маърузаларга йиғилишлари осон. Нотик аёллар аудиториясида сўзга чиқар экан, маълумотни индуктив ҳолда бериши, эмоционаллик намоиш этиши, турмуш масалаларига мурожаат этиши ва ҳаётдан, оилавий муаммолардан мисоллар келтириши муҳим. Бир чиқишда битта муаммони муҳокама қилган маъқул.

Эркаклар аудиторияси, одатда, барча масалалар юзасидан ахборотга эга; эркаклар газета кўпроқ ўқийдилар ва телевизор кўрадилар; эркаклар кўпроқ ишга ва сиёсатга қизиқишади. Эркаклар аудиторияси узундан-узоқ гапларга чидамли эмас, бирон мавзунинг узоқ вақт муҳокама қилишни ёқтиришмайди. Регламентга риоя қилиш шарт. Нотик эркаклар аудиториясида нутқ сўзлар экан, ўта эмоционалликка берилмаслиги ва маълумот беришнинг дедуктив усулидан фойдалангани маъқул. Эркаклар аудиториясида ўта кескин хулосалар чиқаришдан кечиш, мавҳум фикрлар баён этилгани маъқулроқ. Эркаклар аудиториясида бир чиқишда 2-3та масалани муҳокама қилиш мумкин; бундай аудиторияда ҳар бир айтилган тезисни асослаб бориш керак. Эркаклар аудиториясида чиқишнинг рационал қоидаларига амал қилиш ўринли, матн тузилмаси аниқ ва олдиндан баён этилиши керак. Фикрларни баён қилишда санаб бориш самарали ҳисобланади. Саволларга иложи бориша қисқа жавоб бериш керак.

Маълумотни тушуниш қобилиятига кўра тингловчиларни таснифлаш

Т.М.Дридзе кўп йиллик тадқиқотлари асосида аудиторияни тушуниш қобилиятига кўра бир нечта гуруҳларга бўлади. Бундай таснифлаш учта мезон асосида амалга оширилади: маълумотда ишлатилаётган сўз ва ибораларни билиш; маълумотни бир бутун тушуниш; маълумотдаги асосий ғояни англаш. Мана шу мезонлар асосида ҳар бир инсоннинг тушуниш даражасини — юқори, ўрта, паст тушуниш даражаларига ажратиш мумкин. Қуйида бу гуруҳларга тавсиф бериб ўтамиз.

Биринчи гуруҳ: маълумотдаги сўзларни яхши биладиган, матнни тушуниб, асосий ғояни англаб олганлар. Бундай тингловчилар ўртача статистик кўрсаткич бўйича 12% ни ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ: маълумотдаги фактларни қониқарли даражада билишади, матнни тушунишади ва асосий ғояни англай оладилар. Маълумотни қониқарли тушунганлар 17 % ни ташкил этади.

Учинчи гуруҳ: ҳамма кўрсаткичлар паст даражада, маълумотни ёмон тушунганлар 19 % ни ташкил этади.

Тўртинчи гуруҳ: сўзларни яхши билиб, матнни ҳам тушунишган, лекин асосий ғояни ёмон ўзлаштирганлар 32 %.

Демак, маълумотни яхши ва ўрта тушунганлар 29 % ни ташкил этади (биринчи ва иккинчи гуруҳлар), тингловчиларнинг учдан бир қисми матндаги асосий ғояни англай олмагани сабабли маълумотни тушунмаганлар (32 %). Бу шуни англатадики, нотиқнинг асосий эътибори тақдим этилаётган матннинг асосий ғоясини тушунтиришга йўналган бўлиши керак.

Саволлар:

1. Ифода этишнинг турлари қайсилар?
2. Нотиқлик фаолиятнинг стратегик жараёни нима?
3. Оғзаки нутқ турлари деганда нимани тушунаси?
4. Омма олдида чиқиш учун тайёргарликнинг қандай шарт шaroитлари бор?
5. Нутққа тайёрланишнинг қандай жиҳатларини биласиз?
6. Қандай ҳодисалар мулоқот жараёнига ижобий таъсир кўрсатади?

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: 1997, 9-бет
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 173 бет.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
4. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йулидир. Ўзбекистон, 2012. 20-жилд
5. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 366.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни катъият билан давом эттириш йулида. 2013. 21-жилд.
7. Алан Розенталь. Создание кино и видеофильмов как увлекательный бизнес. Триумф, ЭРА. 2000. 352с.
8. Алисейко Е.Н.. Конспект лекций по риторике (для студентов юридического факультета заочной формы обучения). Севастополь. 2009
9. Анисимова Т.В., Гимпельсон Е.Г..Современная деловая риторика: Учебное пособие. 2002 ISBN: 5-89502-304-5
10. Аргайл М. Психология счастья. 2-е изд. — СПб.: Питер, 2003. — 271 с:
11. Аристотель. Риторика // Античные риторик / Под ред. А. А. Тахо-Годи. М., 1978. С. 15-164.
12. Аронсон Э., Пратканис Э. Р. Эпоха пропаганды: Механизмы убеждения, повседневное использование и злоупотребление. Перераб. изд. - СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2003. - 384 с.
13. Бенедиктова В.И. О деловой этике и этикете. М., 1994.
14. Браун Л. Имидж — путь к успеху. — СПб. , 1996.
15. Вердербер Р, Вердербер К.. Психология общения. СПб.: Прайм-Евروزнак, 2003 - 320 с.
16. Водопьянова Н.Е. Психодиагностика стресса. – СПб.: Питер, 2009. – 336 с.
17. Гундарин М.В. Книга руководителя отдела PR. – СПб.: Питер, 2006. – 368 с
18. Гусейнов А. А., Иррлитц Г. Краткая история этики. Гл. «Гегель» — М.: Мысль, 1987, сс. 469—471
19. Зимняя И.А.. Психологические особенности восприятия лекции в аудитории. М., 1970, с. 29.
20. Курбатов, В.И.Стратегия делового успеха. Ростов н/Д: Феникс. 1995 г. 416 с..
21. Личностный потенциал. Структура и диагностика. Авторский коллектив: А.Ж. Аверина, Л.А. Александрова, И.А. Васильев, Т.О. Гордеева, А.И. Гусев, О.Е. Дергачева, Г.В. Иванченко, Е.Р. Калитеевская, М.В. Курганская, А.А. Лебедева, Д.А. Леонтьев, Е.Ю. Мандрикова, О.В. Митина,

- Е.Н. Осин, А.В. Плотникова, Е.И. Рассказова, А.Х. Фам, С.А. Шапкин.
Издательство «Смысл», 2011
22. Лукина М. Технология интервью. Учебное пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 2003. 49с.
23. Луначарский А. В.. Собр. соч. в 8-ми т., т. 7. М., 1967, с. 454- 455.
24. Мадди С.Р. Смыслообразование в процессе принятия решений. // Психологический журнал. – 2005. – Т. 26. – №6. – С.87– 101.
25. Майерс Д. Социальная психология, СПб.:Прайм-Евроникс, 2002. - 512 с.
26. Маклаков А.Г. Личностный адаптационный потенциал: его мобилизация и прогнозирование в экстремальных условиях. // Психологический журнал. – 2001. – Т.22. - №1. – С. 16-24.
27. Меграбян А.. Психодиагностика невербального поведения. СПб.: Речь. - 2001, с.256
28. Об ораторском искусстве. М., 1973, с. 172
29. Отто Эрнст. Слово предоставлено Вам: практические рекомендации по ведению деловых бесед и переговоров : перевод с немецкого - Москва : Экономика, 1988. - 140с.
30. Поварнин С.И. Спор: о теории и практике спора. Вопросы философии. М. 2003.
31. Почепцов Г.Г.. Теория коммуникаций.. М.: "Рефл-бук", 2001, с. 656
32. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. — 8-е изд., испр. — М.: Аспект Пресс, 2011. — 351 с.
33. Пресс-служба Министерства обороны РФ
http://www.orator.biz/library/others/kak_razgovarivatj_s_pressoj
34. Рождественский Ю.В. Общая филология. — М.: Фонд "Новое тысячелетие", 1996.— 326 с.
- 35. Савова М.Р., Риторика. Конспект лекций, М., 2005, 42с.**
36. Сопер Поль А. Основы искусства речи. М. , 1992.
37. Стернин И.А. Практическая риторика. Изд.5, доп. и испр. М.,
38. Стернин И.А.. Практическая риторика в объяснениях и упражнениях для тех, кто хочет научиться говорить. - Воронеж: «Истоки», 2011. - 169 с.
39. Рождественский Ю.В. Общая филология. — М.: Фонд "Новое тысячелетие", 1996.— 326 с. ISBN 5-86947-019-6
40. Управление персоналом: теория и практика. Этика деловых отношений. Под ред. Кибанова А.Я.. Издательство "Проспект", 2014 г. , с. 117
41. Формановская Н.И.Речевой этикет и культура общения. М.Высшая школа, 1989
42. Шейнов В.П. Скрытое управление человеком (психология манипулирования).-М.:ООО "Издательство АСТ", Мн.: Харвест, 2001.-848 с..
43. Angus Campbell, Philip E. Converse, Willard L. Rodgers. The Quality of American Life Perceptions, Evaluations, and Satisfactions.1976, P.600 ISBN-13 / ISBN-10 978-0-87154-194-9
44. John Baldoni, “Great Communications Secrets of Great Leaders” Paperback, 2003

45. Lunsford A.A. The Everyday Writer. – Bedford /St.Martin's, Boston–NewYork, 2001.
46. Natalie K. Houghtby-Haddon. Changed Imagination, Changed Obedience. PICWICK Publications.-Eugene, Oregon. 2011, 170p.
47. Maitland L Perfect PR. - London etc., 1999.
48. OECD 2001: 14-15
49. Seitel F.P. The practice of public relations. - New York etc., 1992.
 1. 50. Бегматов Э. ва бошқа. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Т.: Фан. 1988
 2. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари.-Т.: Ўқитувчи. 1993, 120 б.

МУНДАРИЖА

Кириш

1-мавзу. Нутқ маданияти курсининг предмет
ва вазифалари. Нутқ маданиятининг замонавий
концепцияси

2-мавзу. Нутқ ва унинг шакллари.

3-мавзу. Адабий норма ва нутқ маданияти.
Нутқ маданиятининг меъёрийлик аспекти

4-мавзу. Нотиқлик санъати тарихи ва нутқ
маданияти. Нотиқликнинг турлари ва кўринишлари

5-мавзу. Нутқий мулоқот қилиш маданияти.
Профессионал мулоқот одоби. Риторика

6-мавзу. Тил ва нутқ. Нутқ одоби. Баҳс.
Баҳс юритиш одоби

7-мавзу. Маданий нутқнинг асосий коммуникатив
сифатлари

8-мавзу. Профессионал нутқ ва унинг тасвирий
техникаси. Умумий риторика предмети

9-мавзу. Нутқ маданияти ва услубшунослик

10-мавзу. Мутахассис нутқи ва терминология.
Оғзаки нутқни ифода этиш усуллари

Адабиётлар рўйхати